Ўзбекистон республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети

Б.Н.Орипов

ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи

Олий ўқув юртлари «Бадиий-графика» факультети талабалари учун қўлланма

Наманган – 2007 й.

Сўз боши.

Азиз талаба, Сиз туғилиб ўсган ва яшаётган диёр – Ўзбекистон деб аталмиш мамлакат азалдан илм-фан, маърифат, санъат, маданият ва маънавият барқ уриб гуллаган замин бўлган-ким, унда жаҳоннинг Буюк зотлари Зардушт, Абдулла ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий кабилар туғилиб, яшаб, ижод этиб, келажак авлодлар учун фахрланишга арзигулик илмий ва маданий мерос қолдириб кетганлар.

Бобокалонларингиз Кўхна Ургенч, Афросиёб, Кат, Варахша, Ахсикат, Ўтрор, Янгикат каби ғоят гўзал шаҳарлар бунёд этганларким, бу шаҳарлар бугунги кунда сизларнинг археологик тадқиқот манзилгоҳингизга айланиб қолган.

Билинг-ким, заминингиз шунчалик кўхна, шунчалик маданий меросга бой ўлкаким, сиз улардан меросий фахрланишга ҳақлисиз.

Она юртингизнинг яқин тарихи ҳам сизга Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Тошкент, Хева, Қўқон, Косон, Термез каби қадимий шаҳарларни мерос қилиб қолдирдилар, бугун сиз улар заминида яшамоқдасиз.

Шунга кўра, сизнинг бугунги бурчингиз бўлиб қолган кўхна заминимиз тарихини, халқимизнинг санъати, маданияти ва маънавиятини ўрганиш сизнинг устивор вазифангиз бўлиб қолади. Чунки, сиз бобокалонларингиз бунёд этган Суғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Давон, Парфия, Эфталитлар, Самонийлар, Темурийларнинг давлатчилик маданиятини мужассам этган ва бобокалонларингиз олтин бешиги тарихини ўрганиш бахтига муяссарсиз.

Мамлакатимиз истиқлоли сизга озод ва обод диёр ҳадя этмоқдаким, эндиги навбат сизгадир. Сиз бобокалонларингиз удумини давом эттириб, мамлакатингизни ёмон кўздан асрашингиз ва Ватан хоинларига шафқатсиз бўлишингиз лозимки, буни сиздан она диёрингиз, ўтиб кетган бобокалонларингиз руҳи ва бугунги кундаги Мустақил Ўзбекистон – Ватанингиз, уни улуғвор халқи талаб қилади. Бунинг учун сиз илмда, санъат, маданият ва маънавиятда улуғ бобокалонларингиз руҳини шод этишингиз лозим.

Сизга тавсия этилаётган қўлингиздаги «Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи» китоби сизга Буюк зотларингиз қолдириб кетган бадиий-меросни ўрганиш, уларни асраб-авайлаб сақлаш ва уларни янада кўпайтирган ҳолда ўзингиздан кейинги авлодларга етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммангизга олишингиз зарурлигини баён этади.

Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, бунёдкори бўлмиш И.Каримовнинг, - «Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин», - деган чақиригини тафаккурингизга маҳкам жойлангда, уни амалга оширишга кучингиз, илмингиз, ижодингиз ва саҳоватингиз етгунча курашинг.

Ўзбекистон республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети

бадириддин нуриддинович орипов

пед. фан номзоди, доцент,
Ўзбекистон Бадиий Академияси ижодкорлари уюшмаси аъзоси.

Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи

Олий ўқув юртлари «Бадиий-графика» факультети
талабалари учун қўлланма

маърузалар матни асосида тайёрланган

Тақризчилар:
А.Турдалиев – пед.ф. номзоди, доцент.
М.Шаходатов – Ўзб. Бад.Академияси ижодий уюшмаси аъзоси, доцент.
Б.Жабборов – Ўзб. Бад.Академияси ижодий уюшмаси аъзоси, доцент.

Қўлланма: Нам.ДУ «Тасвирий санъат» кафедрасида тайёрланди ва унинг илмий кенгашида муҳокама этилиб, очиқ нашрга тавсия этилди.
Баённома № 01 «28» август 2002 йил.

Сизни ҳам кейинги авлодларингиз - бобокалонларингиз каби ўрганишсинлар, сизлар билан ҳам фахрлансинлар.

Маълумки, «Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи» курси мутахассисликнинг асосий ўқув фани ҳисобланиб, бу курс бўлажак рассом – педагогларга Ўзбекистон санъати, маданияти ва меъморчилиги, тарихидан илмий-амалий маълумотлар бериб, санъатшуносликнинг фалсафий асослари билан қуроллантиради.

Сизга тавсия этилаётган китобча Ўзбекистон санъати, маданияти ва меъморчилиги ҳақида қисқароқ маълумотлар берган ҳолда, сизни «Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи»га оид илмий асарлар билан ишлашингизни осонлаштиради ва курс бўйича ўқилаётган маърузаларни тушуниб боришингизга ёрдам беради, - деган умиддамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон санъати тарихи бўйича ўзбек тилидаги илмий адабиётларни, дарслик, ўқув қўлланмаларни жуда камлиги сабабли, мазкур китобча талабаларга вақтинчалик бўлсада, унумли ёрдам беради, - деган яхши ният билан тайёрланмоқда. Қўлланма «Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихи» курсининг маърузалар матни асосида ёзилди.

Қўлланма биринчи бор тайёрланаётганлиги сабабли ҳам унда айрим камчиликлар бўлиши табиий ҳол. Шунга кўра камчиликлар учун узр айтиб, китобча ҳақидаги фикр, таклиф ва мулоҳазаларингизни бизга ёзиб юборарсиз деган умиддамиз.

Бизнинг манзилгоҳ: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Наманган давлат университети, «Тасвирий санъат» кафедраси.

❶

Мавзу

ўзбекистон санъати тарихи

1. Ўзбекистон санъати тарихи курсининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳияти

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўтмиши, ўтмишдаги санъати, фани, маданияти, урф-одати, аҳлоқ-одоби ва диний эътиқоди бу халқнинг маънавиятини ифода этади. Шу боисдан бўлажак мутахассисларга ўз халқининг маданиятини, санъатини ва маънавиятини ўргатиш, ўқитиш, билдириш ва шулар асосида келажак дунё маънавиятини ифодалаб бериш янги жамият тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, «Ўзбекистон халқлари санъати ва меъморчилиги тарихи» курси мутахассисликнинг бош ўқув фани ҳисобланиб, у бўлажак рассомлар ва рассом-педагогларни ўз мутахассислиги тарихи билан таништиради ва бу соҳада атрофлича билим ва малакалар беради.

Бу курс бўлажак мутахассисларга Ўзбекистон халқларининг санъати, маданияти, фани, маънавий дунёсини энг қадимги даврлардан бошлаб, бугунги кунгача бўлган тарихий тараққиётини ўргатиш билан бирга, ўз ота-боболарини бу соҳада эришган ютуқларини ҳам эволюцион тарихий тараққиётини ўргатиб борилади.

Шунга кўра курс ўз олдига: бўлажак рассомлар ва рассом-педагогларга Ўзбекистон халқлари санъати ва меъморчилигини пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланишини ҳар бир жамият даври нуқтаи-назаридан ўргатиш, уларни ривожланиш қонун-қоидалари, шарт-шароитларини илмий жиҳатдан асослаб бериш, улардан тегишли илмий хулосалар чиқариш ва миллий истиқлол руҳида тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ана шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда курс:

1. Бўлажак рассомлар ва рассом-педагогларни ғоявий ва бадиий-эстетик руҳда тарбиялаш;
2. Ўзбек тасвирий санъатини назарий ва амалий жиҳатлари ва унинг бугунги мақсади, мазмун-моҳияти билан таништириш;
3. Ўзбек рассомчилиги, меъморчилигининг бадиий томонларини таҳлил қилишга ўргатиш;
4. Ўзбек рассомчилиги, меъморчилиги санъатининг шаклланиши, ривожланиши тарихий тараққиётини ўрганиб чиқиш;
5. Ўзбек халқининг энг қадимий илм-фани, маданияти, диний қарашлари, аҳлоқ-одоби, меҳнатга ва ижодга муносабати, шунингдек, маънавий дунёсини ҳам шаклланишидан бошлаб, уни эволюцион тарихий тараққиётини илмий асосда ўрганиш;

м у н д а р и ж а

1. Ўзбекистон санъати тарихига кириш. 4
2. Ўзбекистон санъати тарихини ўрганишнинг илмий ва ашёвий манбалари 7
3. Ўрта Осиёнинг энг қадимги ибтидоий санъати ва маданияти 10
4. Зардўштийлик дини ва тасвирий санъат. 14
5. Ўрта Осиёликларнинг энг қадимги дини ва уни санъатда ифодаланиши 19
6. Қадимги Хоразм санъати, маданияти ва меъморчилиги 20
7. Элинлар санъатининг Ўрта Осиёга кириб келиши 23
8. Кушонлар даври санъати ва маданияти 25
9. Афросиёб санъати ва маданияти 27
10. Турк ҳоқонлиги даври санъати. 31
11. Араб халифалиги даврида санъат, маданият ва меъморчилик . . . 32
12. Самонийлар даври санъати ва меъморчилиги 34
13. IX-XI асрларда Ўрта Осиё санъати, маданияти, меъморчилиги ва фани 35
14. Мўғул истилочиларини санъат ва маданиятга муносабати 38
15. Амир Темур даври санъати, маданияти ва меъморчилиги 39
16. Улуғбек даврида фан, санъат ва меъморчилик 43
17. XVI-XVIII асрларда Мовароуннаҳр санъати, маданияти ва меъморчилиги 47
18. Ўрта Осиёда Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари санъати, 54

маданияти ва меъморчилиги . . . .
19. Ўрта Осиёга Европа санъатини кириб келиши 58
20. XX асрда Ўзбекистон санъати, маданияти ва меъморчилиги 61
21. Мустақил Ўзбекистон санъати, маданияти ва меъморчилиги 67
22. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 80
23. Мундарижа 81

Адабиётлар

1. И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. 1998 й.
2. И.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. 1999 й.
3. А.Асқаров. Ўзбекистон тарихи. Т. 1994 й.
4. Б.Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т. 2001 й.
5. Муаллифлар уюшмаси. Ўзбекистон санъати. Т. 2001 й.
6. Муаллифлар уюшмаси. Ватан туйғуси. Т. 1996 й.
7. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. 2 т. Т. 1987-2001 й.
8. Н.Ойдинов. Ўзбекистон халқлари санъати тарихи. (Дастур).Т. 1993 й.
9. Б.Орипов, Б.Жабборов. Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги. (Дастур). Т. 1994 й.
10. М.Косвен. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. Т. 1960 й.
11. С.Тольстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т. 1964 й.
12. М.Аминжанова, Т.Желтова. Ўзбекистон ўтмиши тарихидан лавҳалар. Т. 1974 й.
13. Ж.Кабиров, А.Сагдуллаев. Ўрта Осиё археологияси. Т. 1990 й.
14. В.Абдиев. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1965 й.
15. Муаллифлар уюшмаси. Қадимги Шарқ тарихи. М. 1988 й.
16. Ж.Кабиров. Сармишсойнинг қоятошларидаги расмлар. Т. 1976 й.
17. П.Зохидов. Зеб ичра зийнат. Т. 1985 й.
18. П.Зохидов. Меъмор санъати. Т. 1978 й.
19. Г.Шацкий. Коялардаги кадимги расмлар. Т. 1973 й.
20. Й.Қосимов. Қадимги Фарғона сирлари. Н. 1996 й.
21. Е.Брезников. Зардўшт туғилган диёр. Т. 1991 й. (ж. «Ёшлик», №8)
22. Шарқ ва Ғарб: Зардўштийлик ва «Авесто»нинг ғарб дунёқарашига таъсири. Н. 2001 й. (Халқаро конференция материаллари).
23. В.Засилкин. Ўрта Осиё меъморчилиги. Т. 1974 й.
24. Муаллифлар уюшмаси. Ўзбекистон тасвирий санъати. Т. 1957 й.
25. Муаллифлар уюшмаси. Ўзбекистон санъати тарихи. Т. 1958 й.
26. Муаллифлар уюшмаси. Шарқ миниатюра мактаблари. Т. 1989 й.
27. Муаллифлар уюшмаси. Ўрта Осиё тош ва бронза асрида. Т. 1966 й.
28. Н.Ойдинов. Аждодларимиз санъати ва эътиқоди. Т. 1992 й.
29. Б.Орипов. Тасвирий санъат асослари. Н. 1994 й.
30. А.Умаров. Ўзбекистон портрет рангтасвири. Т. 1968 й.
31. Н.Абдуллаев. Ўзбекистон манзара рангтасвири. Т. 1976 й.
32. А.Эгамбердиев. Ўзбекистон жанрли рангтасвири. Т. 1978 й.
33. Т.Махмудов,Я.Олимов. Ўзбекистон санъатида инсон омили.Т. 1987й.
34. Б.Орипов, Т.Ахмадалиев. Наманган меъморчилик санъати. Н. 1999й.
35. Б.Орипов, Ш.Куралов. Қадимги Поп санъати ва маданияти.Н. 2001й
36. С.Булатов. Ўзбекистон халқ амалий-безак санъати. Т. 1991 й.
37. О.Усмонов. Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. Т. 1977 й.
38. И.Ибрат. Фарғона тарихи. Т. 1991 й.

збек халқининг ижодий яратувчилари бўлмиш Буюк алломалар, санъат, маданият ва меъморчиликнинг атоқли устозлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш;

7. Қадимий аждодларимиз томонидан бизга меърос бўлиб қолган бадиий-ижодий бойликларни илмий асосда таҳлил қилиш, уларни асраб-авайлашга ўргатиш, улардан келажак учун фойдаланиш ва уларни кейинги авлодларга етказиш йўл-йўриқларини ўргатиш;

8. Ижод қилиш, ижодий таҳлиллар ўтказиш, санъат асарларини илмий асосда ўрганиш, улар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш, санъат назарияси ва тарихи бўйича илмий-ижодий изланишларнинг методологик асослари билан таништириш каби вазифаларни амалга оширади.

Курс ўзининг мақсади ва вазифасини амалга ошиш ва уни бажариш учун ўз мазмунини қуйидагича белгилайди. Ўзбекистон ҳудудларида яшаган энг қадимги халқлар санъати, маданияти ва меъморчилигини тош асридан (мезолит даври – эр.авв.VII-VI минг йиллик) бошлаб, ибтидоий, қулдорлик, феодализм, капитализм ва бугунги кун санъати, маданияти ва меъморчилигининг энг сўнгги ютуқларигача бўлган даврлар тарихини ўрганади.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудларида одам зоти пайдо бўлганига 1 миллион йил бўлди. Одам зоти меҳнат қилиш кўникмасини эгаллаши билан санъат ҳам шакллана бошлаган. Ёзув пайдо бўлганига 4-5 минг йилларча бўлди.

Санъат тарихи курсида Ўрта Осиёликлар санъатини пайдо бўлиши эр.авв. XI-X минг йилликлардан бошланадиким, бу қадимги тош даври – Палеолитдан бошланиб, мезолит, неолит асрлари уни қадимги дунёси санъати сифатида ўрганилади. Сўнгра, Ўрта Осиёликларни эр.авв. III-I минг йилликлардаги санъати, маданияти ва меъморчилиги ўрганилади. Шундан сўнг, Осиёнинг энг қадимий давлатларидан бўлмиш «Суғд» ва «Хоразм» санъати ва маданияти таҳлил қилинади.

Яна курс мазмунига Ўрта Осиё ҳудудларида шаклланиб борган Юнон-Бақтрия, Кушон, Афросиёб, Самонийлар, Темурийлар ва Ўрта Осиёда пайдо бўлган Хева, Бухоро, Қўқон хонликлари санъати киради. Курснинг энг сўнгги мавзулари Ўрта Осиёга русларни босиб келиши ва улар билан Европа санъатини кириб келиши, уни 100 йилдан ортиқроқдаврдаги миллий санъати ва маданият устидан ҳукмронлиги, бу даврдаги ўзбек санъати маданияти ва меъморчилигининг аҳволи ўрганилади.

Ҳозирги замон ўзбек санъати, маданияти ва меъморчилиги ўрганилганда Ўзбекистон мустақиллиги давридаги 10 йиллик ўзбек санъати, маданияти, меъморчилигида эришилган улкан ютуқлар, мустақиллик йилларида яратилган санъат, меъморчиликнинг нодир асарлари мисолида таҳлил қилинади.

Санъат тарихи белгилаган мазмунини ўрганиш учун бугунги кунда анча материаллар ва илмий-ашёвий манбалар мавжуддирким, уларни системали ўрганиб борилса, курс ўз олдига қўйган мақсадига эришган ва ўз вазифасини бажара олган бўлади.

2. Ўзбекистон санъати тарихини жаҳон санъати тарихида тутган ўрни

Маълумки, Ўзбекистон санъатини шаклланиши қарийб 10-12 минг йилларгача даврни ифода этиб, бу жаҳондаги энг қадимги халқлар санъатини ўрганишда асосий манба бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек археологияси изланишлари ва улар топган ашёвий далиллар ўрта тош асри – мезолит (эр.авв. 10-6 мингинчи йиллар) даврига тўғри келади. Бунга Ўрта Осиё территориясидан топилган энг қадимий суратлар, буюмлар, тош ва қоялардаги битиклар гувоҳлик беради. Бундай топилмалар, суратлар ва битиклар Обшир, Мочай, Туткалла, Жайтун, Калтаминор, Зараўтсой, Сармишсой, Биронсой, Зарамишсой, Чадаксой каби манзилгоҳ ва ғор, қоялардан кўплаб топилган. Буларнинг барчаси жаҳон халқлари санъати, маданиятини ўрганишда илмий манбалар бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекларнинг ота-боболари яшаган қадимий манзилгоҳлари Фарғона, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент воҳаларидан топилган бўлиб, уларни тарихи яқин 1 миллион йилларгача етиб бормоқда. Бас, шундай экан, бу ўлка жаҳон халқлари яшаган энг қадимий ўлкалардан бўлиб қолаверади.

Сўнгги йиллардаги археологик тадқиқотлар Ўзбекистон территориясида одам зоти миллион йилларча аввалдан яшаб келган ҳолда, уларнинг санъати ва маданияти ҳам шунга кўра 10 минг йиларча муқаддам шаклланганлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Шунингдек, «Жайтун», «Калтаминор», «Чуст маданияти», Амударё бойлиги қадимги дунёнинг яқин тарихий даври эр.аввалги минг йилликлари санъати ва маданияти ўрганилади. Бу тадқиқотлар ва топилмалар эр.авв. IV-III минг йилликларда Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда тасвирий ва амалий санъатнинг турли буюмлари, кулолчилик, дизайнерлик ва меъморчилик ривожланганлигидан далолат беради.

Эр.авв. 1-минг йилликларни бошланишида Ўрта Осиёда санъат ва маданият беқиёс ўсганлиги исбот этувчи ёзма манбалар ҳам жуда кўпки, булар орасида «Овесто»дек илмий манбаларни борлиги бу даврлар санъати ва маданиятини ўрганишда улкан манба бўлиб хизмат қилади.

Эрамиз бошларига ва унинг кейинги даврларига оид манбалар Миср, Юнон, Хитой, Мўғул, Араб ва Европада кўплаб топиладики, улар орасида Ўзбекистон санъати ва маданиятини, шунингдек, жаҳон халқлари санъати ва маданиятини ўрганишга оид жуда катта манбалар мавжуд.

Ўрта Осиё – Ўзбекистоннинг ўрта асрлар даври санъати ҳам жаҳон санъатини энг асосий қисмини ифода этадиким, бу даврга оид Қадимги Хоразм, Кушон, Самонийлар даври, Темур ва Темурийлар даври алоҳида аҳамият касб этиб, уни ўрганишга бутун жаҳон санъатшунослари бугунги кунда астойдил киришганлар.

Хуллас, Ўрта Осиё – Ўзбекистон санъати тарихи жаҳон санъатининг ажралмас қисми бўлган ҳолда, унда алоҳида ўринга ва салмоққа

қурилди. Тошкентда Хотира майдони ва «Мотамсаро Она» ҳайкали билан бунёд этилди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қурилиш ва меъморчилик санъати беқиёс ривож топмоқдаки, мамлакатимизни қайси бир шаҳрига борманг, бу ердаги 10 йиллик ўзгариш асосида шаҳарларни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Мамлакатимизнинг халқи 10 йил ичида қандай ижобий ўзгарган бўлса, улар яшайдиган шаҳарлар ҳам шундай ўзгариб кетди. Ҳар бир шаҳарга кириб борар экансиз, энг аввало шаҳарни дарвозасини кўрасиз. Ана шу дарвозалар шаҳардаги маданият ва маънавиятни ифода этиб, бу ердаги тинч, осойишта меҳнат ва ижодни кўрсатиб туради.

Сўнгра шаҳарларда тўхтовсиз кўпайиб бораётган кўп қаватли бинолар, кенг ва чиройли қилиб безатилган кўчалар, тинимсиз ғизиллаб бораётган машиналар ва йўллар четидаги турли-туман бинолардан кўнглингиз ором топади.

Тинч мамлакатда тинч қурилиш, бу қурилиш ҳар куни янгидан-янги биноларни бунёд этаверади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи йирик жамоат биноси Тошкентда «Туркистон» санъат саройи 1992 йили қуриб битказилди. (Бу асарни меъмор Ю.Халдеев, безовчи Ф.Турсуновлар яратганлар).
Мустақиллигимизни дастлабки йилида Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Буюк «Алишер Навоий» номли миллий боғ барпо этилди. Мазкур боғ амфитеатр, унинг икки ёнида «Наврўз» ресторани ва Олий Мажлис биноси билан ягона-яхлит Миллий меъморий ансамбли бунёд этган.
Ансамбалга кирувчи «Алишер Навоий» ёдгорликни муаллифлари Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяровлар бўлишди. «Наврўз» ресторани муаллифлари Р.Ёқубов, В.Островерхов, Н.Баторин (1995 йил), Олий Мажлис биносини меъмор В.Акопджанян лойиҳаси бўйича 1997 йили қурилди.
Тошкент шаҳрида Банклараро марказ биноси (2000 й), Бизнес маркази биноси (2000 й), Темурийлар тарихи биноси (1995 й. меъмор А.Турдиев), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг биноси (1997 й. меъмор Ф.Турсунов), «Интерконтинентал» меҳмонхонаси биноси (1995 й. меъмор Тахтаев), Милий банк биноси, Тошкент «Плаза» савдо маркази, Марказий банк биноси (1996 й. меъморлар Р.Шокиров, Н.Валиева), «Шератон» меҳмонхонаси (1999 й) каби ўнлаб осмонўпар бинолар Тошкент меъмрчилигига янада сайқал берди.
Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахти қурилиш майдонига айланган. Янги қурилишлар билан бирга ғоят катта реставрация ишлари олиб борилмоқда. Ўтган асрларда қурилган бинолар қайта тикланиб, ҳаётга қайтмоқда. Тошкентда кўплаб музейлар, стадион, бозорлар, дам олиш хиёбони – марказлари барпо этилмоқда.
Мамлакатмиздаги қурилишлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб вилоятлар ва туман марказларида, шаҳар ва қишлоқларда ҳам олиб борилмоқда.
Самарқанд, Бухоро, Хева, Термез, Андижон, Фарғона, Нукус, Ургенч, Қўқон, Навоий, Наманган, Жиззах, Гулистон, Шаҳрисабз каби шаҳарларида улкан қурилишлар амалга оширилди.
Мустақиллик йилларда барча вилоят ва туманлар, шаҳарларнинг бош майдонлари қайта қурилди. Меҳмонхона, санъат саройлари, аэропорт, вокзаллар, бозорлар қайта қурилмоқда. Янги бинолар билан таъминланди.

Самарқандда «Афросиёб» (1996 й), Бухородаги «Бухоро» (1996 й) меҳмонхоналари қурилди. Самарқандда «Гўри Амир» ва «Бибихоним» масжидлари қайта тикланди.
Самарқанд, Фарғона, Хорзам, Термез шаҳарларида Муҳаммад ал-Бухорий, Аҳмад Фарғонийлар ва «Муқаддас Авесто», «Алпомиш» асарларининг таваллуд йилларига атаб боғ, майдон меъморий ансамбллари барпо этилди.
Барча вилоят ва туманларда лицей, коллежлар учун ҳашаматли бинолар қурилди. Шугингдек, кўплаб масжидлар қайта тикланди ва

ўлган санъат тарихи ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон санъати тарихи жаҳон санъати ва маданиятини тадқиқ этишда ғоят кенг, сермазмун, кўп тармоқли соҳаси бўлиб хизмат қилади. Буюк зотлар таъкидлаганидек, жаҳон халқлари тарихини, унинг санъати, маданияти, меъморчилигини бошланиш нуқтасида Ўрта Осиё халқи ҳам туради. Шуларга кўра Ўзбекистон санъати ва маданияти тарихини жаҳон санъати ва маданияти тарихида ўзига хос алоҳида, каттагина аҳамиятга эга бўлган ўрни бор.

❷

МАВЗУ

ўзбекистон санъати тарихини
ўрганишнинг илмий-ашёвий материаллари

1. Ўзбекистон санъати ва меъморчилигини
ўрганишнинг асосий илмий манбалари

Маълумки, Ўрта Осиё ер юзининг жуда қадимдан санъати, маданияти ривожланган минтақаларидан бири бўлган. Чунки, бу минтақада одам зотининг илк аждодлари яшаганига 1 минллион йил бўлганлиги ҳақида археологлар исботий материаллар топишган.
Кўплаб илмий-бадиий манбаларда ҳам Ўрта Осиёда жуда қадимдан ибтидоий одамлар яшагани, уларни санъати, маданияти равнақ топганлиги ҳақида маълумотлар берилади.

Илмий манбалар Ўрта Осиёда ёзув пайдо бўлганлигига 3-4 минг йиллар бўлганлигини ҳам исботлаб беради. Тарихий маълумотлар ва манбаларга кўра Ўрта Осиёликларнинг буюк асари «Авесто»ни ёзилганига 2700 йил бўлиб, у Хоразм тилида, орий ёзувида бунёд этилган. Тарих шоҳидким, «Авесто» асарини ёзилиши қадимги Хоразмда ёзув пайдо бўлганлигини тўла асослаб беради. Шундан кўриниб турибдики, Хоразмда ёзув «Авесто» ёзилмасдан аввал ҳам мавжуд бўлган. Бу ёзув орий – оромий ёзуви, - деб юритилган. Лекин бу ёзувда битилган кўплаб манбалар бизгача етиб келмаган.

Тарих шоҳидким, Ўрта Осиёга босқинчилик сиёсати билан кириб келган Македонскийдан тортиб, араб лашкарбошиси Қутайба, мўғул хони Чингизлар Ўрта Осиё халқи яратган барча манадий бойликлар билан бирга илмий манбаларни ёқиб, кулини кўкка совурганлар. Шунга қарамай ўлкамиз ва халқимизнинг ўтмиш тарихи ҳақидаги маълумотлар қадимги Юнон, Хитой, Эрон, Мўғул, Араб, Ҳинд, ҳатто Европанинг кўплаб қўлёзма манбаларида сақланиб қолган.

Шунингдек, ўлкамизнинг кўплаб қадимий манзилгоҳларида қоя тошларга ўйиб, табиий ранглар билан ёзилган қадимий битиклар ва тасвир-расмлар бизга жуда қадимги авлод ва аждодларимиз ҳақида илмий-асосли маълумотлар беради. Уларни барчаси Ўрта Осиё ва бизнинг қадимий аждодларимизнинг санъати, маданияти ҳақида анчагина кенг тасаввурлар бера олади.

VIII-XI асрларда яшаб ижод қилган Муҳаммад ал-Фарғоний (750-865), Мусо ал-Хоразмий (780-850), Абу Носир Фаробий (873-950), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Али Ибн Сино (980-1037), Улуғбек (1394-1449) каби фан алломаларимиз томонидан ёзилган бир қатор илмий асарлар бизнинг қадимий санъат ва маданиятимизни, меъморчилигимизни ўрганишга имкон беради.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудларини археологик жиҳатдан тадқиқ этган ўзбек ва европа олимлари ўзбек халқининг қадимий санъати, маданияти ва меъморчилиги тарихи бўйича кўплаб илмий манбаларни очиб берадилар.

Маълумки, Ўрта Осиё санъати, маданияти ва меъморчилиги тарихини илмий асосда ўрганиш XIX асрнинг II-ярмидан бошланади. Бунда кўплаб Европа археологлари, тарихчилари ва санъатшунослари қатнашадилар.

В.Бертолд, В.Жуковский, Н.Всесповский, А.Кун, В.Вяткин, И.Послявский, Н.Остроумовлар ва энг биринчи маҳаллий археологлардан А.Асқаров, М.Мирмуҳамедовлар Ўзбекистонда дастлабки археологик тадқиқотлар ўтказадилар ва қатор илмий хулосалар берадилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ўзбек халқининг қадимий тарихи, санъати, маданиятини ўрганиш бўйича С.Толстов, М.Массон, А.Окладников, М.Герасимов, А.Якубоаский, Я.Ғуломов, А.Бернштам, Б.Латинин, В.Шишкин, Г.Пугаченкова, Л.Релпен каби кўплаб машҳур археолог, тарихчи, санъатшуносларнинг хизматлари катта бўлди.

Сўнгги йилларда ўзбек археолог олимлардан А.Асқаров, У,Исломов, А.Мухаммаджонов, Р.Сулаймонов, Н.Неъматов, И.Ахроров, Х.Олтмишбоев, О.Бердиев, М.Косимов, Т.Мирсоатов, М.Жўрақулов, Б.Матбобоев, А.Анорбоев, Т.Ширинов кабилар ўзбек санъати, маданияти ва тарихини ўрганишда янгидан-янги илмий манбаларни бунёд этмоқдалар.

Хулоса қилиш мумкинки, ўзбек халқининг кўхна тарихи, унинг қадимий санъати, маданияти ва меъморчилиги тарихини ўрганиш учун бизга мозийдан мерос бўлиб қолган «Овесто» асаридан бошлаб, жуда кўплаб илмий-ёзма манбалар мавжуд. Бу манбалар мустақиллигимиз шарофати билан объектив ҳаққоний, тўғри ўрганишга имкон яралди. Шунингдек, бу илмий манбалар янги тадқиқотлар асосида тўлдирилиб, кенгайтирилиб борилмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек халқи тарихини, санъати ва маданиятини унинг пайдо бўлиши давридан бошлаб ўрганиш имкониятини беради.

ўзининг яна қайта ривожланиш даврига кириб бормоқда. Айниқса, Тошкент биноларини безатилишида жуда катта талаб бўлмоқда.

Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуалари қурилиши ва безатилишида ёғоч ва ганч ўймакорлиги кенг-кўламда ишланди.

Наққошлик гумбазлар, интерьерлар, шифталрни безатишда кенг қўлланилмоқда. Эшик, дераза, устун ва пештоқларни безатишда ёғоч ўймакорлигидан фойдаланилмоқда.

Мустақиллик йилларида Тошкентда, вилоятларнинг марказларида қурилаётган маъмурий ва жамоат биноларини безатишда асосан нақш ёғоч ва ганч ўймакорлигидан кенг фойдаланилмоқда.

Ўзбек наққошлиги санъати билан бугунги кунда М.Тўраев, А. Илхомов, С.Махмудов, Х.Нуралиев, С.Шукуров, А.Акпаров, Р.Зохидов кабилар шуғулланиб келмоқдалар.
Мустақиллик йилларида амалий санъатнинг кандакорлик, заргарлик соҳаси ҳам жуда сермазмун ривожланди.
Кандакорлик санъатини чуқур ўймалаш, саёз ўймалаш, кесма ўймалаш услублари қайта тикланиб, чиройли сервизлар, қумғон, обдаста, чойнак, чашкиларин безатишда кенг қўлланилмоқда.
Кандакорлик бугунги кунда Тошкент, Бухоро, Марғилон, Хоразм шаҳарларида яхши ривожланмоқда.
Бухорода бугунги кандакорлик устахонасида 200 дан ортиқ усталар фаолият кўрсатмоқдалар. Бу соҳада А.Мадалиев, З.Ғофуров, Д. Холидова, Г.Рахматова, У.Алиев, Б.Бобожонов, У.Машариповлар ўзбек кандакорлигига ўзларини муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар.
Ўзбек заргарлиги ҳам ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, бу санъатни бугунги кунда қадимий анъаналар асосида Г.Йўлдашева, Р. Мухаметишин, М.Назирхонов, Ш.Низомов, И.Олимов, Г.Тошева каби рассом-усталар ижод қилиб келмоқдалар.
Мустақиллик йилларида амалий санъатни бадиий матолар тўқиш, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, пичоқчилик каби турлари ҳам қайта тикланиб, ривожланиш йўлига кириб бормоқда.

3. Мустақил ўзбекистон меъморчилиги

Ўзбекистон мустақилликка эришгач миллий меъморчилик ва миллий шаҳарсозлик санъати ривожига ҳам катта йўл очилди. Ҳар бир халқни ва мамлакатни миллий анъаналирини намойиш этишда меъморчилик ва шаҳарсозлик алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир миллатни, ҳалқни ва давлатни маданияти, маънавияти ва анъанавий урф-одатларини, илмию-тафаккурини намойиш этишда унинг санъати ва меъморчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра мустақилликни дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда меъморчилик ва шаҳарсозлик санъатига алоҳида эътибор берилди.

77

дади. Ғурумсарой кулолчилигининг безаглари ҳам ғоят қадимий-архаик бўлиб, улар «Чорбарг», «Қумғон», «Бутсимон безак», «Кўп бурчалик юлдуз» атамаларида авлоддан-авлодга ўтиб келади.
Бу мактабни ўтган асрларда Уста Куки бошқарган, XX асрда унинг қариндошларидан М.Туробов, Х.Хакимовлар бошқарди. XXI асрга келиб, Ўзбекистон мустақиллигига эришгач, бу авлодни кейинги сулоласи бўлмиш Вахобжон Буваев давом эттирмоқда. В.Буваев Наманган давлат университети БГБ бўлимини тугатиб, ўз авлод касбий санъатини қайта тиклашга бел боғлаган санъаткордир. У кўп ўтмай вилоят, республика ва халқаро кўргазмаларда қатнашиб келмоқда.
Ўзбекистон кулолчилик санъатида Бухоро, Самарқанд кулолчилик мактаблари ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу мактабларда идишларни нафис, жарангдор бўлиб яратилишида қўрғошинли сир, сарғиш, жигарранг бўёқлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Бухоро ва Самарқанд кулолчилигининг ички омиллари қадимий «Афросиёб» сополи анъаналарига асосланган ҳолда тайёрланади.
Бухоро ва Самарқанд кулолчилиги мактабининг асоси Ғиждувон кулолчилик мактаби услубидир.
Ғиждувон кулолчилигини Назруллаевлар сулоласи бошқариб, бугунги кунда уларнинг олтинчи авлоди Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар давом эттирмоқдалар. Ғиждувон кулолчилигида ҳайвонлар тасвиридан фойдаланилади. Уларда «Думли бургут», «Бойқуш», «Гули товус», «Минг оёқ» тасвирлари ифодаланади.
Хоразм кулолчилиги санъати ҳам ўзига хос миллийлик хусусиятига эгадир. Хоразм кулолчилиги билан Р.Матчонов, С.Отажонов кабилар шуғулланиб келмоқдалар. Хоразм кулолчилигини белги хусусияти чуқур сопол товоқ, уларни безаги геометрик шакллар, ўсимликлар тасвири, жонзотлар бўлиб, тўқ кўк, ҳаворанг ишлатилади.

Ўзбек наққошлик ва ўймакорлик санъати.

Маълумки, наққошлик санъати асосан меъморчилик билан уйғунлашган ҳолда ровожланиб келган. Ўзбек наққошлиги мустақиллик йилларида янада ривож топди.
Ўзбекистон наққошлигида Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хева мактаблари қайта ташкил этилмоқда. Бу ўринда Тошкент наққошлиги ва ўймакорлиги ўзига хос, қадимий анъаналар ва замо-

навий услубларда ўзининг бой ва серқирра мазмунини намойиш этмоқда.
Фарғона наққошчилигида «Бута», «Гулдасталарга» кўпроқ эътибор берилади.
Фарғона наққошлигида нақшлар яхлитлиги, элементларни ораси очиклиги билан ажралиб туради. Фарғона наққошлигида Наманган наққошлиги алоҳида ўзига хос услуб яратган.
Сўнгги йилларда ёғоч, ганч ўймакорлиги ҳам наққошлик билан уйғунлашган ҳолда ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида ёғоч ва ганч ўймакорлиги талаб ва истакни ортиб бориш билан бу

ат

2. Ўзбекистон санъати ва меъморчилиги тарихини ўрганишнинг ашёвий материаллари

Археолог олимларнинг берган маълумотлари ва илмий фаразларига кўра биз яшаб турган заминимиз – она ер беш миллиард йил муқаддам пайдо бўлган. Унда хеч қандай ҳаёт бўлмаган. Ёр тарихи геологик жиҳатдан архей, палеозой, мезозой ва кайназой эраларига бўлинади. Унинг палеозой эрасида сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, кайназойда сут эмизувчи ҳайвонлар пайдо бўлган. Бу эранинг охирига келиб (3-3,5 миллионинчи йиллар) одам зотининг дастлабки авлоди шаклланади. Чунки, Африка қитъасининг Кения ва Эфиопия ерларидан инглиз олими Ричард Лики томонидан презинжантроп – «ишбилармон одам» одамларининг излари топилган. Эпиопия презинжантроп – «ишбилармон одам»лари бундан 2,5-3 миллион йил муқаддам яшанганлиги аниқланган.
Голландиялик олим Э.Дюбуа Индонезиянинг Ява оролидан бундан 700-800 минг йил мукаддам яшаган одам зотини аниқлаган. Хитойдан 400-500 минг йил илгари яшаган одамларнинг манзилгохлари топилган.
Ҳудди, шунингдек Ўрта Осиёнинг кўплаб ҳудудлари қадимги одам зоти яшаган манзилгоҳларга киритилди.
Фарғона водийсининг Селенғур ғори археологик тадқиқотлари асосида (А.Окладников, У.Исломовлар) бу ерда бир миллион йил муқаддам одам яшаганлиги ҳақида умумий хулоса берилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Тошкент областидаги Кулбулоқ, Болтағор, Самарқанд вилоятининг Учтут, Ижонд, Вауш каби маконларидан топилган юзлаб ашёвий материаллар Ўзбекистоннинг

жуда қадимдан одам зоти яшаб келган манзилгоҳларга киритиш имкониятини асослаб берди.
Маълумки, Ўзбекистон ҳудудларида археологик тадқиқотлар XIX асрни 2-ярмидан бошланади. XX асрга келиб, Ўзбекистон территориясини археологик тадқиқотлар ҳар томонлама – фронтал ҳолда олиб борилди. Бу талқиқотлар ўлкамиз тарихини, уни санъати, маданияти ва меъморчилигини ўрганишнинг янги босқичини ташкил этади.
Археологик тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудларини Фарғона, Зарафшон, Сурхон, Хоразм воҳалардаги қадимги аждодларимиз яшаган юзлаб манзилгоҳларни топилишига имкон берди.
Сўнгги йилларда Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Фарғона водийсидан жуда кўплаб энг қадимий манзилгоҳлар, санъат ва меъморчилик обидалари аниқландиким, бу ерлардан минглаб ашёвий далиллар, материаллар, буюмлар топилди. Уларнинг ёши ҳам бир миллон йилликдан бошлаб, ўрта асрнинг энг ривожланган даврларидан илмий маълумотлар беради.
Археологик тадқиқотлар натижасида Кулбулоқ, Учтут, Бўриқозғон, Танирқозғон, Онарча, Қоратангар, Қазқалъа, Селенғур, Тешиктош, Хўжакент, Омонқўтон, Фарғона, Қорасув, Болттғор, Такам, Обирахмат, Бўзсув, Гурдара, Қўтирбулоқ, Амир Темур, Туябугуз каби юзлаб қадимий манзилгоҳлар аниқланди, улардан топилган сонсаноқсиз ашёвий материаллар таҳлил қилинди. Уларнинг кўпчилиги тош асри даври ёдгорликларидан иборатдир.
Ўзбекистон санъати ва маданиятини ўрганишда қоятош расмлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Қадимги тош тасвирларни ўрганиш ўрта асрнинг буюк алломаси Абу Райҳон Берунийдан бошланади. Бизнинг давримизда қоятош расмларни 30-йиллардан бошлаб ўрганилди. А.Околадников, М.Воронцов, С.Толстов, М.Массон, Л.Ремпель, Г. Пугаченкова, А.Маҳаммаджонов, Н.Тошкентбоев, Р.Равшанов, Х.Ботиров кабилар каттагина илмий тадқиқотлар олиб бордилар.
Тадқиқотлар Ўзбекистон территориясидан Зараўтсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Илонсой, Такатош, Тераклисой, Жарсой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби юзлаб қоятош расмлари манзилгоҳларини тадқиқ қилиб, ўзларининг илмий хулосаларини берганлар. Шунингдек, ўлкамизнинг юзлаб манзилгоҳларидан қабрлар, ғорлар, турар жойлар тадқиқ қилиниб, улардан халқимиз

санъати, маданияти ва меъморчилигини ўрганишга илмий асос берадиган минг-минглаб ашёвий далиллар ва материаллар топилган. Бу тадқиқотлар бугунги кунимизда ҳам давом этиб, бизнинг санъатимиз, маданиятимиз ва меъморчилигимизга оид, уларни тарихий тараққиётини ўрганишга каттагина ашёвий заминлар яратилмоқда.

❸

МАВЗУ

ўрта осиёнинг энг қадимги
ибтидоий санъати

1. энг қадимги ибтидоий расмлар

Ўрта Осиёнинг санъати, маданиятининг хилма-хил ёдгорликлари ва топилмалари орасида тоғлик воҳаларда кенг тарқалган қоя тош расмлари мамлакатимизнинг қадимий санъати ва маданияти тарихини ўрганишда жуда эътиборли илмий материал бўлиб ҳисобланади.
Ўлкамиздаги қоя тош расмлар икки хил характерда эканлиги кузатилади:
I – қирқиб, чизиб, ўйиб ишланган расмлар.
II – турли рангдаги табиий бўёқларда ишланган расмлар бўлиб, уларни ўрганиш ўрта асрнинг буюк алломаси бўлмиш бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийдан бошланади. Беруний бу суратларни ўрганиб чиқар экан, - улар жуда қадимийлиги ва улар Ўрта Осиё халқини санъати, маданияти, дини, ҳаёт-турмуш тарзини ифода этади, - деб ёзган эди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқ амалий-безак санъати.

Ўзбекистон қадим-қадимдан дунё халқ амалий-безак санъатининг энг ривож топган масканлардан бири бўлиб келган. Ўзбекистонда амалий саньатнинг ҳамма турлари кулолчилик, наққошлик, заргарлик, қандахорлик, зардўзлик, каштачилик, бадиий тўқимачилик кабилар юксак даражада ривожланиб келган. Ўрта Осиёга русларни кириб келиши ва Советлар даврида эътиборни пасайиши билан саньатнинг бу турлари сезиларли даражада сусая бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач миллий санъатнинг бошқа турлари қатори ўзбек амалий-безак санъати ҳам ривожланиши йўлига чиқиб олди. Чунки, 1997 йили 24 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган Ўзбекистон халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги Фармони бу соҳани ривожлантириш имкониятини яратиб берди. Халқ амалий санъатини ривожлантириш учун уларнинг ижодкорларига бир катор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Бадиий Академиясига аъзоликка қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси «Халқ устаси» унвони таъсис этиш, ҳар йили Наврўз ва Мустакиллик байрамларида халқ амалий санъати буюмлар кўргазмаси ва савдо бозори ўтказиш кабилар бу соҳани янада ривож топишига катта имкониятлар яратди.
Мустакиллик йилларида халқ амалий санъатининг барча соҳалари жуда кучли ривожланиб келмоқда.
Бадиий кулолчилик – амалий санъатининг энг қадимий турларидан биридир. Ўзбекистон бадиий кулолчиликнинг Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Хоразмда катта ижодий марказлари бўлиб, улар ўзининг узоқ тарихига ҳам эгадир.
Фарғона кулолчилик саньати Риштон ва Ғурумсарой кулолчилиги билан аталиб, бу масканларда мустақиллик йилларида кулолчилик санъати қайта тикланиб, қадимий анъаналар асосида янгидан-янги кулолчилик буюмлари яратилмоқда. Ҳозирги кунда Риштон кулоллари қадимий-ишқорли сир тайёрлашни қайта йўлга қўйдилар. Бу ердан ҳозирги даврда коса, лаганлар, узун бўйли хум ва кўзалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу масканда И.Комилов, У.Ашуров, Х.Сатторов, Ш.Юсупов, А.Назиров, А.Исоқов, А.Усмонов каби халқ усталари ижод қиладилар. Риштон кулолчилиги буюмлари Москва, Тошкент, Санкт-Петербург кўргазмаларида қатнашиб келмоқда.
Фарғона водийси кулолчилигини яна бир маскани Ғурумсарой кулолчилик мактаби бўлиб, бу мактаб жуда қадимдан шаклланган. Авваллари бу ерда минглаб кулоллар ишлаган.
Ғурумсарой кулолчилиги ўзининг безакларидаги маҳобатли ойдинлик, соддалик хусусияти билан ажралиб туради. Бу кулолчилик мактабида буюмлар қўлда ясалади, ҳатто бўёқлар ҳам табиий «Гулак» ўсимлигидан табиий усулда олинади. Қўлда қолипланади ва қўлда нақш чизилади. Нақшлар ҳам жуда қадимий услубда ва композицияда ишлана

энди тинчлик ва фаровнолик ҳукм суришини айтаётган образда ифода этилади.
1996 йили Амир Темурни 660 йилиги муносабати билан унинг она шаҳри Шаҳрисабзга И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Худди шу даврда Самарқандга янги вариантдаги Амир Темурни (ўтирган ҳолати) ҳайкали ўрнатилади. Бу икки ҳайкални муаллифлари бир бўлса ҳам, ҳайкал бир-биридан фарқли ҳолатда яратилган.
Шунингдек, И.Жаббаров, К.Жаббаровлар томонидан Фарғона ва Қува шаҳарларига Ахмад Ал-фарғоний ҳайкали ишланади. (1998 йил).
1998 йили Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги И. Жабборов томонидан яратилган Жалолиддин Мангуберди ҳайкали билан бунёд этилди.
Ҳайкалтарош рассом Р.Миртожиев томонидан 1993 йили Андижон шаҳрига Бобур ҳайкали, 1994 йили Тошкент шаҳрига Абдулла Қодирий ҳайкали, 1997 йили Андижон шаҳрига Чўлпон ҳайкали, 1999 йли Жиззах шаҳрига «Она» монументал ёдгорликлари ишланди.
Ўзбек халқ эпоси бўлмиш Алпомиш достонининг 1000-йиллиги бўйича Алпомиш мажмуаси 1999 йили Сурхондарёнинг Термез шаҳрида қад кўтарди. Мажмуада Алпомиш ҳайкали билан унинг севикли ёри Барчиной ва ўғли Ёдгор образларидан иборат бўлган ҳолда, Бойсун элининг тарихий манзараси ифодаланган. Муаллифлар А.Рахматуллаев, К.Норхўрозов, У.Мардиев, П.Подосинниковлар мажмуани бадиий жиҳатидан етук, монументаллик бўйича тўла талаб даражасидаги саньат асарига етказиб берганлар. Асар композицияси ҳам монументаллик ҳолатини юксак даражада ифода этади. Дастгоҳли ҳайкалтарошликда Т.Тожиходжаев, Д.Рўзибоев, Ж.Куттимуродов, А.Хотамов, Э.Эсанов, У.Мардиев кабилар ижод йўлини босиб келмоқдалар. Ҳайкалтарош Т.Тожиев «Навоий», «Улуғбек», «Машраб», «Кураш», «Рақс», «Чавандоз» каби асарларини мустақиллик йилларида яратди. Д.Рузибоев «Наврўз маликаси», «Жаз ижросига ҳамоҳанг», Ж.Куттимуротовнинг «Анахита», «Авесто» туркумидаги асарлари, Р.Миртожиев «Темур Малик», «Бехзод», «Ёмғир» асарлари, А.Хотамовнинг «Сувчилар», А. Бойматовнинг «Умар Хайём», «Беруний», «Фаробий», «Бобур», «Ибн Сино» асарлари, С.Шариповнинг «Хаттотлик» каби ҳайкалтарошлик асарлари яратилди. Мустакиллик йилларининг ҳайкалтарошлигида тарихий сиймоларнинг образлари, санъат ва фан арбоблари, турли мавзулардаги эркин композицион асарлар яратилмоқда. Ўзбек ҳайкалтарошлик санъати энди ривожланмоқда-ким, уни келажаги олдида қатор вазифалар турибди. Булардан энг биринчиси ҳайкалтарош рассомлар қаторини сифатли, савияли ижодкорлар билан тўлдириш. Иккинчидан бу саньатнинг тур ва жаирларини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарур.

асрнинг II-ярмидан бошлаб, бир қатор Европа олимлари В.Бертольд, Н.Пантусов, А.Николский, Г.Фишер, М.Крихгоф, И. Пославский кабилар Ўрта Осиёдаги қоятош расмларни ўрганиб чиқдилар.
Ўзбекистон ҳудудларидаги қоятош расмларни 30-йиллардан бошлаб, кенгайтирилган масштабда Г.Парфиёнов, А.Окладников, М. Воронцов, С.Тольстов, М.Массон, Л.Ремпель, Г.Пугаченкова, Р. Мухаммаджонов, Х.Тошкентбоев, Г.Шацкий, Р.Равшанов, Х.Ботиров, М. Хўжаназаров кабилар ўрганиб чиқадилар ва ўзларининг илмий хулосаларини берадилар.
Қоятош расмларда Ўзбекистон ҳудудларида яшаган қадимий халқларни овчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғуланган, уларни ўзига хос диний қарашлари, турмуш маданияти бўлганлиги кузатилади.
Шунингдек, қоятошлардаги расмларни турли даврларда, турли характерда, турли услубларда ва материалларда ишланиши ва уларни тасвирлаш услубларини турланиши қадимги одамларнинг тасвирий санъати мукаммал, маълум қоидалар асосида ривожланиб, такомиллашиб борганлигини ҳам кўрсатиб беради.
Ўзбекистон қоятош расмлари Сармишсой, Зараўтсой, Биронсой, Қорачорвоқсой, Кўксарой, Илонсой, Такатош, Бошқизилсой, Тераклисой, Жарсой, Тутлисой, Чадаксой, Шўрбулоқсой каби юзлаб қадимий манзилгоҳлардан топилган. Уларда Ўзбекистоннинг қадимий ҳайвонот олами, табиати, одамлари, уларни турмуш тарзи ифода этилиб, улар мазмунан бой, бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган. Бу расмлар тарихи эр.авв. VIII-IV минг йиликларга оид бўлиб, улар Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги энг қадимий санъат намуналари ҳисобланади. Улар қадимги дунё санъатидан

анчагина маълумотлар беради. Жаҳон санъати хазинасида муносиб ўрин эгаллайди.

2. ўзбекистон ҳудудларида яшаган энг қадимги халқлар санъати ва маданияти

Ўрта Осиё ўзининг табиий шароитига кўра одам зотини яшаши учун қулай табиий имкониятлардан яхшилиги туфайли бу ўлкада жуда қадимдан одамлар қабила-қабила бўлиб яшагани ва уларни чорвачилик, боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлиги маълумдир.

Ўзбекистон ҳудудларида эр.авв. V-II мингинчи йиллардаёқ жуда кўплаб воҳаларда катта-катта жамоалар ташкил топган. Улар эр.авв. III-II мингинчи йилларда мисдан фойдаландилар. Воҳаларда ўн минг кишилик катта-катта шаҳарлар пайдо бўлади. Бу шаҳарларда йирик қўрғонлар, қалъа, саройлар қурила бошланди. Хуллас III-II минг йилликлардаёқ Ўзбекистон ҳудудларида шаҳарсозлик, булар асосида меъморчилик, улар билан бирга амалий санъат ривожланди, деворий рангтасвир шакллана бошлади.

Ўрта Осиёда эр.авв. III-II мингинчи йилларда бунёд этилган меъморчилик иншоотларининг шифтлари, деворлари ва полларини безатиш одат тусига кира бошлаган. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида дастлабки қулдорлик давлатлари ҳам шакллана бойлайди.

Бу даврларда одамлар табиий ходисаларга қизиқиши ва уларга сиғиниши асосида дастлабки диний тушунчалар ҳам пайдо бўла бошлайди. Шу даврларда ҳунармандчилик ҳам аста шакллана бошлайди. Турли меҳнат қуроллари, рўзғор буюмлари, зеб-зийнатлар ясаш тобора такомиллашиб, улар санъат даражасигача кўтарилиб борарди.

Эр.авв. II-I минг йиликларда қадимги Суғд, Хоразм санъат ва маданияти ривожланган ўлкалардан бирига айланди.

Эр.авв. I-мингинчи йилларнинг бошларида Сурхон ва Фарғона ўлкаларида ҳам шаҳарлар пайдо бўла бошлади.

Қадимги Хоразмда зардўштийлик динига асос солинди. Бошқа воҳаларда ҳам бу дин тарқала бошлади. Бу динни муқаддас китоби «Овесто» (эр.авв. VII аср) яратилдиким, бу асарнинг кўплаб оятларига расмлар ишланди. Бу ўз ўрнида тасвирий санъатини ривожланишига яхши имконият яратади.

Эр.авв. I-мингинчи йилларда Зардўштийлик динининг меъморий обидалари ибодатхоналари қурила бошланди. Бу Ўрта Осиёда меъморчиликни ривожланишига яна бир замин бўлди. Бу даврларда мис, бронза, кумуш, олтин, сополдан ишланган турли буюмлар, зеб-зийнатлар яратилди. Уларга турли хилдаги тематик композицияларда расмлар ишланди. Биноларни ички деворларига, шифт ва полларига турли мавзудаги сюжетли расмлар ишланди. Айрим бино интерьерларини ҳайкаллар билан безатилганлиги кузатилади.

Эр.авв. VI-IV асрлардаги меъморчилик санъати бўйича Хоразмда бунёд этилган Кўзали қир, Каллали қир меъморчилик ансамбллари яхшигина таассурот беради.

Эр.авв. VI-IV асрларга оид Амударёнинг юқори оқими воҳаларидан топилган «Амударё бойлиги»ни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу бойлик топилмалари орасида олдиндан ясалган ҳайкаллар, билагузук, узук, муҳр, тангалар, олтин аравача, қуролар диққатга сазовор бўлиб, улар Ўзбекистон тасвирий санъатини қай даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Ўрта Осига юнонлар босиб келиши (А.Македонский) билан эллинистик санъат таъсири кучайиб боради. Ўрта Осиёнинг шаҳарсозлик санъати ва меъморчилик санъатида, шунингдек амалий санъатда эллинистик санъат услубларини қўлланила бошланди. Биноларни ички безакларида, биноларни устун ва деворий безакларида ҳам юнон санъати таъсири сезила бошланди.

Хуллас, Ўзбекистон санъати тарихи ўрганилганда уни жуда қадимдан эр.авв. VIII-IV асрлардан бошланиб, у қулдорлик жамияти давридан ривожланиши, қадимги Суғд, Хоразм санъати ва маданияти, Ўрта Осиёликларни диний тушунчалари, зардўштийлик дини, уни тасвирий санъатни ривожланишидаги аҳамияти, меъморчиликни ривожланиши ва амалий санъатни такомиллашуви анча юқори савияда бўлганлиги ку-затилади.

Мустақиллик йилларида ҳайкалтарошлик санъати.

Маълумки, монументал санъатлар орасида ҳайкалтарошлик санъати ўзининг мақсади, вазифаси, мазмун ва моҳиятига кўра энг салобатли, энг кучли, ғоявий, сиёсий, маънавий ва илмий салоҳиятга эга бўлган санъат асаридир. Чунки, бир ҳайкал тўла бир жамиятни, бир мамлакатни, бир миллатни, тўла бир халқни ёки унинг сиёсатини,

идеологиясини, урф-одатини, санъати ва маданиятини, маънавиятини ифода этади.
Шунга кўра қадим-қадимдан ҳар бир халқ ўз куч-қудратини, илму-саҳоватини намойиш этиш мақсадида ҳайкалтарошлик санъатига алоҳида эътибор берганлар.
Қадимги Хоразмда хам ҳайкалтарошлик жуда юксак даражада ривож топган. (Тупроққалъа ҳайкалтарошлиги).
Лекин VIII-асрдан Ўрта Осиёда ҳайкалтарошлик қатъиян таъқиқлангани сабабли яқин 1300 йил Ўзбекистонда ҳайкал ишланмади. советлар даврида ҳам ўзбек ҳайкалтарошлиги билан хеч ким қизиқмади. Ўзбекистонга қўйиладиган ҳайкалларни ҳам асосан руслар томонидан ишланарди. Чунки, Ўзбекистонга қўйиладиган ҳайкалларнинг кўпч илиги рус «даҳолар»ини образлари бўлиб, уларни фақат Москвада тайёрланар эди. Ўзбекистонда яратилган ҳайкалларни ҳам кўпчилик муаллифлари рус рассомлари бўларди.
90-йилларга келганда ўзбек рассомлари орасидан эндигина саноқли ҳайкалтарошлар етишиб чиқмоқда эди. Етишиб чиққанларини ҳам монументал ҳайкалтарошликка аралаштирмас эдилар.
Ўзбекистон мустақилигининг буюк шарофати минг йиллардан ортиқроқ даврдан буён ривож топмай ётган ўзбек ҳайкалтарошлик санъатига каттагина ижодий йўл очиб берди. Шунингдек, мустақиллик Ўзбекистоннинг ҳайкалтарош рассомлари учун белгиланган мафкуравий назоратдан ҳам озод қилиб, эркин ижод қилишга имкон берди.
Ўзбекистон ҳайкалтарошлик санъати усталари мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ижодий ишга киришдилар.
А.Рахматуллаев, Л.Рябцов ҳамкорликда 1991 йили Чирчиқ шаҳрига А.Навоий ҳайкалини ишладилар.
Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяровлар ҳам 1991 йили Тошкентдаги «Миллий боғ» учун Алишер Навоий ёдгорлигини яратдилар. Буюк шоирни бронзадан ясалган ҳайкали ўзбек халқини буюк тимсоли бўлиб қад кўтарди.
А.Рахматуллаев, П.Подосинниковлар ҳамкорликда 2001 йилда А.Навоий образини Навоий шаҳри марказига улуғ алломани 560 - йиллиги юбилейига атаб ўрнатилди.
1993 йили Тошкент шаҳрини марказида И.Жабборов ва К.Жабборовларни ҳамкорлигида Буюк Соҳибқирон Амир Темур ҳайкали қад кўтарди. Асар ғоят юксак бадиий маҳорат билан яратиланган бўлиб, асарда Буюк соҳибқирон катта жанг ғалабаси билан Самарқандга қайтиши, ўз халқига энди давлатингиз хавф-хавотирдан холи бўлгани,

Н.Холматов, Ш.Мухаммаджонов, Т.Болтаев, Х.Наз Ғ.Комолов, С.Қорабоев каби рассомлар ижод қилдилар.
Маҳобатли рангтасвирни витираж тури бўйича Б.Жалолов билан ҳамкорликда А.Ахмедшин, А.Болтабоев, Ш.Жалолова, А.Бухорбоев, В.Ган, И.Егоровлар ижод қилдилар. Маҳобатли рангтасир асосида: «Умар Хайём туши», «Нимага туғилганимни хеч ким айтмайди», «Наврўз», «Тун маъбудаси», «Абадият гумбази остида», «Халқ қўзғолонлари ва жадидчилик ҳаракати», «Буюк ипак йўли», «Буюк соҳибқирон – буюк бунёдкор», «Спорт ўйинлари тарихи», «Буюк ипак йўли» (витражи), «Флора» (витражи) каби маҳобатли асарлари яратилди.
Ўзбекистон рангтасвир санъати мамлакатимизнинг барча вилоятларида самарали ривожланди. Чунки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ижодкорлар уюшмаси Республикани ҳамма вилоятларида ташкил этилиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Графика санъати

Ўзбекистон тасвирий санъатида графика 90-йилларни бошида яхши ривожлана олмади. Лекин 90-йилларнинг II-ярмидан яна юксала бошлади. Бу соҳада яна М.Кагаров, В.Апухтин, П.Анненков, Ғ. Бойматов, Л.Ибрагимов, А.Мамажонов, М.Карпузас, Ю.Габзалилов, М. Содиқов, Б.Исмоилов, Д.Уразаев, С.Редкин, С.Исҳоқов, И.Василева, Л. Тиора, Л.Зуфари, Т.Аюпов, Т.Ахмадалиев, О.Николаева, Ю.Алигир, Р. Азизов, Д.Охунбобоев, Г.Султонова, Т.Холмирзаев, Мурод ва Мухаммад Фозиловлар, Д.Мирсалимов, А.Лигай, А.Лилар, Ш.Мухаммаджонов, Х. Солих, Н.Хакимов каби график рассомлар ижод қилдилар.
Бу рассомлар китоб графикаси, плакат графикаси бўйича ижод қилиб, улар дастгоҳли графика, сувбўёқ, қаламтасвир, линогравюра, офорт техникасида асарлар яратмоқдалар.
График рассомларнинг ижодида ҳам графика санъатининг анъанавий услубларидан четга чиқилган ҳолда, улар дастгоҳли ва маҳобатли рангтасвирга яқинлашганлиги кузатилади. Чунки,

кўпчилик рассомлар график чизиқлардан кўра кўпроқ рангтасвирга хос график тасвирлардан фойдаланмоқдалар.
М.Кагаровнинг «Ибодатхонага йўл», «Қайта трилган орол», В.Апухтинни «Коинот – Инсон», «Маънавият дарвозаси», Ғ. Бойматовнинг «Ургутда тўй», «Минг бир кеча», Л.Ибрагимовнинг «Осиё океани», «Баҳор», А.Мамажоновнинг «Эски шаҳардаги бозор», «Кураш», М.Карпузовнинг «Йигит ва қиз», С.Редкиннинг «Эски Самарқанд», Т.Аюповнинг «Мавзу», Н.Колоновнинг «Кулол», М.Содиқовнинг «Бухоро», Т.Ахмадалиевнинг «Сенга омад темир йўлчи» каби ижодий график ишлар яратилдики, булар ўзбек графика санъатининг мустақиллик йилларидаги солномасига мумтоз асарлар бўлиб киради.

...рта осиёликларни энг қадимги диний қарашлари

Тарих шоҳидким, эр.авв. I-мингинчи йилларгача Ўрта Осиёда турлича диний қарашлари ва урф-одатлари бўлиб, уларга Ўрта Осиёликлар мажбуран ва ихтиёрий сиғиниб, амал қилиб келганлар.
Қадимги Хоразмда Малох худосига сиғиниш одати мажбурий ҳолда узоқ йиллар давом этиб келган. Бу дин Хоразмга Оссуриялик босқинчилар томонидан олиб кирилган бўлиб, бу дин одам зотини қуритишнинг ашаддий қирғин қурли эди. Чунки, бу дин талабига кўра унинг худоси бўлмиш Малохга одам боласини қурбонлик қилиш лозим эди. Бу қурбонлик учун 16-18 ёшли йигит-қизлардан 10-15 таси бирданига сўйилар ёки тириклайин кўмилар ёки ёқилар эди. Қурбонликка келтирилган йигит-қизлар умр бўйи асло касал бўлмаганлардан танланар эди. Қиссадан ҳисса шул эдиким, бу дин миллатни «гули»ни териб ер эди. Шу боисдан бу «ажал» динига қарши Хоразмда халқ қўзғолони бўлади. Унга Хоразмлик Зардўштий бошчилик қилади. Қўзғолон енгилади, унга қатнашган халқ оммаси қириб ташланади. Аммо бу қўзғолон тарихда Малох динига қарши халқ ғазаби бўлиб қолади.
Зардўшт ўзигача бўлган барча худолар ва пайғамбарлар назариясига қарши чиқиб, ўзи янги якка худолик дини бўлмиш - Зардўштийлик динига асос солади. Бу дин ўзидан олдинги барча динлардан юксак, прогрессив, илғор бўлиб, бу дин одам зотини қурбонлик қилишга чек қўяди. Шу боисдан бу дин жуда тезлик билан ўз географик майдонини кенгайтириб боради. Зардўштнинг тириклик чоғидаёқ бу дин Ўрта Осиё, Эрон, Туркия каби халқларга тарқаб кетади. Зардўштийлик динига ихлос, эҳтиром ғоят кучли бўлади. Чунки, бу дин ўзигача бўлган барча динлардан устун, эзгу амалларга эга бўлиб, бу дин инсониятга фақат яхшилик қилиш, савобли фаолият юритишни ибтидо этади.
Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» одамларга фақат яхшилик уруғини тарқатади. Шунга кўра унга сиғинувчиларни сон-саноғи ғоят тез ўсиб, уни эшитган ва уни талабларини билган ҳар бир киши беихтиёр бу динга кириб, уни қабул қиларди.
Бу диннинг таълимотига кўра, олий руҳият соҳасида яхшилик ва ёруғ нур эгаси бўлмиш Ахуримазда худосини таърифлайди. «Авесто» асарида нафақат зардўштийлик динининг моҳияти ва мазмуни ифода этилибгина қолмай, унда Қадимги Хоразмни табиати, географияси, тарихи, санъати ва маданияти, халқининг маънавияти ҳам жуда кенг талқин этилади. Мазкур асар ҳақида жуда кўплаб олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб, «Авесто» инсониятга шундай ижобий диний тушунчалар бердиким, бу диний қарашлар одамларда меҳр-оқибат, яхши аҳлоқ-одоб, ҳалол-пок меҳнат асосларини кўрсатиб беради.
Ўрта Осиёга юнонларни кириб келиши билан бу ўлкада бошқа динга сиғинувчилар ҳам яшай бошлайди.
Ўрта Осиёнинг қадимий халқи зардўштийлик дини билан бирга будда, христиан каби динларга ҳам сиғинганлар.
VII-VIII асрдан бошлаб, Ўрта Осиёга Ислом дини кириб келади. Бу дин ҳам ўзининг ғоят кучли эзгу фазилатлари билан одамлар ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлади. Бу дин одамларга ҳақиқий, яхшилик, бир-бирига меҳр-оқибат каби йўлларини башорат этади. Шунга кўра бу дин халқ орасида жуда тез тарқалади ва ерли халқларнинг муқаддас динига айланади.

❹

МАВЗУ

зардўштийлик дини ва тасвирий санъат

1. зардўштийлик дини ва унинг диний

ислоҳотчилик асослари

Инсониятнинг шаклланиши ва такомиллашуви натижасида улар ўзининг теварак-атрофидаги нарса ва воқеаларни ўргана бошлайди. Аммо инсон зоти ўзининг теварак атрофидаги воқеа-ҳодисаларни барчасини билиш ва ўрганиш қобилиятига эга эмаслигини билиб қолади. Одам зоти ўзини ўраб турган турфа олам, ундаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, бутун борликни қандайдир бир қонун-қоидалар асосида яралгани, уни шундай қоидалар-қонунлар бошқариб туришини ва бу қонун-қоидаларни билишга қодир эмаслигини англаб етади. Шунга кўра ўзи тушуна олмаган, билолмаган, англаб етолмаган идрок қила олмаган турфа воқеа-ҳодисалардан рамзий-илоҳий маъно излайди. Одам зоти онгида Худо ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам одам зотини ақл-идроки етмамайдиган, билмайдиган нарса ва воқеа-ҳодисаларни билгувчи, қонун-қоидаларни бошқариб турувчи рамз бўлиб шаклланади. Лекин одамлар худони шаклланиши ва бу шаклланишда албатта бирон-бир туйғу-йўналишга эътиқод, дин ва унинг пайғамбарлари бўлган. Бу пайғамбарлар худо билан инсон ўртасида воситачилик вазифасини ўтаганлар.

Курраи заминимиз жуда кўплаб пайғамбарларни билади-ким, улар Зардўшт, Нух, Иброҳим, Исҳоқ, Якуб, Юнус, Айюб, Яхъё, Мусо, Исо, Будда, Муҳаммад алайҳиссаллам ва бошқалар. Уларнинг кўпчилиги афсонавий бўлсада, улар орасида Зардўшт, Довуд, Сулайман, Муҳаммад алайҳиссалам ва бошқалар каби тарихий шахслар бор.

Жаҳон халқларининг диний таълимоти ҳақидаги муқаддас китоблар ҳам жуда кўп. Улар: «Тўғрилик ва эгрилик ҳақида», «Авесто», «Чуньцю», «Типатака», «Маҳобхорат», «Рамаяна», «Библия», «Таврот», «Талмуд», «Унзин», «Сишу», «Кодзики», «Даоцзан», «Инжил», «Қуръон» ва бошқалар. Улардан: «Типатака», «Таврот», «Инжил» ва

Ўзбекистон рангтасвир санъатида манзара жанри ҳам кенг полотноларда, ёрқин рангларда ифода этилиб, ўлкамиз, мамлакатимиз табиатини ғоят гўзал ва чиройли тасвирларда намойиш этилди.

Манзара жанрининг атоқли рассомлари М.Саидов, Р.Ахмедов, Р.Чориев, Н.Қўзибоев. Ю.Талдикин, В.Зиёев, Р.Гаглова, Ч.Бекмиров, А.Мирсоатов, М.Тошмуродов, Ю.Стрелников кабилар баракали ижод қилдилар.

Рангтасвир санъатининг чуқур фалсавий-таҳлилий ва ассоциатив-мажозий йўналишини миллийлик руҳи билан маромига етказа олган В.Охунов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков ва С.Алибековлар ижодида ўзбек рангтасвири ўзининг философик тафаккури билан давр ва замон руҳига жавоб беради.

Б.Жалоловнинг «Олтин аср», «Коинот устунлари», «Абадият гусбази остида», «Европанинг ўғирланиши», Ж.Умарбековнинг «Зилзила», «Ҳаворанг мусиқачилар», В.Охуновнинг «Будданинг тонгги сайри», «Шарқона қиёфалар», С.Алибековнинг «Ғаройиб шарбат ҳиди», «Сузаётган пламинга учун ҳарорат» каби асарлари рангтасвир санъатида фалсафий фикрлашнинг ёрқин намуналари бўлиб қолади.

Мустақиллик рангтасвир санъатида Л.Ибрагимов кўпрок аёллар образини талқин этган бўлса, Акмал Нур ижодида пластика ва ғоявий янгиланиш ўз ўрнини топади.

Л.Ибрагимовнинг «Малика», «Соҳилда», «Хутон аёли», «Амударё», асарлари, А.Нурнинг «Севги олмаси», «Муҳаббат боғи», «Муҳаббат ороли» каби асарлари диққатга сазовордир.

Шунингдек, 1991-2001 йилларда А.Исаев, Ж.Усмонов, А.Розиқов, Р.Темуров, Т.Ахмедов, Т.Каримов, Ш.Абдурахимов, Б.Исмоилов, Ғ.Кодиров каби рассомлар ҳам баракали ижод қилдилар. Уларнинг ижодий ишларида реаллик, ойдинлик, шарқона нафислик, умумий фалсафий тафаккур, бадиий кўркамлик, асарлардаги тугаллик, сокинлик ва ижодкорлик тўла ўз ифодасини топади.

Умуман соцреализм давридаги мафкуравий назоратни Ўзбекистон мустақиллиги давридаги рассомлар ижодида бекор қилиниши ўзбек рангтасвирида янги услуб, мавзу, сюжет, ғоя ва композицияларнинг теранлигини, миллийлигини ва эркинлигини таъминлаб беради. Шунга кўра рассомчиликни кекса авлодидан бошлаб, ёш ижодкорларгача янгича тасвирлаш, янгича услублар, дунёни янгича куриш ва уларни ифодалаш чегаралари ғоят кенгайди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон рангтасвири санъатини залворли тараққиётига тўла ижодий имкониятлар яратди.

Мустақиллик йилларида маҳобатли рангтасвир санъати ҳам «Маҳобатли тарғибот режаси» деб аталмиш мафкура ҳукмронлигидан чиқиб, эркин ижодга ўтди.

Маҳобатли рангтасвирда авваллари кўпроқ Ч.Ахмаров, Б.Жалолов каби рассомларгина ижод қилган бўлсалар, мустақиллик йилларида

Б.Жалолов, А.Аликулов, А.Агаханян, Б.Олимхонов, А.Ганин, О.Хабибулин, А.Икромов, А.Исаев, Э.Мухаммадиев, Н.Султонов,
Ўзбекистон мустақиллиги ана шу улкан меросимизни асраб - авайлаш, ундан тўғри фойдаланиш ва уни бетўхтов ривожлантириш имкониятларнини бунёд этмоқда.

Мустақиллик йилларида рангтасвир /1991-2001 йиллар/.

Рангтасвир – тасвирий санъатни бош бўғини бўлган ҳолда, ундаги бадиий жараён ғоят шиддатли ва жўшқин ривожланди. Мустақиллик йилларидаги ташкил этилган кўргазмалардан шу нарса кўриндики, бу давр рассомларни ижодий эркинлик даври бўлиб, асарларни мавзуси, сюжети, ғояси, композицион ечими, ранг уйғунлиги – калоритларни ғоят кенглиги, бадиий услублардаги мустақиллик, шижоат ва ижодкорлик туйғулари билан мутлоқ янгиланиш кўриниб турди.
Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ўнлаб вилоят ва шаҳарларида тўхтовсиз санъат асарлари кўргазмаси мунтазам ҳолда ўтказиб келинмоқда. Булар мамлакатимиз рассомларини ижод ва илҳом ҳисоботлари бўлиб, санъатимиз равнақидан далолат беради.
Кўргазмалар реалистик ва академик йўналишда ижод қилаётган санъатимизнинг кекса ва ўрта авлоди бўлмиш Р.Ахмедов, М.Набиев, Н.Кузибоев, М.Саидов, С.Абдуллаев, Т.Огонесов, Б.Бобоев, В.Бурмакин, М.Йулдошев, Т.Кузиев, Й.Турсунназаров, Ю.Мельников, Ю.Талдикин, Ш.Кузиева, Т.Миржалолов, Т.Курязов, А.Икромжанов, М.Нуриддинов, А.Нур, З.Фахрутдинов, Р.Худойберганов, А.Аликулов, А.Мирсаитов каби рассомлар мустақиллик даври санъатини яратишда ҳам фаол қатнашмоқдалар.
Ўзбекистон тасвирий санъатини бош бўғини бўлмиш рангтасвир санъати мустақиллик йилларида анча тез ва уюшқоқлик билан мустақиллигимиз йўлида ижод қилишга кириб келдилар. Чунки. Ўзбек рассомларида миллийликка, шарқона услубга интилиш анча кучли бўлган ҳолда улар ўз ижодларини Ўзбекистон келажаги йўлида хизмат қилишга астойдил киришиб кетдилар. Ўзбекистон рангтасвирчи рассомлари ижодига мавзу, сюжет, композиция, ғоя янгича тафаккурда, янгича услубларда ифода этила бошланди. Улар ижодида энг аввал ўзбек миллий урф-одатларини, илмий дунёқарашларини, буюк бобокалон - алломаларини ифодалашга интилдилар.
Мустақиллик йилларида ижод қилаётган рассомлар энг аввал мустақиллигимиз ғояларини тарғиб этишга, миллий мафкурамизни қайта тиклашга, буюк аждодларимиз портретларини яратишга астойдил киришдилар.
Портретчи рассомлар М.Набиев, Н.Кузибоев, С.Абдуллаев, Р. Махмудов, А.Маматова, Р.Чориев, С.Рахматов, С.Муминов, Т.Курязов, А.Икромжонов, Т.Кузиев, Б.Жалолов, М.Нуриддинов, С.Рахматов кабилар Амир Темур, Бобур, Навоий, Бехзод, Нодира, Бибихоним, Жалолиддин Мангуберди, Спитамен, Юнус Ражабий кабиларнинг образларини яратдилар. Шунингдек, қатор рассомлар
70 ндашларимиз образларини ишладилар.
...урьон»лар фақат худо сўзлари деб, эътиқод қилинади.
Умуман башарият юқоридаги номи келтирилган пайғамбарларни, уларни динларини ва муқаддас китобларини яхши билган. Уларни кўпчилигига сиғинувчилар бугунги кунда ҳам жуда кўп сонли оммани ташкил этади.
Шундай пайғамбарлардан яна бири Зардўштдир. Зардўшт асос солган дин – динлар ичида энг қадимийси ва сирлиси бўлиб, у ўтмишда энг йирик, кенг тарқалган дин ҳисобланган. Бу динга сиғинувчилар ҳозирда жуда кам бўлиб, улар Ҳиндистонда (100 мингдан ортиқ), Эронда (50 минг), Покистонда (5-10 минг), Европа (2-3 минг), Шри-Ланкада (500 га яқин) яшайдилар.
Зардўшт шахси тарихий бўлиб, у мамлакатимизнинг энг кўҳна заминларидан бири бўлмиш – Хоразмда, тахминан эр.авв. 620-630 йилларда туғилади. Унинг отаси – Парушаспа, онаси Дугдава бўлиб, уларнинг ҳар иккови Хоразмлик, Спитама уруғига мансуб бўлганлар.
Зардўшт жуда ёшлигидан ўкимишли бўлиб, у 20 ёшидан якка худолик динини тарғиб қила бошлайди. Чунки бу даврда Хоразмда халқ Малох худосига мажбурий холда сиғинар эдилар. Таъриф этилишича, бу дин ғоят агрессив бўлиб, унинг одатларига ва талабларига кўра болаларни, ўсмирларни, ҳатто катта ёшдагиларни қурбонликка оларди. Бу қурбонликлар сўйиш, ўтда ёқиш, тириклайин кўмиш шаклида амалга оширилар эди.
Малох худоси ибодатхонасидаги қурбонликлар маросими шундай тасвирланади:

Ибодатхона майдонига мисдан қўйилган улкан Малох ҳайкали бўлиб, унинг ичи ўт ёниши учун мослаштирилган эди. Боши хўкиз калласини эслатар эди (Хўкиз – куч-қудрат ва қуёш рамзи эди). Унинг қўли махсус мосламалар воситасида ташқарига бир неча ўн метргача чиқиб-чўзилар эди. Бу қўл кафтларига устма-уст қилиб 15-20 болалар, йигит-кизлар ётқизиб тахланар эди. Қўл оҳиста ҳаракатга келиб, қурбонликларни ҳайкал оғзига соларди. Оғиз орқали ҳайкал ичида ёнаётган оловга тушардилар ва даҳшатли дақиқалардан сўнг қурбонликлар кулга айланар эди. Бу даҳшатли ва ғазабкор томоша соат сайин такрорланаверарди. Малох худоси қонунларининг энг даҳшатлиси, қурбонликка келтирилган болалар ва ўсмир-қизлар соғ, асло касал бўлмаган бўлишлари шарт эди. Бу одат миллатни соғлом авлодини еб битиришдан иборат эди.

Қадимги Хоразмликлар ана шундай жоҳил динга қарши қўзғолон кўтарадилар. Тарих шохидким, бу қўзғолонга Спитамид Зардўшт бошчилик қилади. Қўзғолон бостирилади, қўзғолончилардан 55 минги қатл қилинади, Зардўшт қочиб қутулади. Аммо Зардўшт ана шу Малох худоси динига қарши курашиб, ўзининг «Зардўштийлик» динига асос солади.

Зардўштийлик дини оддий-меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилади, ҳар қандай қурбонликларга чек қўяди, одам зотини худо яратади, уни ҳаётдан маҳрум этишга ҳеч кимни ҳаққи йўқ, чунки инсонни ўлдириш худо қаҳрига дучор бўлишдир – дейди Зардўшт.

Зардўшт ўз таълимотида бутун одам зоти учун бир худо бўлади деган назарияни олдинга суради ва худо ўзи яратган бандалари учун фақат яхшилик қилади. Шунга кўра, худо ўз бандаларини яхши яшаши, яхши турмуш қуриши учун заминни яратади. Шунга кўра одамлар Заминни ҳар бир қарич еридан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик учун фойдаланиши, унда меҳнат қилиб, ўз меҳнатлари эвазига яхши яшашлари зарур деган таълимотни яратади.

Зардўштийлик дини ўзигача бўлган барча динлардан ижобий баҳоланади-ким, бу дин одамларни тинч-осойишта, энг яхши фазилатлар асосида меҳнат заминида яшашини ифода этади. Зардўштийлик одамларни меҳнатга чорлайди. Ҳалол-пок еб-ичишга ундайди. Одамларни бир-бирига яхшилик қилишига чақиради. Буларининг ҳаммаси Худо томонидан Зардўштга юборилган вахий-хабарларда ўз ифодасини топган. Зардўштлик динининг асосчиси – Хоразмда туғилиб, ижод қилган файласуф олим, шоир, ёзувчи, илоҳиёт билимдони, маҳоратли сўз устаси – оратор, ўз халқининг халоскори – Спитамид авлодининг фарзанди Зардўшт эди. У кўп худолик асосидаги динларни инкор этади. У дунё халқлари учун раҳмдил, яхшилик қилувчи, барча мушкулларни осон қилувчи Ахрумазда худосини ўз таълимотида олдинга суради. Зардўшт одамларни кўп худоликка ва табиат ҳодисаларига ишонишини қоралайди. Якка худоликни тарғиб қилади. Зардўшт ўтга сиғинишни, ер заминига ва сувга сажда қилишни улуғлайди. Қуёш, ер, сув - инсонга Худо томонидан берилган буюк бир туҳфа деб уларни улуғлашга, ардоғлашга эҳтиёт қилишга чақиради. Бу динниг асосий белгиси Хоразмликлар қадим-қадимдан сиғиниб келган – ўт оловни белгилайди. Чунки ўт олов инсониятни шаклланишда алоҳида аҳамиятли, - деб ҳисоблайди.

Лекин эски дин ҳомийлари Зардўштни тақиб қила бошлайдилар. Чунки, Зардўшт ғоялари ўша давр учун мисли кўрилмаган янгилик эди-ким, у ўз давригача бўлган барча динлардан юксак даражада эзгулик, яхшилик, ҳурмат ва эҳтиромга эга бўлган янги динга асос солади. Одамларни яхшилик ва эзгулик ғалабаси учун ёрдам беришини, ёвузлик ва ёмонликка қарши курашга чақиради. Зардўшт ўзининг бу илғор диний назариясини нур, эзгулик ва яхшилик худоси бўлмиш Ахурамазда томонидан юборилган вахий-хабарлар, - деб айтади. Зардўшт ўзини эса Ахурамаздани элчиси, унинг хабарларини халққа етказувчиси – пайғамбари эканлигини айтади.

Зардўшт ўз таълимотини ўзининг “Авесто” асарида тўла баён этади. Шунга кўра эр.авв. VII-VI асрларда «Зардўштийлик» дини, унинг Ахурамазда худоси, Зардўшт исмли пайғамбари ва бу динни муқаддас китоби «Авестога» асос солинади.

2. Мустақил ўзбекистон санъати ва маданияти

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан унинг халқ хўжалигидан бошлаб барча соҳаларида тараққиётнинг ғоят кучли ривожланиш имкониятлари очила борди.

Бу ўринда Ўзбекистон санъати ва маданияти ҳам янгича йўналиш, янгича тафаккур, янгича ижод билан мустақиллик одимларини бошлаб берди.

Мустақилликнинг барча соҳалари ижодкори ва илҳомчиси бўлмиш – Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг - «Кириб келаётган XXI-асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради» - деб санъат ва маданиятга берган баҳоси тасвирий санъат ижодкорларини ҳам янгича изланиш ва янгича ижодга бошлади.

Мустақиллик йилларида тасвирий санъатнинг барча турлари: рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий безаг санъати, меъморчилик билан узвий боғланган маҳобатли рангтасвир ва унинг бошқа бадиий безаг турлари – мозаика, витражлар ҳам шиддат билан ривожланди.

XX асрда Ўзбекистонда ғоят кучли рангтасвир мактаблари шаклланди. Аммо уларнинг ижодкорларини кучли мафкуравий назорат бир халқа остида ушлаб турарди. Мустақиллик ижодкорларга эркинлик, миллий ва катта куч-қувват берди.

Шунга кўра мустақиллик йилларида рангтасвирни йўналишлари ва услублари ниҳоят даражада кенгайиб кетди. Бу давр рангтасвирида академик реализм, декоративизм, миллий романтизм, авангардизм услублари ҳам намоён бўлди. Булар рассомларни ижодий дунёқарашини кенглиги ва теранлашуви, шунингдек, белгиланган чегарадан чиқиб ижод қилишга интилишлари билан изоҳланади.

1997 йили Ўзбекистон Бадиий Академиясини, 1998 йили Бадиий Академиянинг «San’at» журналини ташкил этилиш республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Буларнинг илмий фаолияти шунчалик катта ва чексиз эдики, улар асосида Ўзбекистонда санъат ва маданиятни, уларни ривожланиш қонуниятларини, тарихий тараққиётини, бадиий таълимни, бадиий меросни ўрганиш, ҳозирги замон санъати, маданияти ва маънавиятини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ва тарғиб қилишнинг чексиз имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Бадиий Академияси ва «San’at» журнали халқимизга санъат, маданият ва меъморчилигимизнинг илмий булоғи, манбаси бўлиб хизмат қилади. Булар асосида санъат ва маданиятнинг тур ва жанрлари, санъатнинг мезони, бадиийлиги, ижоднинг ифода услублари, ижодкорлар фаолияти, даҳолар тарихи, санъат ва маданият назариясининг янгидан-янги илмий асослари яратилади ва улкан бадиий илмий мерос йиғилади.

Маълумки, Ўзбекистон давлати – беқиёс улкан бадиий меросга эгадир.

Бугун Ўзбекистон мустақил бўлганига 10 йил тўлди. Ўзбекистон ўтиш даврида 2 босқичдаги, 5 та тамойилга эга бўлган иқтисодий ва сиёсий вазифаси бирин-кетин амалга ошира бориб, жаҳон мамлакатлари учун ғоят ишончли, тенг ҳуқуқли иқтисодий ва маданий алоқалар олиб бориш қулай ва энг катта имкониятларга эга бўлган мамлакат сифатида танилди.
Ўзбекистон – Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг яхши мавқега, катта потенциал ва имкониятларга эга бўлган, ишончли мамлакат бўлиб, бугунги кунда ҳар қандай мамлакат ўзининг иқтисодий ва маданий алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.
1992 йил март ойида Ўзбекистонда АҚШ элчихонаси иш бошлади. 30 январида Европа ҳамдўстлик ва ҳамкорлик кенгаши (ОБСЕ) га аъзо бўлди.
Ўзбекистон мустақил бўлиб 10 йил яшадики, бу 10 йилни ҳар бир йилида олдинги йилларни 10-20 йилидан ҳам кучли ривожланиш бўлди десак муболаға бўлмайди.
Ўзбекистон жаҳон харитасида, Осиё қитъасининг марказидаги янги ташкил топган мустақил давлат бўлиб, тобора жаҳон тилларига кўпроқ тушмоқда.
Ўзбекистоннинг жуда катта табиий бойликлари, ишлаб чиқариши, илмий-техникавий ва интелектуал имкониятлари беҳисоб. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ноёб миллий-маданий мероси, улуғ тарихи, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган халқининг нодир урф-одатлари, яшаш тарзи мавжудким, уларни ўрганишга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.
Шунга кўра дунёнинг барча минтақаларидан кўплаб сиёсатчилар, санъат-маданият мухлислари, давлат арбоблари, олиму-тадқиқотчилари, бизнесчилар ва оддий сайёхлар ўлкамизга кўпроқ ташриф буюрмоқдалар. Чунки, Ўзбекистонни 10 йилдан иборат мустақиллик йиллари бу мамлакат халқига шунчалик катта имкониятлар бердики, бу имкониятлар асосида шу қисқа даврда яқин 100-йиллик тараққиёт зафарларига эришилди. Ўзбекистоннинг бу истиқлоли ва зафарли юришидан бутун дунё ҳам ҳайратланмоқда. Буларнинг боиси, энг аввал Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий потенциал-ресурслари катта бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши ва уларни бошқарувчилари мустаҳкам иродали ва илмий асосларга эгалигидир.
Мамлакат бугунги кунда саноати, қишлоқ хўжалиги, санъати, маданияти, фани, меъморчилиги, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлари, таълим-тарбияси юксак тараққиёт босқичига ғоят катта куч ва тезкорлик билан кўтарилиб бормоқда. Мамлакат бугун самолётдан тортиб, турли хилдаги автомобилар, трактор-эксковатор ва бошқа машиналар ишлаб чиқармоқда. Буларнинг ҳаммаси фақат истиқлол эвазига эришилган муваффақиятлардир.

2. «авесто» асари – зардўштийликнинг муқаддас китоби

Тарих шоҳидким, Зардўштийлик динининг асосчиси тарихий шахс бўлиб, бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам тарихий асардир. «Авесто» Зардўшт томонидан эр.авв. VII-VI асрларда ёзилади.
Асарда бизнинг энг қадимий аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий дунёси, санъати ва маданияти, уларнинг яшаган замини, табиати, тарихи ҳақида батафсил маълумотлар берилади.
«Авесто» сўзининг этимологик маъноси – «ўрнатилган, муқаррар, қилинган» дан иборат бўлиб, ҳаёт ва турмушнинг қонун-қондаларини ўз ичига олади. Асар мазмунида эр.авв. III-I минг йилликлардаги ўлкамиз табиати, халқи, унинг санъати, маданияти, диний қарашлари, ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнати, экологияси, чорвачилик, деҳқончилик, жамияти, давлатчилик системаси каби масалалар ўз ифодасини топган.
Асар ўзидан олдинги яқин 3 минг йиллик тарихни ҳам баён этади. Шу боисдан бу асар ўзбек халқининг қадимий аждодлари тарихини ўрганувчи энг биринчи, энг катта ва энг тўғри, тарихий-илмий манба бўлиб хизмат қилади. Чунки, унда Амударё – «Дайтия», Хоразм – «Арайан Вежа», «Вара» - Афросиёб (Самарқанд) каби номлар кўрсатилган.
«Авесто» асарида берилган тарихий маълумотларга кўра «Авесто» 12 минг қорамол терисидан тайёрланган китобга олтин харфлар билан ёзиб бунёд этилган асардир. Унинг дастлабки нусхаси 21 қисмдан иборат бўлган - илмий, тарихий, бадиий, диний асар бўлган. Унинг бош муаллифи Зардўшт бўлиб, у ўзигача бўлган ҳалоллик, поклик, яхшилик, эзгулик ҳақидаги диний оятлар ва қўшиқларни тўплаб, мужассам этган ҳолда баён этади. Шунингдек, асарга Зардўшт ўзи ижод қилган – худо Ахурамазда томонидан

юборилган – вахий қилинган оятлар, ва диний қарашларни киритади. Асарнинг диний хулосаларида якка худоликни тарғиб этади ва уни асослаб беради.
Асарда олов, сув, ҳаво ва ердан иборат 4 нарса энг муқаддас, уларни ҳурматлаш, эъзозлаш, сақлаш ҳар бир одам зоти учун шарт, – деб кўрсатилади.
Авестода баён этилган аҳлоқ тарбияси қисмида «Яхши фикрлаш», «Яхши сўзлаш» ва «Яхши амаллар бажариш»дан иборат учта муқаддас талаб зардўштлар ибодатини бош нияти бўлиши лозимлиги айтилади.
Зардўштийлик муқаддас тутган олов ҳақида «Авесто» катта маълумот беради.
Буюк аллома Абу Райҳон Беруний маълумотига кўра ҳам «12 минг қора мол терисига, олтин харфлар билан ёзилган 30 қисмли «Авесто» подшо Доро хазинасида бўлган. Александр Македонский оташхоналарни вайрон этиб, «Авесто»ни ёқиб юборади. Ундан атиги 12 қисми қолади».
Айрим маълумотларга кўра «Авесто» 3 нусхада бўлиб, уни бир нусхаси Доро хазинасида, 2-нусхасини Македонский ёқиб юборган. Яна бир вариантини Македонский Юнонистонга олиб кетган.
«Авесто»нинг бизгача етиб келган нусхаси эрамизнинг III-асрида Сосонийлар подшоси Шопур-II даврида китоб холига келтирилган. Уни 1324 йили кўчирилган нусхаси бўлиб, бу асар ҳозирда Копенгагенда сақланади.
«Авесто» асарини илмий жиҳатдан ўрганиш IX-X асрлардан бошланади. Улар ҳақида Абу Райхон Беруний дастлабки маълумотларни баён этади. «Авесто» ҳақида кўплаб ўрта аср олиму-уламолари ўз фикрларини айтиб ўтадилар.
Европада «Авесто» ҳақидаги дастлабки изланишлар XVIII асрнинг II-ярмидан бошланади. Француз шарқшуноси А.Дюпперон Париж кутубхонасидан «Авесто» матни парчаларини топади. Сўнгра шу асар орқасидан Ҳиндистонга келади. Бу ерда у «Авесто»ни анчагина қисмларини ўрганади. У «Авесто»ни француз тилига таржима қилади ва 1771 йили нашр қилади.
Шунингдек, К.Залеман, Х.Бартоломей, Е.Бертель, В.Струве, Д. Перон, К.Косович, Л.Майле, Иброҳим Нур Довуд кабилар «Авесто» асарини ўрганиб, улар ҳақида шарҳлар ёзадилар ва таржима қиладилар.

3. спитамид зардўшт – «авесто» муаллифи

Зардўшт туғилган Хоразм – ғоят кучли тарихий воқеаларга бой, муқаддас ва олий зотлар яшовчи – орифлар мамлакати, сирли ва муқаддас заминдир. Ана шу Хоразм дунёсида тарихда биринчи бор Оллоҳ томонидан, яхшилик ва эзгу ниятлар учун танланган пайғамбар Зардўшт – чорвачилик билан шуғулланувчи оилада, тахминан эр.авв. 630 йилларда туғилади.
Зардўштнинг отаси Парушаспа (спитамид уруғидан бўлган) йилқичилик билан шуғулланади. Онаси Дугдава хоним қорамол чорвачилиги билан шуғулланган. Зардўшт ёшлигида чорва (от ва туя) боққан. Зардўшт – Эрон шохи Гуштасп вазири Фарашаштранинг қизи Ҳавовига уйланади. Улар 3 ўғил, 3 қиз кўрганлар. У 20 ёшидан бошлаб диний ишлар билан шуғуллана бошлаган, 40 ёшида пайғамбарлик даражасига кўтарилган. У 10 йиллик ижодий изланишлари асосида «Авесто» (асли «Овасто») асарини ёзишга киришади. Уни тахминан 77 ёшида кўп худалик дин ҳомийлари томонидан ўлдирилади. Зардўшт якка худоликка асос солади. Зардўштийликни муқаддас китоби «Авесто»ни ёзади. Бу китоб дунёда якка худолик бўйича I-монументал диний асар бўлиб қолади.
Хуллас, «Зардўштийлик» дини кўхна заминимизда яшаган қадимий аждодларимиз сиғинган динлардан биридир.

МАВЗУ

мустақил ўзбекистон санъати, маданияти ва меъморчилиги

«Биздан келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолсин»
И.Каримов

1. ўзбекистон мустақиллик йилларида

Маълумки, Ўзбекистон яқин 125 йиллик чоризм ва советлар асоратида бўлиб, 1991 йил 31 августдан ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Бу мустақиллик Ўзбекистон Республикасини «Давлат мустақилиги» тўғрисидаги баёноти билан қонунлаштирилди.
1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашининг XII - чақириғида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақилиги асослари тўғрисида»ги 17 моддадан иборат бўлган қонун қабул қилинди.
Бу қонун Ўзбекистонни мустақил, суверен мамлакат эканлигини белгилаб, мамлакатни ички-ташқи сиёсати, унинг идеологияси, иқтисодий ресурслари, маънавий ва бошқа фаолиятларини ўзи ҳал қилиши ва мамлакатни ўзи бошқариши ваколатини таъминлаб берди.
Ўзбекистон мустақиллиги камида уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи давлатчилигини зархал битикларда ифода этиладиган воқеаси бўлди. Бу мустақиллик халқимизни XX асрдаги энг улкан, энг нодир, энг буюк ғалабаси бўлдики, бу мустақиллик учун қанча-қанча ватандошларимиз қон тўккан, қанчаси Сибирь ва Россиянинг турли қамоқларида жон таслим этганлар, қанчалаб кишиларимиз ватанларини ташлаб, сарсону-саргардон бўлиб ўтиб кетганлар.
Шунга кўра 1-сентябр Ўзбекистон мустақиллик куни деб белгиланди.
1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Давлат байроғи тасдиқланди.
1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Президенти (И.Каримов) сайланди.
1992 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлиб кирди.
1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси герби тпасдиқланди.
1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Давлат мадҳияси қабул қилинди.
1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси (асосий қонуни) тасдиқланди.
1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон валютаси – сўми муомилага чиқарилди.

60-70 йилларда республикани барча вилоятларида қурилиш 67
олди. Андижон, Наманган драма театри бинолари, Тошкентда «Тошкент» меҳмонхонаси, Марказий универмаги, Темир йўл вокзали ва кўплаб ўқув даргоҳлари қурилди.
Бу йилларда меъморчиликда темир-бетон, янги конструктив материалларидан, гранит ва мармар тошлардан кенг фойдаланилди.
Биноларнинг ички интерьерлари чеканка, ҳайкалтарошлик, ўймакорлик, наққошлик, кошин парчалар, мозаика каби амалий санъат ва деворий рангтасвирлар билан безатилди.
60 йилларда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Навоий, Чирчиқ, Фарғона уйсозлик комбинатлари ишга тушди. Шу йилларда «Узколхозстрой» бошқармаси тузилиб, қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолисига янги типовой уйлар қуриш режалаштирилди.
1966 йилги Тошкент зилзиласи оқибатини тугатиш режасига кўра Тошкент шаҳри янги бош режа асосида қайта қурилди. 1966 йили Самарқанд меъморчилик ва қурилиш институти ташкил этилди. 1966-74 йилларда Тошкент маркази мутлоқ янгитдан барпо этилди.
70-80 йилларда республиканинг барча шаҳарлари янги бош режа асосида қайта қурила бошланди. Вилоят марказларида «Интурист» меҳмонхоналари, янги театр бинолари, маъмурий бинолар, шаҳарларнинг аэропортлари қурилди. Республикада мактаблар қурилиш давом этди.
80-90 йилларда Тошкентда кўп қаватли (16-20 қаватли) «Ўзбекистон», «Дўстлик», «Чорсу» каби меҳмонхоналар бинолари, «Зарафшон» ресторани, «Бош универсал» магазини, Цирк биноси, Матбуот уйи, Музей биноси, вазирликлар биноси, Санъат саройи, Бош майдон, Ўрта Осиёда ягона бўлмиш Тошкент метрополитени, Ўрта Осиёда энг баланд бўлган Телеминора ва бошқа кўплаб меъморчилик бинолари қад кўтарди. Шугингдек, турар жой бинолари қурилди. Кўплаб проспектлар, кўчалар барпо этилди, шаҳарни кўкаламзорлаштиришга эътибор берилди.
Республикани барча вилоятларида қурилиш ишлари давом этди. Тошкент, Урганч, Самарқанд, Наманган, Андижон шаҳарларида аэропорт бинолари янгитдан қурилди. Маъмурий бинолар, олий ўқув юртлари бинолари қурилди. Тошкент метрополитени қурилиш давом этди.

асосчиси қадимий аждодларимиз бўлмиш Спитамид Зардўшт бўлган. Бу диннинг муқаддас китобининг бош муаллифи ҳам ўзбекларни ота-боболари аждодидан бўлиб, у Хоразмда яшаб ўтган Зардўштдир.

«Авесто» асари нафақат диний асар, бу асар ўзбек халқининг ва заминимизнинг бундан қарийб 3000 йилдан аввалги тарихи, сиёсати, фалсафаси, турмуши, санъати, маданияти, меҳнат тарзи, дини, урф-одатлари, ўлкаси, табиати, жуғрофияси, кимёвий олами, ҳисоб-китоб дунёси, таълим тарбияси, тиббиёти, фалакиёти, тил ва адабиёти кабилар ҳақидаги илмий-диний-дунёвий асаридир.

Бу асар нафақат ўзбек-туркий халқлар мероси, бу асар жаҳон санъати, маданияти, тарихи ва фанининг ҳам тенгсиз хазинаси – мулкидир. Шунга кўра Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан «ЮНЕСКО» бош конференциясининг 30-сессиясида «Авесто»ни 2700 йиллигини бутун дунё бўйича нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон халқи 2001 йилни октябр ойида «Авесто»га бағишланган катта илмий анжуман ва байрам тантаналарини ўтказди.

Унинг 2700 йиллиги муносабати билан «Авесто» ватани бўлмиш Хоразмда бадиий ёдгорлик ўрнатилди.

❺

Мавзу

ўрта осиёликларнинг энг қадимги
диний қарашларини тасвирий санъатда
ифодаланиши

1. ўрта осиёликларнинг энг қадимги динини
тасвирий санъатда ифода этилиши

Тарих шоҳидким, эр.авв. 1-мингинчи йилларгача Ўрта Осиё халқи турли диний қарашларга ва диний урф-одатларга мажбурий ёки ихтиёрий ҳолда амал қилиб келганлар.

Ўрта Осиёликлар осмон жисмларга, ой, қуёш, юлдузларга, улкан қояларга, дарахтларга, ҳайвонларга сиғинганлар улар олдида сажда қилиб, қурбонликлар бериб келганлар. Бу сиғинишлар жуда примитив ва содда, умумлашган бўлсада, улар санъати ва маданиятида ифода этилган. Улар қоятош расмларида қуёш худоси мазмунида ифода этилгани Олтин Тепа ва Мурғобдан топилган расмларда кузатилади.

Қадимги Фарғона, Хоразм, Марғиёнадан топилган илон ва ҳайвонлар, Самарқанддан топилган одам калласи расмлари ва террикоталари Ўрта Осиёликларни қадимий (эр.авв. II-мингинчи йиллардан эр.авв. VIII асрларга оид) санъати бўлиб, улар энг қадимги диний тушунчалар асосида яратилган.

Сурхондарё, Фарғона, Тошкент, Зарафшон воҳалари қоятош суратлари ва Амударё бойлиги хазинаси топилмалари орасида ҳам Ўрта Осиё халқининг энг қадимий диний эътиқодлари асосида яратилган санъат асарлари борки, улар эр.авв. II-I минг йилликларга оиддир. Улар ҳайвон-қушлар тасвири асосида бўлиб, калла қисми ёввойи-қўрқинчли ҳайвонлар, таналар эса қуш ёки қанотли ҳайвон тасвирида ифодаланган. Уларда шер, илон, от, туя, ёввойи эчки-қўчқор, бургут, одам тасвирлари ифодаланган.

Айрим тасвирларда одам боши, ҳайвон гавдаси, қуш қанотли тасвирланган рельефлар, думалоқ ҳайкаллар, Амударё хазинаси, Самарқанд, Нисса, Қизилқум каби археологик манзилгоҳлари топилган бўлиб, улар ҳам қадимги халқлар дини, эътиқоди, урф-одатлари асосида яратилган.

Эр.авв. 1-минг йилликни VII-VI асрларигача Ўрта Осиёда Малох худосига сиғинилган. Албатта, бу худони ғоят жохил талабларига оид одам зотини қурбонлик қилишга қарши курашган кишилар кўп бўлган. Шунга кўра, Малох худосининг диний ақидалари асосида ҳам кўплаб тасвирий сюжетлар яратилади.

Маълумки, эр.авв. VII асрдан Ўрта Осиёда – Хоразмда Зардўштийлик дини шаклланади. Бу диннинг «Авесто» асари асосида ёзилган «Кичик Авесто»ларни безатилиб, улардаги оятларни ҳар бири учун расм ишланарди. Бу расмлар амалий санъат буюмларига ва меъморчиликка кўчирилар эди. Буни Хорзам, Афросиёб, Варахша ва бошқа манзилгохлардан топилган тасвирлар тўла асослайди. Зардўштийлик дини Ўрта Осиёда тасвирий ва меъморчилик санъати ривожланишига катта имконият яратди. Чунки, бу дин учун кўплаб ибодатхоналар қурилди. Бу динни тарғиб этиш учун

китоблар ёзилди. Уларни расм ва тасвирлар билан безатилар эди. Хуллас, Зардўштийлик дини тасвирий санъатни ривожланишига каттагина шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади.

❻

МАВЗУ

қадимги хоразм санъати маданияти
ва меъморчилиги

1. қадимги хоразм маданияти

Хоразм – башарият маданиятининг энг кўхна, энг ривожланган, энг сирли марказларидан биридир. Лекин, яқин-яқингача Хоразм ва унинг тарихи, маданиятини яхши ўрганилмаганлиги сабабли буржуа олимлари унга паст назар билан қараб келардилар.

2. XX асрда ўзбекистон меъморчилиги

XX аср бошларида Бухоро, Хева, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган шаҳарларида қурилган бир қатор масжид, мадраса, мақбаралар классик меъморчилик услубида қурилди. Бир қатор шаҳарларда руслар томонидан қурилаётган «Янги шаҳар» қисми европача услубдаги бинолар билан қад кўтара бошлайди. Шаҳарларни «янги шаҳар» қисмида ҳарбий гарнизонлар, давлатнинг маъмурий бинолари, ибодатхоналар қурилди.
Октябр тўнтаришидан кейин ҳам бу анъана давом этди. 1920 йили Туркистон меъморчилик обидаларини ўрганиб, уларни айримларини қайта тиклана бошланди. (Реставрация қилинди). Бухоро, Самарқанд, Қўқон, ва Наманган шаҳарларидаги қатор меъморий ансамбллар таъмирланди.
Янги қурилаётган маъмурий биноларни Ўрта Осиёнинг миллий услубларига мослаштиришга ҳаракат қилинди.
Ўзбекистон Фанлар Академиясини ҳозирги биноси (1928 й) қурилди. 1935 йили Самарқанднинг қайта қуриш бош режаси тузилди. Шунингдек, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Андижон шаҳарларини ҳам бош режаси тузилди. Лекин булар амалга ошмади.
1934 йили Ўрта Осиё индустриал институти ташкил этилди, унда меъмор-қурувчилар тайёрлайдиган факультет иш бошлади. 30-40 йилларда Тошкентни қайта қуриш бош режаси тузилиб, унга кўра ҳукумат уйи, Темирйўлчилар маданият саройи, Педагогика институтини биноларини қурилиши бошланди.
1939 йили Тошкент Тўқимачилар маданият саройи, Ўзбекистон Фанлар Академияси қўл ёзмалар институти қурилди.
Бинолар қурилишида миллий анъаналарни қўллаш мақсадида бинолар фасади миллийлаштирилар эди.
40-йиллардан кўп қаватли биноларни қуриш бошланди. Урушни бошланиб кетиши сабабли, бир қатор бинолар қурилиши тўхтатилди.
Лекин уруш йилларида ҳам бир қатор бинолар қурилди. «Муқимий» театри, шунингдек, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида кўплаб жамоат бинолар 2-қаватли қилиб қурилди. Уруш йилларида ғарбдаги бир қатор завод-фабрикаларни Ўзбекистонга кўчирилиши туфайли Ўзбекистонда Бекобод металлургия заводи, Ангрен, Охангарон, Олмалиқ каби шаҳарлар бунёд этилди.
Урушдан кейинги йилларда шаҳарларда кўчалар, хиёбонлар, майдонлар қурилишига эътибор кучайди.
1947 йили Тошкентда А.Навоий номли опера ва балет театри биноси қурилди.
50 йиллардан республиканинг кўплаб вилоятларида шаҳар, район марказлари ободончилигига эътибор берилди. Ҳукумат уйлари, санъат, маданият саройлари кино-театр бинолари, мактаб бинолари қурилди. Тошкент аэровокзали, Чилонзор массиви, Юнусобод, Қорақамиш массивлари қурилиши бошланди.
80-90 йилларда Ўзбекистон рассомчилик санъати камолот чўққисига кўтарилди. Бу даврда ижод қилиб келаётган Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, М.Тўхтаев, Й.Турсунназаров, В.Жданов, А.Мирзаев, Ш.Абдурашидов, М.Ишанов, А.Бакиров, Х.Санаев каби ғоят юксак истеъдодли рассомлар Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос XX аср ижод мактабини яратдилар.
Ўзбекистон тасвирий санъатида ҳайкалтарошлик асосан 60-70 йиллардан ижод йўлига кириб келди. Ана шу даврлардан бошлаб, М.Мусабоев, Д.Рўзибоев, Ж.Қуттимуратов, Ф.Гришченко, А.Тохиров, Х.Хусниддинходжаев, А.Ахмедов, А.Бойматов, К.Салохидинов каби иқтидорли ҳайкалтарошлар ижод қилиб кел-

65

дилар. Улар кўплаб шаҳар ва қишлоқларга замонамизнинг меҳнат қаҳрамонларини ва тарихий шахсларни ҳайкалларини яратиб бердилар.

Маълумки, ўзбек халқ амалий санъати жуда қадимдан ривожланиб, такомиллашиб келади. XX асрда келиб, ўз тараққиётини давом эттиради.

Бу санъат XX асрнинг бошлариданоқ ўз анъаналарини давом эттириб, баракали ижод йўлини босиб ўтади. 20-йилларданоқ ўзбек халқ амалий санъатининг етук усталари С.Хужаев, О.Полвонов, Х. Нажмиддинов, К.Хайдаров, Усто Ширин Муродов, Т.Арслонкулов, С. Норкузиев, О.Косимжонов, Ё.Рауфовлар ижод қилдилар. Уларнинг ижодий ишлари Тошкент, Москва, Париж кўргазмаларида шуҳрат қозонди. Улар мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларидаги қурилган санъат саройларини, кино, театр, цирк биноларини, маъмурий биноларни, бошқа меъморий ансамбалларни безатишда нақкошлик, ганч, ёғоч ўймакорлиги санъатидан юксак маҳрат билан фойдаландилар. Тошкентда янги қурилган бинолар, Самарқанд, Бухоро, Хева, Қўқон, Фарғона, Қарши, Наманган каби шаҳарлардаги қадимий меъморий ансамбалларни қайта тиклашда самарали ижод қилдилар.

Амалий санъатни нақкошлик, ўймакорлик турларидан ташқари заргарлик. Зардўзлик, кулолчилик, дўппидўзлик, чеканка-мисгарлик, каштачилик, дурадгорлик, гиламсозлик, метариалларга гул босиш каби турлари ҳам ривожланди.

Ўзбек халқ амалий санъати бўйича кекса устозлар қатори сўнгги йилларда етишиб чиққан: М.Усмонов, С.Боғбеков, У.Журақулов, А. Қаюмов, М.Рахимов, С.Рокова, К.Жалилов, Ж.Хакимов, Д.Мамарасулов, М.Норқўзиев, Б.Рахимов, Б.Давлатов, Б.Жўраев, Ж.Жўраев, М. Аҳмедова, Р.Мирзаев, М.Кенжаев, Р.Хакимова, Е.Қорабоев, А. Нуъмонов, У.Юсупов, Н.Нарзуллаев каби юзлаб халқ амалий санъати усталари XX аср ўзбек миллий халқ амалий санъати анъаналарини давом эттирдилар ва уларни янгидан-янги турлари билан бойитиб келдилар.

Хуллас, XX асрда Ўзбекистон тасвирий санъати ўзига хос характер ва мазмунда ривожланиб келди. Ўзбек санъати ўз анъаналарига кўра ўзининг устоз санъаткорларини яратиб, жаҳон санъати ва маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди.

Сўнгги йиллардаги илмий изланишлар ва археологик тадқиқотлар Хоразм курраи-заминимизнинг энг қадимий, энг кўхна ўлкаларидан бири бўлганлигини, бу ўлкада жуда қадимданоқ ўтроқлашган қабилалар яшагани, уларнинг овчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва деҳкончилик маданияти ғоят кучли ривожланганлигини исбот этдилар. Бунда форс, лотин, арман, хитой, юнон, рим ва бошқа қадимий халқларнинг илмий манбалари ҳам тўла жавоб бермоқда. Шунингдек, археологик тадқиқотлар ҳам Қадимги Хоразмнинг санъати ва маданияти, халқнинг аҳлоқ-одоби, маънавияти ва турмуш тарзи анча юксак даражада бўлганлигини кўрсатиб бермоқда.

Кўхна Хоразмни илмий тадқиқ этиш бўйича асримизнинг 20-30 йилларидан бошлаб махсус экспедициялар иш бошлайдилар.

1928-29 йилларда А.Якубовский бошчилигида археологик экспедицияси Хоразмда археологик тадқиқотларини бошлайдилар ва дастлабки илмий материалларни эълон қиладилар.

Қадимги Хоразм маданияти бўйича 1929 йилдан С.Тольтов иш бошлайди. У узоқ йиллик археологик тадқиқотлари натижаларини 1948 йили ўзининг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм цивилизацияси изидан» номли илмий асарларида эълон қилади. С.Тольтов Хоразм маданияти бўйича олиб борган илмий тадқиқотларининг натижаларига асосан ғарб олимларининг «Шарқ билан Ғарбни ажратиб турувчи ёки Шарқ бошқа-ю, Ғарб бошқа» деган хулосаларини бекор эканлигини исбот қилди. С.Тольтов энг аввал Хоразм этнографиясини ўрганди. Сўнгра, у Хоразм санъати, маданияти, меъморчилиги билан шуғулланди. Шу боисдан у Хоразм археологиясини тўла қўлга олади. С.Тольтов барча манбаларни сарҳисоб қилди, археология материалларини тўплади ва ниҳоят ўзини «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» асарини 50-йилларда ёзиб якунлади.

Бу асар чех, поляк, румин, венгер, немис тилларига ҳам таржима қилинди. Асар 1964 йили ўзбек тилига таржима қилинди. Бу асарда «Авесто» асаридан бошлаб, юнон тарихчилари Арриан, Курций, Плутарихлар, ўзбек алломаси Абу Райхон Беруний, инглиз тадқиқотчиси В.Тарн, арабшунос олимлар Белазурий ва Табарийлар, В.Бертольд, П.Ларх, Веселовский, Бобринский, Б.Денике, Н.Баченский, Б.Веймарн каби юзлаб Ўрта Осиё тадқиқот билан шуғулланган олимларнинг ҳам фикр-хулосалари умумлаштирилган

ҳолда Қадимги Хоразм маданиятини, санъати-ю меъморчилиги тараққиётини илмий жиҳатдан асослаб берди.
Умуман Хоразм – жуда қадимдан ривожланган халқлар яшаган ўлка бўлиб, унинг халқи эрамиздан аввалги минг йилликлардаёқ ўз маданияти, ишлаб чиқариши, фани, санъати, мукаммал дини, маънавий дунёси, ҳатто давлатчилик сиёсатига барча халқлардан илгарироқ эга эканлигини тўла исботлаб берган заминдир.
Бундай хулосага келиш учун бугунги кунда тўла илмий манбалар, мантиқий материаллар, ашёвий далиллар мавжуд. Бундан қарийб 3000 йил аввал жаҳонга машхур буюк «Авесто»ни яратган халқ, ер юзида ғоят одил, яхшилик ва эзгуликлар фазилати йўлини кўрсатиб берган пайғамбарни тарбия этган ва динни ифода этолган Хоразм жаҳон тарихида, жаҳон санъати ва маданияти тарихида ўзига алоҳида эътибор қаратиши ва алоҳида ўрин эгаллаши муқаррар ва илм қонунига мувофиқ келадиган хулосадир.

2. қадимги хоразм санъати ва меъморчилиги

Маълумки, Ўрта Осиёнинг дастлабки давлати, «Катта Хоразм» бўлиб, у эр.авв. 1-минг йилликлардаёқ шаклланиб, ҳукмронлик қилган.
Қадимги Хоразм ана шу давргача ўзининг санъати, маданияти бўйича анча ривожланган бўлиб, бу ривожланиш бу ўлка халқига мукаммал дин, дунёвий илм, ёзув, даврга хос жамият беради. Бу ўлка бундан қарийб 5 минг йилларча аввалданоқ суви мўл, ери сахий, одамлари юксак фазилатлар эгаси бўлган ҳолда, ғоят бой, гўзал, чиройли ўлка ҳисобланган. Шунга кўра бу ўлка «Қуёш юрти», «Гўшт ва ўтинлар ўлкаси», «Қуёш ўлкаси», «Хуритлар юрти» - деган сўз ва иборалар билан аталган.
Тарих шоҳидким, Қадимги Хоразмда жуда кўп аҳоли яшаган. Бунга далил сифатида Малох худоси динига қарши кўтарилган қўзғолончилардан 55 мингги қатл қилинади. Шунча қўзғолончиси бўлган шаҳарда қанча аҳоли яшашини мантиқан ўйлаш етарлидир. Халқи ғоят кўпайган Хоразм санъати ҳам беқиёс ўсган, ривожланган. Шунга кўра меъморчилик ҳам жуда кучли тараққиёт йўлини босиб ўтади. Бунга замондошларимиз олиб борган археологик тадқиқотлар гувоҳлик беради.

Хоразм бўйлаб ўтказилган археологик изланишлар натижасида Гулдурсун, Кўҳнавоз, Пилқалъа, Бозорқалъа, Қўрғонча қалъа, Аёзқалъа, Тупроққалъа, Жонбосқалъа, Қўйқирилган қалъа, Туққалъа, Гувурқалъа каби юзлаб қадимий шаҳарлар топилдики, улардаги меъморчилик, амалий ва ҳайкалтарошлик санъати беқиёс ривожланганлигидан далолат беради. Қадимги Хоразм санъати ва меъморчилиги тарихи ҳақида «Калтаминор», «Тозабоғёб», «Суёрғон», «Амиробод», «Жетисор», «Кангуй», Амударё бойлиги, маданияти ва «Бештепа», «Қоратепа», «Арфа чалувчи», «Йўлбарс», «Қирғовул» «От туёғи», «Йўлбарс панжаси», «Коҳин ҳайкали», «Одам тасвири», «Қоровул ҳайкали», «Қизил бош», «Взамир қаллиғи», рангли нақшлар «Рангли бюст» ёки «Чирикработ», «Қўйқирилган калъа», «Аёзқалъа», «Тупроққалъа», «Тешиккалъа» каби бадиий-маданий ёдгорликлари жуда катта илмий маълумотлар беради. (С.Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Т. 1964 й.).

Урушни дастлабки кунлариданоқ Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарларда ҳарбий темалардаги плакатлар, тасвирий ойна, агитвитириналарга ижодий расмлар ишлана бошланди. Бу расмларда «Ҳамма нарса фронт учун», «Биз енгамиз», «Фашистларга ўлим» шиори баралла ифода этилди.
Бу даврда Рожденственский, Кайдалов, Кашина, Мальт, Чепряков, Моор, Уфимцев, Карпов, Рейх, А.Абдуллаев, Марфин, Фадеев, Аринин, Набиев, Кедрин, Темуров, Редкин, Калантаров, Узлов, Хасанова, Усто Мумин Николаев, Алимова каби юзлаб рассомлар республикани турли вилоятларида, турли тема ва жанрларда ижод қилдилар.
Санъат асарларида рассомлар ҳарбий темалар билан бирга фронт ортида меҳнат қилаётган ўзбек халқининг турли соҳадаги қаҳрамонликларини ҳам ғоят юксак маҳорат билан тасвирладилар.
Картиналарда уруш даврида олиб борилаётган қурилишлар, янги ерларни очилиши, ГЭС, каналлар қурилиши, завод-фабрикалардаги меҳнат фронти ифода этилди. Бу даврда газета ва журналлардаги иллюстрациялар ҳам юксак маҳорат билан яратилди.

50-йиллардан тинч қурилиш йиллари бошланди. В.Кайдалов, М.Набиев, В.Евенко, Р.Ахмедов, З.Инагамов, В.Фадеев, Н.Қўзибоев, М.Саидов, В.Жмакин, Т.Огонесов, Ю.Елизаров, Н.Кашина, С.Мальт, С.Марфин, С.Абдуллаев, Л.Абдуллаев, А.Абдуллаев, С.Мухаммедов, З.Ковалевская, Н.Корахан, Х.Рахманов, П.Бенков, Р.Темуров, И. Икромов каби юзлаб рассомлар самарали ижод қилдилар.

60-70 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати мутлоқ янги, ёш рассом ижодкорларига эга бўлди. Бу даврда Р.Аҳмедов, З.Иногамов, М.Набиев, В.Кайдалов, В.Евенко, К.Чепряков, В.Фадеев, Н.Кўзибоев, М.Саидов, В.Жмакин, Т.Огенесов, Ю.Елизаров кабилар билан бирга Р.Чориев, Б.Бобоев, Г.Зилберман, Г.Чернухан, Ж.Умарбеков, Б. Жалалов, А.Мирзаев, А.Салимжанова, М.Тўхтаев каби ёш, ғоят кучли истеъдодга эга бўлган ижодкор рассомлар Ўзбекистон тасвирий санъатига катта ҳисса қўшдилар.

70-80 йилларда рассомлар ўз замондоши образини яратиш устида тинмай ижод қилдилар. Аммо бундай шахс образини яратиш ижодкордан жамиятни, инсонни, уларни турмуш шароитини, илмий, мантиқий, маънавий дунёсини ўрганиш зарур эдиким, буни шу даврда ижод қилган катта рассомлардан тортиб, ёш-ижодкор рассомларгача уддасидан чиқа бошладилар.

70-80 йилларда Ўзбекистон рассомчилик санъати ижодкорлари сафи йилдан-йилга ортиб борарди. Бу йилларда Ўзбекистон рассомчилик санъатида Т.Пирматов, М.Нуритдинов, О.Мўминов, Р.Шодиев, С.Рахматов, Т.Жамолиддинов, И.Турсунназаров, Х.Санаев, И.Бахромов, М.Тўхтаев, А.Икромжонов, Г.Зилберман, В.Зияев, Ш.Абдурашидов, А.Винер, Ю.Зоркин, В.Ким, И.Исаев, Р.Вико, З.Фахрутдинов, А.Шувалова, М.Йулдошев, Ю.Толдикин, В.Бурмакин, Д.Имамов, В. Ковинин, Я.Салпинкиди, Т.Пирматов, А.Маматова, Р.Ризамуҳамедов, Г.Курязов каби ёш ғоят талай рангтасвир усталари ижод қилдилар.

ХХ аср бошларида Ўзбекистонга рус рассомлари, меъморлари, шоиру-ёзувчилари кўплаб жўнатилди. Дастлабки йилларда уларнинг ижодий мавзуси миллий анъаналарни қоралаш ва рус-европа санъати, маданиятини улуғлаш бўлди. Шунга кўра кўплаб рассомлар графика, сатирик плакатларда ижод қилдилар.

Ўрта Осиё халқидаги айрим унсур касалликларни, уларга қўшиб диний урф-одатларни санъат асарлари мавзусигача олиб чиқдилар. Лекин кўплаб рассомлар Ўзбекистон манзараларини, халқини, уларни урф-одатларини, ижодкорлик меҳнатларини ҳам ўз асарларида ифода этдилар.

Бу даврда С.Юдин, И.Казаков, Л.Буре, А.Патришкин, Б.Павренов, А.Николаев, А.Волков, В.Ерёмин каби рус рассомлари ижод қилдилар.

1923-24 йилларда «Муштум», «Машраб», «Мушфиқ» журналлари ташкил этилиб, бу журналларни безатишда И.Икромов, М.Хакимжонов, М.Воробейчук, Б.Жуков, В.Рождественский, С.Мальтлар ижод қилдилар.

1927 йили «Янги Шарқ устолари» ижодий гуруҳи тузилди.

1932 йили 1-Республика бадиий кўргазмаси ташкил этилди.

1934 йили Москвада 1-Ўзбекистон рассомларининг санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилади. Бу кўргазмада Ўзбекистоннинг маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан Б.Хамдамий, А. Сиддиқий, А.Абдуллаевлар ҳам ўз асарлари билан қатнашдилар.

1938 йили Ўзбекистон рассомлар уюшмаси ташкил этилади. Бу даврга келиб Ўзбекистон тасвирий санъатини рангтасвир, графика, амалий санъат турлари тўла ривожланиш йўлига тушиб олган эди. Фақат ҳайкалтарошлик санъатини ривожланиши анча қийинчилик билан борарди. Чунки, бу санъат Ўзбекистонда анча даврдан буён (VIII асрдан буён) ривожланмай қолган эди. Шунга кўра рассомчиликни бу тури фақат рус ҳайкалтарошлари ҳисобига шаклланмоқда эди.

Бу даврда китоб графикаси жуда тез шаклланди ва ривожлана бошлади. А.Навоий, Э.Жуманбулбул, А.Қодирий кабиларнинг асарларини иллюстрациялари жуда самарали яратилди.

40 йилларда Ўзбекистон тасвирий санъати ижодкорлари сафи А.Абдуллаев, Ч.Ахмаров, Р.Темуров, Ш.Хасанова, С.Абдуллаев, Ш. Шорахимов каби ёш ижодкор рассомлар билан яна тўла бошлади.

40 йилларда Р.Темуров, Ш.Хасанова, А.Абдуллаев, Ч.Ахмаров каби ўзбек рассомлари рангтасвирни манзара ва портрет жанрларида ижод қилдилар.

Ватан уруши бошланиши билан кўплаб рассомлар жангга кетдилар. Айрим рассомлар жанг майдондарида ҳам ўз ижодларини тўхтатмадилар. С.Абдуллаев, Б.Хамдамий, С.Мальт, И.Хочетков, В.Марков, Н.Герасимов каби рассомлар фронт манзаралари, жангчиларнинг қаҳрамонликларини ифода этувчи асарлар яратдилар.

Уруш ортида қолган рассомлар «ЎЗТАГ» атрофида бирлашиб, ҳарбий плакатлар ярата бошладилар.

62

МАВЗУ

элинлар санъатини ўрта осиёга
кириб келиши

1. македонскийни ўрта осиёга юриши даврида
ўрта осиё санъати ва маданияти

Тарих шоҳидким, эр.авв. I-минг йилликларда Ўрта Осиё территориясида Хоразм, Бақтрия, Парфия давлатлари ташкил топган. Мил.авв. 6-асрларда бу ўлкада Ахмонийлар давлати пайдо бўлган. Хоразм эр.авв. IV асрда Ахмонийлмр давлатидан чиқиб, мустақил яшайди. Бу ўлкада санъат ва маданият яхши ривожланади. Хоразмда Оромий ёзувидан фойдаланилган. Зардўштийлик дини кенг тарқалади. Бу ўлкада мураккаб меъморчилик комплекслари вужудга келади. Олтин, кумуш, бронза ва мисдан нафис заргарлик буюмлари, идишлар тайёрланган. Сопол идишлар турли табиий рангларда бўялиб, геометрик шакллар асосида безатилган. Хоразм, Бухоро, Фарғона водийсида кўплаб шаҳарлар барпо этилган. Жонбосқалъа, Термез, Тупроққалъа, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа, Қўйқирилган калъа, Қува қалъа, Чуст қалъалари бунёд этилган.
Қўрғон қалъанинг ички деворлари деворий расмлар, рельефлар ва думалоқ ҳайкаллар билан безатилган. Қалъа деворлари қалин ва баланд бўлган ҳолда соқчилар турадиган миноралари яқин 30 метргача баланд қилиб қурилган. Қўрғонлар ичига саройлар, қабулхона, тураржой бинолари икки қаватли қилиб қурилган. Биноларни ички интерьерлари турли буюмлар, устунлар, меҳроблар, ҳайкаллар ва деворий расмлар билан серҳашам қилиб безатилган.
Эр.авв. VI-IV асрларга оид Хоразмнинг «Каллали қир» саройининг меъморчилик комплекси ўша давр меъморчилик ва амалий санъатини юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Бино хоналари бир-бирига мосланган, устунлар ёғочдан ишланган бўлиб, бургут бошли кифонлар билан безатилган. Устунлар остига тошдан таккурсилар қўйилган.

Эр.авв. VI-IV асрлардаги санъат ва маданият Амударёнинг қуйи оқимидан топилган «Амударё бойлиги»да яққол кузатилади. Бу бойлик ичида «Жангчи сак», «Олтин аравача», ҳайкаллар, билакузук, қурол-аслаҳалар олтиндан ясалган бўлиб, улар юксак бадиий қимматга эга бўлган. Ана шундай санъат ва маданият ривож топган ўлка бўлмиш Хоразм, Суғд, Фарғонада кулолчилик санъати ҳам беқиёс ривож топган. Амалий санъат доимо ривож топиб, эр.авв. VI-IV асарларда қозонлар ҳам ишланган. Қозонларнинг юқори қисми ҳайвонларни бош қисми ҳайкали билан безатилган.
Ўз санъати ва маданиятини мислсиз ривожлантириб келаётган Ўрта Осиёни эр.авв. IV асрда Александр Македонский томонидан босиб оллади ва бутун бадиий-маданий бойликларни ер билан яксон қилади. шаҳар-қалъаларга ўт қўяди, бадиий буюмлар талаб кетилади. Ўрта Осиёликларнинг буюк ва муқаддас китоби «Авесто»ни ҳам ёқиб юборади.

2. ўрта осиёга элинлар санъатини
кириб келиши

Тарих шоҳидким, эр.авв. 329-323 йилларда Ўрта Осиёни, жумладан Ўзбекистон территориясини Алесандр Македонский томонидан забт этилади. Ўрта Осиёни юнонлар босиб олиши натижасида юнон маданияти асосида антик бадиий маданият вужудга келади. Санъатнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлади. Айниқса, медал ясаш, тангалар қуйиш, кумуш, сопол идишларга юнон ва маҳаллий сюжетлар тасвирланган безаклар, рельефли тасвирлар ишланади. Грек-Бақтрия подшолиги даврида кумуш, бронза тангалар юксак санъат билан ишланади. Кушон даврида ҳам кумуш ва бронза тангалар зарб қилиш билан бирга террекота ҳайкаллар ишлаш санъати ҳам ривожланади.
IV асрлардан бошлаб қурилган меъморчилик обидаларида Ахмонийлар даври меъморчилиги билан уйғунлашган ҳолда юнон-эллинистик санъат анъаналари ўз ифодасини топади. Айниқса, меъморчиликни безатилишида юнон-эллин санъатидан кенг фойдаланадилар. Устунлар юнон-классик шаклларида ишланади. Уларнинг корин-капителилари тошдан ишланади. Саройларнинг хоналари юнон-эллин бадиий безаклари, рельеф ҳайкалар билан безатилган. Безаклар ичида шеър ниқоби, томни безаб турувчи пол-

меттали антисфинкслари ишлатилади. Бундай юнон меъморчилиги санъатига оид қурилмалар Грек-Бақтрия, Парпия ва Кушан подшоликлари даврида ҳам кузатилади.
Юнон тарихчиларининг берган маълумотларига кўра Грек-Бақтрияни минг шаҳри бор ўлка деб таърифлашган. Бу таъриф Ўрта Осиёда юнонлар даврида кўплаб шаҳарлар бунёд этилганлигини, унда юнон-элин санъати ривож топганлигини акс эттиради.
Эр.авв. IV асрдан кейин Ўрта Осиёда кўплаб тангалар зарб этилди. Тангалар юнон-эллин санъати услубида бўлиб, уларнинг бир томонига подшолар тасвири, иккинчи томонига юнон афсонавий қаҳрамонлари тасвири ва ёзувлар битилди.
Амалий санъатда ҳам юнон-эллин санъатига тақлид қилиш яққол сезиларди. Шу даврда кулолчиликда юнон кулолчилиги шакллари, уларни безатилишида бўртма-рангли тасвирлар маҳаллий кулоллар ижодида ҳам яққол кўринади.
Ўрта Осиёнинг кўплаб қадимий шаҳристонларидан топилган ҳайкаллар ясалиши жиҳатидан юнон-эллин санъати услубини кўрсатсада, ҳайкалдаги қомат ва юз тузилишлари маҳаллий аҳолига ўхшаб кетади.

листик жанрлар, юмалоқ ҳайкалтарошлик, тошбосма усулидаги китоб графикаси ҳам ривожланди.
XIX асрнинг охирларига келиб, меъморчилик, амалий санъат Европа санъати билан уйғунлаша бошлади. Бу ўринда XIX асрда қурилган Бухоро амирининг ёзги қароргоҳи – Ситораи Моҳи Хоса, Хева хонлигининг Муҳаммад Раҳимхон, Асфандиёр (1863-1818 йй) даврларида қурилган бинолар, Исломхўжа минораси (1908 й) каби бинолар асосан пишиқ ғишт, кошин, черепицалар воситасида қурилди. Бу қурилишларда Уста Хўжа Ҳофиз, Усто Ширин Муродов, Худойберган хўжа, Болта Воисов ва Мадаминов каби ўзбек миллий меъморчилик ва амалий санъат усталари ижод қилдилар.
XIX аср охири XX аср бошларида меъморчилик, амалий санъат билан бир қаторда рассомчилик санъати ҳам аста ривожлана бошлади.
Маълумки, 1876 йилдан Фарғона вилояти ташкил этилгач, Қўқон шаҳри уни пойтахти бўлиб қолади. Шунга кўра бу ерда ҳам маҳаллий меъморчилик билан Европа меъморчилиги, амалий безаг санъати, рассомчилик, китоб графика ривожлана бошлади.

Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хева, Қўқон шаҳарларида ёзувчи-шоирлар ҳам ижод қилдилар. Улар ўз асарларида халқни озодликка, биродарликка, илм-маърифатли бўлишга чақирдилар. XIX асрни охирларига келиб, Ўзбекистонда фото ва кинематография санъатига Хевалик 1-ўзбек оператори Худойберган Девонов томонидан асос солинди.
XIX асрни охири XX асрни бошларида Ўзбекистон санъати, маданияти, меъморчилиги Европа санъати билан уйғунлашган ҳолда ўзига хос характерда ривожланиб келди.

20

МАВЗУ

XX асрда ўзбекистон санъати ва меъморчилиги

1. XX асрда ўзбекистон санъати

Маълумки, XIX асрнинг II-ярмидан Ўзбекистон Россияга қарам бўлиб, унинг мустамлакаси бўлиб қолган эди.
1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин Шўролар ҳокимияти ҳам чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирди. Ўзбекистондаги руслаштириш сиёсати яна авжига чиқди. Ўзбекистонга рус санъати, маданияти ва меъморчилиги оммавий суратда мажбурий ҳолатда кириб кела бошлади.

ликни бирин-кетин босиб олади. 1884 й илдан Ўрта Осиё тўла рус-ларга қарам бўлиб қолади.
Ўрта Осиёни руслар томонидан босиб олингач, уларни сиёсий, иқтисодий қонунлари мажбуран киритилади. Шу билан бирга уларни адабиёти, санъати, маданияти ва меъморчилиги ҳам кириб кела бошлади. Ўрта Осиёга сургун қилинган руслар орасида ёзувчи-шоирлар, олимлар, рассомлар, меъморлар, педагоглар, шифокорлар бўлиб, уларни таъсири остида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хева, Фарғона каби шаҳарларда газета ва журналлар нашр этила бошланди.
70-йиллардан бошлаб Ўзбекистоннинг табиати, археологияси, этнографиясини ўрганувчи жамиятлар тузилди.

1880 йили Петербург Фанлар Академиясини бўлими очилди. 1873 йили Тошкентда астрономия ва табиатшуносликни ўрганувчи обсерватория очилди. П.Семёнов, Тян-Шанский, Федченко, Мушкетов, Романовский каби олимлар ўлка табиатини ўрганишга киришдилар. Пушкин, Лермонтов, Тургенев асарлари таржима қилина бошланди. Шунингдек, Ўзбекистонда бир қатор рус рассомлари ҳам ижод қилдилар. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан забт этишни ва қарам қилиб олишни, мустамлакачилик ҳолатини ўзига хос услуби эди.

Бу рассомлар орасида Каразин, Зоммер, Дудин, Дмитриева, Казаков, Федченко, Бурэ каби рассомлар ижод қилдилар. Бу рассомларнинг ижоди асосида Ўзбекистонга Европанинг реалистик рассомчилиги, унинг натурализм, классик услублари ҳам кириб келди.

Казаков асарларида Ўрта Осиё халқини психологик ҳолатлари, дунёқарашлари, турмуш шароитлари ифодаланди.

Буре эса кўпроқ Ўзбекистон табиатини ва ерли халқларни революцион кайфиятини ифода этди.

Русларни Ўзбекистонга кириб келиши билан Европа меъморчилиги анъаналари, услублари ҳам мажбурий ҳолатда кириб кела бошлади. Ўзбекистон шаҳарларида «Янги шаҳар» ва «Эски шаҳар» атамалари пайдо бўлди.

Янги шаҳарда асосан руслар учун жамоат бинолари, черковлар, қалъа, қасрлар, давлат саройлари, турар жой бинолари қурилди.

Эски шаҳар қисмида эса қурилишлар анча чеклаб қўйилди. Эски шаҳар қурилишига давлат томонидан маблаг берилмас эди. Шунинг учун эски шаҳарда фақат масжид, мадраса, мақбарагина, у ҳам саноқли ҳолда кичик ҳажмда қуриларди. Фақат бозорлар ва аттор-лик дўконларигани қурилар эди.

Меъморчилик биноларини безатишда ҳам асосан тяга, лепка, бўртма тасвир каби Европача безатиш услуби қўлланилар эди.

Бу даврларда Европада ишлаб чиқарилган арзон нархдаги истеъмол буюмларини кўплаб олиб келиниши сабабли, халқ ҳунармандчилиги ҳам сустлаша борди.

Лекин биноларни безатишда деворий рангтасвир, рельефли хайкалтарошлик, жонли зотларни тасвирлаш ривожланди. Портрет,

60 ıa

Эски Ниссадан топилган «Афродита» ҳайкали, Шаҳрихондан топилган «Капители», Халчаяндан топилган «Камон отувчи», «Эркак боши», «Кушон подшоси», Далварзиндан топилган «Кушон шохи», «Донатор калласи», Қўйқирилган қалъадан топилган амалий санъат буюмлари, ҳайкаллар қадимги юнон-эллинистик санъатни Ўрта Осиёда анчагина кенг тарқалганидан далолат беради.

Умуман юнонларни Ўрта Осиёга босиб келиши билан кириб келган юнон-эллин санъати ва маданияти Грек-Бақтрия давлати парчаланиб кетгандан кейин ҳам Ўрта Осиё санъати мазмунида узоқ йиллар сақланиб қолди. Унинг таъсирида Ўрта Осиёда санъатнинг янги турлари пайдо бўлди. Маҳаллий меъморчилик, амалий санъати ва ҳайкалтарошлик санъатини ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

❽

МАВЗУ

кушон даври санъати ва меъморчилиги

1. кушон подшолиги даври

Тарих шоҳидким, эрамиз бошларида Грек-Бақтрия давлатини парчаланиши билан Ўрта Осиёда Кушон давлати шаклланди. Бу давлатни асосчиси Кадзулла Кадфиз бўлиб, ўзини Кушон давлати ҳукмдори, мамлакат пойтахти Далварзинтепа деб эълон қилади. Кадфиз мамлакат сарҳадларини кенгайтириб, Парфия, Афғонистон, Кашмир ерларини ўзига бўйсундириб олади. У 80 ёшида вафот этади. Ўрнига ўғли Вима Кадфиз подшоҳлик қилади. Вима даврида Покистон ва Ҳиндистон ерларини ўзига қўшиб олади. Вимадан сўнг давлатни Книшка бошқаради. Книшка даврида Суғдиёна, Хоразм, Чоч, Фарғона ерларини Кушон давлатига бирлаштиради.

Книшкадан кейин мамлакатга Васишка, Хивишка, Васудевалар подшохлик қиладилар. Мамлакатни ташқи савдо, маданий алоқаларни кучайтиради. Мамлакатда 3 та шаҳар бирин-кетин унинг пойтахти бўлган.

I – Кушон шаҳри (Наманган вилояти Косонсой шаҳри ўрнида)
II – Кушон шаҳри (Самарқанд вилояти Каттақўрғон ўрнида)
III – Кушон шаҳри (Қашқадарё вилояти Кеш-Шаҳрисабз ўрнида)

Бу давлатни чегара сарҳадлари Каспийдан Хитойгача бўлиб, унда узоқ йиллар тинчлик-осойишталик ҳукм суради. 4-асрга келиб, Эрон подшоҳларининг ҳарбий юришлари ва мустамлака

халқларнинг милий озодлик йўлидаги курашлари Кушон давлатини парчаланиб кетишига олиб келади. 4-асрда Кушон давлати бир неча подшоҳликларга бўлиниб кетади.

2. кушон санъати, маданияти ва меъморчилиги

Кушон подшолиги таркибида яшаган кушон халқлари ўзига хос санъат ва маданият яратдилар. Бу санъат ва маданият 1-3 асрларга мансуб бўлиб, географик жиҳатидан Ўрта Осиёнинг турли ўлкаларида яшаган, ҳар хил анъаналарга эга бўлган халқларни бирлаштирган. Лекин бу санъат ва маданият мамлакатнинг ҳамма вилоятлари учун ягона бўлмаган. Кушон санъати ва маданияти, меъморчилиги анъаналари Ўзбекистон территориясида Айритом, Бозорқалъа, Далварзин, Зартепа, Термез, Кўхна Вос, Хайриобод, Фарғона, Косонсой каби Ўзбекистоннинг ўнлаб вилоятлари ва Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг қатор штатларида кузатилади.

Бу давр меъморчилигида мустаҳкам истеҳком қалъалар, ибодатхоналар, тураржой бинолари, аркларни ўзига бирлаштирган шаҳарлар бунёд этилади. Шаҳарлар қалин деворлар билан ўралган. Бинокорлик ва бошқа қурилишларда хом ғишт ва пахсалардан, жанубий шарқда тошлардан фойдаланилган.

Кушонлар санъатида амалий санъат анча юксак даражада ривожланади. Зеб-зийнат буюмлари, меҳнат қуроллари, жанг аслаҳалари ясаш, матолар тўқиш яхши ривожланган. Камон, найза, ханжар, тош отиш қуроллари кўплаб ишлаб чиқарилган. Кушон даврини ўрганиш бўйича археологик тадқиқотлари бу даврда халқ турли диний қарашларга эга бўлганлар. Зардўштийлик, буддизм, хиндуизм каби динларга сиғинилган.

Кушон санъати ва маданиятида кўплаб тангалар ишлаб чиқарилганлиги кузатилади. Кушон тангаларини орқа томонига турли худоларнинг тасвири зарб этилган. Олди томонига подшоҳлар тасвири туширилган. Тангалардаги ёзувлар Грек-Бақтрия алфавитида, Кушон-Бақтрия тилида ифодаланган.

Ўрта Осиёнинг Кушон даври меъморчилиги ва амалий санъатини катта туркум намуналари Сурхондарёнинг Халчаён, Айритом, Далварзин, Қоратепа, Фарғона вилоятлари ва унинг бир қатор манзилгохларида кузатилади.

Кушон меъморчилигини безатишда бўртма тасвирлар ва ҳайкаллардан кенг фойдаланилганлиги аниқланган. Кушон маданияти, меъморчилигидаги карнизларда мусиқа чалувчи созандалар, қўшнай, ноғора, лютна (ғижжак), арфа чалаётган тасвирлар Айритом меъморчилигида кузатилади.

Кушон меъморчилигида тўртбурчак, цилиндр, турли бурчакларга эга бўлган услублар қўлланилган. Бинолар устунли, устунсиз, тепа қисми қозон шаклида ва текис қилиб қурилган. Ҳатто, бино деворларини безатишда деворий суратлардан ҳам фойдаланилганлигини Қоратепа археологияси аниқлаб берган.

Умуман, Ўзбекистоннинг бир қатор Кушон санъати ва меъморчилигига оид топилмалари кушонлар даври санъати ва меъморчилигини ўзига хос ривожланганини ва анча юқори даражада эканлигини кўрсатади.

эвазига масжид, мадрасалар, хоннинг арклари, сарой, ҳашаматли бинолари бирин-кетин қад кўтарарди. Ана шу даврларда Хева қайта дунёга келди. Ичанқалъа, Ташинқалъалар, улар ичида жаҳонга машҳур ўзбек меъморчилигининг буюк обидалари дунёга келди.

XVIII асрнинг бошларида Мовароуннаҳрни III-хонлиги бўлмиш Қўқон хонлиги ташкил этилди. Бу хонлик XVIII асрни охирларига келиб, Мовароуннаҳрни жуда кўплаб вилоятларини ўзига қўшиб олади. 1810 йилларда Тошкент, Чимкент ва Сайрамни ҳам ўзига қўшиб олади.

Қўқонда меъморчилик, ҳунармандчилик ўсди, ёғоч, металл ўймакорлиги, наққошлик, матоларга гул босиш, идиш-товоқларга турли безаклар бериш ривожланди. Маданий ҳаёт тараққий этди. Ғози, Махмур, Гулханий, Увайсий, Нодирабегим каби шоирлар етишиб чиқди. Қишлоқ хўжалиги ўсди, суғориш иншоотлари, масжид ва мадрасалар қурилди. Худоёрхон арки, шаҳар арки, қўрғони (12 дарвозали) қурилди. Кўплаб кўча, карвон саройлар бунёд этилди.

Хуллас, Ўрта Осиёнинг Бухоро, Хева ва Қўқон хонликлари XIX асрнинг бошларида санъати, маданияти ва меъморчилиги анча ривожланган, мустақил идора қилиш услубига эга бўлган шарт-шароитга эга эди.

XIX асрни II-ярмига келиб, Россия Ўрта Осиёни ўзининг хом ашё базасига айлантириш мақсадида уни босиб олиш режаларини ишлаб чиқади ва бу режани амалга оширишга киришади.

Русларни Ўрта Осиёга босиб келиши XIX асрнинг 60-йилларидан бошланди. 1867-68 йилларда Тошкентни, Қўқон хонлигини, Бухоро хонлигни ярмини босиб олади ва Туркистон Генерал губернаторлигини ташкил этади. Руслар 1868 йили Бухорони, 1873 йили Хева хонлигини босиб олади. Россия Бухоро ва Хева хонликлари билан битим тузади, лекин бу битимга кўра ҳар иккала хонлик ўз ҳуқуқидан тўла маҳрам бўлган эдилар.
Россия Ўрта Осиёни босиб олишида жуда қаттиқ қаршиликларга учрайди. Айниқса, Тошкент, Бухорода жуда қаттик қаршиликларга дуч келади. Бунга Тошкент ҳимоячиларининг Оқ масжиддаги, Бухоро ҳимоячиларининг Зарабулоқдаги қаҳрамонликлари мисол бўлади.

2. ўрта осиё – ўзбекистонга европа санъати ва маданиятини кириб келиши

Маълумки, Ўрта Осиёни босиб олиш Россия учун ғоят зарур эдиким, бу Россия иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга эди. Шу боисдан Пётр I дан бошлаб, рус ҳукмдорларини Ўрта Осиёга кўз олайтиришлари бошланган эди. Шунга кўра русларни Ўрта Осиёга 1717, 1839, 1852, 1853 йилларда уюштирган ҳарбий юришлари муваффақиятсиз чиқади.
Ниҳоят режани амалга ошириш учун Россия тиш-тирноғигача қуролланган кўп сонли қўшин билан очиқчасига 1867 йилдан бошлаб катта-катта талофатлар бериб, Ўрта Осиёдаги тарқоқ ҳолдаги 3 та хон

МАВЗУ

ўрта осиёга европа санъатининг кириб келиши

1. ўрта осиё хонликларини россия томонидан босиб олиниши даврида санъат ва маданият

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда XVI асрда Бухоро ва Хева хонлиги, XVIII асрда Қўқон хонлиги ташкил этилган.

Шайбонийлар бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириб, Бухоро хонлигига асос солади. Абдуллохон-II даврида хонликни иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти анча яхши ривожланади. Санъат ва маданиятга эътибор беради. Савдо-содиқ ўсиб боради. Олтин ва кумуш тангалар зарб этилади. Суғориш иншоотлари, йўллар, кўприклар, карвон саройлар, бозор-тимлар, масжид ва мадрасалар ва мақбаралар қурилади. Меъморчилик билан бирга амалий санъатни нақкошлик, ўймакорлик турлари ривож топади.
Халқ амалий санъатнинг бошқа турлари зардўзлик, заргарлик, кандакорлик каби унинг 60 тури ривожланади. Металл буюмлар, ипгазламалар, ипак матолар, аъло сифатли қоғозлар ишлаб чиқилади.
XVII-XVIII асрларда ҳам Бухоро хонлигида (1753 йилдан Бухоро амирлиги ташкил топган) ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, бадиий ижод ва меъморчилик, рассомчилик ўзига хос йўналишда ривожланаверади.
1645 йилдан Хева Хоразмни пойтахти бўлиб, шу даврдан Хоразм – Хева хонлиги деб атала бошланади.
Бу даврларда Хоразм иқтисодий жиҳатдан таназзулга учраган эди. Хева хонлиги ташкил этилиши ҳам аҳволни ўзгартира олмади. Аҳоли ҳам хонавайрон бўлиб, солиқларни хеч ким тўлай олмас эди. Буларнинг ҳаммасини бош сабаби мамлакатдаги уруш-жанжаллар, хокимият учун курашлар эди. Шунга кўра бу даврларда санъат, маданият ва меъморчилик яхши ривожлана олмади.
Бу даврга оид «Араб Муҳаммад» ва «Хуржун» мадрасаси, шунингдек, «Анушахон» ҳаммоми қурилди, холос.
XIX асрни бошларига келибгина Хева бироз тинчитилди. Муҳаммад Раҳимхон вилоятлардан ва халқдан оладиган солиқларни тартибга солди. Хазинани бойитди. Савдо-сотиқ йўлга қўйилди.
Пойтахтни безатиш, уни қурилишлари, санъати ва маданиятини қайта эътибор берди.
Хевада катта-катта қурилишлар олиб борилди. Санъат ва маданият равнақ топди. Хевадаги ҳашаматли қасрлар, бинолар қурилиши меҳнаткаш халқни эзиб ташлади. Чунки, бу даврда солиқ турлари шунчалик кўпайдики, уларни саноғи йўқ эди. Меҳнаткашлар [illegible]ёнлар кўтарар эдилар. Халқнинг ғоят оғир меҳнати ва солиқни

б бориши

МАВЗУ

афросиёб санъати ва меъморчилиги

1. афросиёб ҳақида умумий маълумотлар

Афросиёб – Самарқанднинг қадимий шаҳар ўрни. Афросиёб эр.авв. 6-5 асрларда шаклланган ва Суғдиёнанинг марказий шаҳарларидан бири бўлган. Афросиёб халқ орасида машҳур, афсонавий шахс – подшох, халқ қаҳрамони бўлиб, шаҳар унинг номига қўйилган.
Афросиёб шаҳри – Фирдавсийнинг «Шахнома» асарида туронлик қаҳрамон, саркарда сифатида тавсирланади. Афросиёб қадимдан дунёга машҳур шаҳар бўлиб, унинг санъати, маданияти, меъморчилиги беқиёс ривож топган, ғоят бой, халқи маданиятли, юксак маънавиятли ҳолда танилган.
Археологик тадқиқотлар берган маълумотга кўра Афросиёб – эр.авв. 6-5 асрларда вужудга келган ва Суғдиёнанинг энг гўзал, кўркам, бой, санъати ва маданияти юксак даражадаги – марказий шаҳрига айланган. Шаҳарни эр.авв. 329 йили Македонский забт этади ва вайронага айлантиради. Юнонлар бу шаҳарни «Мароканда» деб аташади.
Афросиёб қайта тикланади (Кушонлар даври).
712 Афросиёбни араблар лашкарбошиси Қутайба катта қўшин билан босиб олади. Шаҳарга ўт қўяди. Маданий ёдгорликларни қиличдан ўтказиб, ер билан яксон қилади.
Афросиёб 9-асрдагина ўз қаддини қайта рослайди. 9-асрда мамлакатни Сомонийлар бошқаради. Сомонийларни пойтахти Бухоро бўлиб, Афросиёб ҳам сомонийларнинг асосий ва марказий шаҳарларидан бирига айланади. Шаҳарда катта меъморчилик қурилишлари, савдо-сотиқ, санъат ва маданият яна ривож топади.
Аммо 1220 йили Чингиз бошчилигида беҳисоб мўғул қўшинлари Ўзбекистон ҳудудларига бостириб келади. Афросиёбни Чингизхон талаб, ўт қўяди. Бутун маданий бойликлар вахшиёна йўқ қилинади. Афросиёбни сув билан таъминловчи «Кумуш ариқ» бузиб ташланади сувсиз қолган Афросиёб қайта тикланмайди.
1370 йили Амир Темур Самарқанд атрофини қалин девор билан ўради. Афросиёб бу девор ичига кирмади. Шундан сўнг Афросиёб қадимий харобага айланди. XIX-XX асрларда археологик манзилгоҳ бўлиб, бутун дунё археологлари диққатини ўзига тортиб келмоқда. Чунки, Афросиёб археологияси Ўзбекистон, Ўрта Осиё, бутун Шарқ оламининг ғоят кучли цивилизацияси тарихи ҳақида 2,5 минг йиллик маълумотларни ўз бағрида сақлаб ётибди.

2. афросиёб санъати
(деворий расмлари ва кулолчилиги)

Афросиёб археологияси кузатишлари шуни кўрсатадики, шаҳар санъати, маданияти ва меъморчилиги эр.авв. 6-5 асрларда, Суғдлар даври эрамизнинг 1-2 асрларида (Кушон даври), 5-7 асрларда (ихшидлар даври), IX-X асрларда (Самонийлар даврида) ғоят юксак даражада ривожланди. Шаҳарни юнонлар босиб олгандан сўнг, уни санъати ва меъморчилиги тез орада қайта тикланиб, ривожлана бошлайди. Бунга қўшимча ҳолда шаҳар қурилиши ва амалий санъатида юнон-элин санъати кучайиб боради. Унга юнонлар «Мароканда» деб ном берадилар. шаҳар Македонскийдан сўнг, ўзининг тасвирий, амалий, меъморчилик санъати ривожи билан яна шарқ оламида катта шаҳарлардан бири бўлиб қолди.
Эрамизни 1-2 асрларида кушонлар маданияти ва меъморчилиги тараққий этди. Бу даврда тасвирий санъатни ҳайкалтарошлик тури ҳам ривожланади. Бу ердан «Митрасиявуш», «Дионис», «Мевали маъбуда», «Қанотли маъбуда» каби террекоталар топилиши Афросиёб ҳайкалтарошлигидан дарак беради.1
Афросиёб санъатида деворий расмлар алоҳида эътиборда бўлиб, улар эрамизнинг 5-7 асрлари тасвирий санъати тараққиётини очиб беради. Афросиёб саройи деворларидаги турли тема ва сюжетларда расмлар ишланган. Расмларда тўй маросимлари, ов манзаралари, дарёда чўмилиш композициялари юксак маҳорат билан ишланган. Шунингдек, деворий расмларда филлар, отлар, куёв-шох, келинмалика, канизаклар, суғд тилидаги ёзувлар ифодаланган. Расмлардаги уч аёлдан бирининг тасвири яхши сақланган. Аёл қизил куйлакда, сариқ лозимда, оқ кулранг рўмол, оёғида қора этик тасвирланган. Деворий композицияларда ўша даврнинг қурол-аслаҳалари, қушлар, турли зеб-зийнатлар, амалдорлик либослари, оғзини беркитиб олган хизматкорлар ва бошқа турли тоифадаги кишилар ифодаланган.

[1] (Л.Рempель. Цеп веремен. Т. 1987 й).

Меҳмонхона деворларидаги расмларда қабул маросими, унда дунёнинг турли мамлакатларидан келган элчилар тасвирланган. Қабулхона расмлари шунчалик аниқ ишланганки, улар қайси мамлакат элчиси эканлигини англаб олиш мумкин. Композицияда элчилар, улар кўтариб олган совғалар, итлар, қушлар, қурол-аслаҳалар жуда моҳирлик билан тасвирга олинган.
Яна бир расмда денгизда балиқ, тошбақа, ўрдаклар сузиб юрибди. Қирғоқда болалар, аёллар, отдан тушиб турган эркак киши тасвирланган.
Яна бир расмда тўқайзорда йўлбарс ови тасвирланган. Йўлбарсга найза ураётган ғолиб яхши тасвирланган. Бу ерда қайиқда сузиш ифодаланган бўлиб, кишиларнинг ҳаммаси яхши кийинган.
Афросиёб деворий расмлари қават-қават қилиб ишланган бўлиб, улар турли даврларга мансублигини англаш қийин эмас.
ларини бироз кенгайтиради. Хон Олимхон даврида Тошкент, Чимкент, Сайрамни (1803-1809 йиллар) Қўқон хонлигига қўшиб оладилар.
Сулоланинг авлодлари ўртасида тахт учун кураш Қўқон хонлигини тинч ривожланишига имкон бермайди. Шунга кўра хонликка Муҳаммадхон, Норбутабий, Олимбек, Умархон, Муҳаммад Алихон, Шералихон, Муродхон, Худоёрхон, Маллахон, Шомуродхон, Сайдхон каби ўндан ортиқ хонлар ҳукмронлик қилдилар.
Қўқон хонлигида санъат, маданият ва меъморчилик яхши ривожлана олмади.
Аммо Қўқон шаҳри 10-асрларда ташкил топган бўлиб, ўша даврда Қадимги Ҳинд, Хитой карвон йўлида жойлашган. Шунга кўра шаҳар XIII асрда тўла шаҳар типида мавжуд бўлган. Уни мўғуллар хонавайрон этганлар. Лекин Қўқон халқи ўз шаҳрини тезда қайта тиклаб оладилар. XVIII асрда Қўқон мустаҳкам қалъа ичига олинган, уни 12 дарвозаси бўлган шаҳар ҳолатига келган.
XVIII асрда Қўқонга Бухородан бир гуруҳ бинокорлар, наққошлар, ганчкорлар, ёғоч ўймакорлари олиб келинади. Улар мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой, кўприклар, йўллар ва бошқа иншоотларни қурадилар. Қўқон меъморчилиги ва уларни безатилишида Бухоро услубига қатъий амал қилинади. Қўқонда «Норбўтабий мадрасаси», «Дахмаи жаҳон» меъморий ансамбли, «Модарихон дахмаси», «Худоёрхон ўрдаси» қурилиб, шаҳар ўрта асрлардаги Ўрта Осиё шаҳарлари орасидан ўзига муносиб ўрин олади.

Бу ерда қурилган бинолар бухороча наққошлик ва ўймакорлик, сирли ғишт ва кошинлар, пештоқли, гумбазли, минорали қилиб бунёд этилади. Худоёрхон ўрдаси ўз даврининг ғоят юксак маҳорат билан яратилган меъморий иншоотидир (1860-70 й.й.).
Ўрдада хоннинг қабул маросими, кенгашлар учун хоналар, қурол-аслаҳа омборлари, хазинахона ва хон оилалари учун турар жойлардан иборат бўлган бир бутун меъморий ансамбл бунёд этилади.
Жомеъ масжиди кўп устунли, кенг, баланд айвонлар билан бунёд қилинган бўлиб, улар ҳам рангли нақшлар, ганч ва ёғоч ўймакорлиги билан безатилган (1812 й.).
XVIII-XIX асрларда Қўқон хонлигига қарашли Тошкент, Чимкент, Сайрам, Андижон, Фарғона ва Наманган шаҳарларида ҳам мадраса, масжид, мақбара, бозор, йўл ва кўприклар, сардобалар қурилади. Карвонсаройлар, ҳаммомлар, турар жой бинолари бунёд этилади.
Хуллас, Қўқон хонлиги қисқа тарихий даврни ўз ичига олиб, бу даврда мамлакатни юқори табақадагилар кўпроқ тахт учун кураш олиб борган бўлсаларда, хонликнинг ижодкор халқи ўз санъати, маданияти ва меъморчилигини яратиб, ўзларининг санъати ва меъморчилиги тарихини бунёд этиб келдилар.
Ўрта асрларда Қўқон хонлиги маданияти, адабиёти ҳам яхши ривожланиб, бу ерда Гулханий. Муқимий, Фурқат, Увайсий, Нодира ва Машраб каби шоиру-алломалар ўзларининг ижодий-адабий мерosларини қолдириб кетдилар.
Ичанқалъа ғоят юксак санъат билан безатилди. Биноларни ташқи безагига ҳам алоҳида эътибор берилди. Рангдор кошинлар, пишган ғиштлардан турли-туман гўзал безаклар ишланди. «Олло қулихон», «Хуржун мадрасаси», «Жума масжиди» қурилади. Бу даврда қурилган мадраса, масжид, мақбараларни ташқи кўринишида жимжимадор кошинлар ғоят чиройли бўлиб, қуёш нурида товланади.
Хева хонлигида «Ичанқалъа», «Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси», «Муҳаммад Аминхон» мадрасаси ва «Калтаминор», «Паҳлавон Маҳмуд» мақбараси (қайта қурилган), «Шерғозихон мадрасаси», «Анушахон» мадрасаси ва ҳаммом, «Тошҳовуз», «Исломхўжа минораси», «Жума масжиди», «Қутлум мурод» мадрасаси каби кўплаб меъморий ансамбллар бунёд этилган-ким, булар Хева хонлигини меъморчилигини асосини ташкил этади.
Булардан ташқари Хева халқ амалий санъати намуналарига дахмалар, панжаралар, устун ва сахн-интеръерларни бадиий безатилиши

ҳам кириб, улар ўзининг композицион тузилиши, ранг уйғунлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир.
Хева меъморчилигида миноралар, гумбазлар, пештоқлар, устунлар, панжаралар, дахмалар ўзининг тузилиши ва қурилиши, композициясига кўра алоҳида нақшлар, ўймакорлик намуналарини ифода этади. Улардаги нақшлар, ёзувлар, тасвирлар ҳам ўзининг миллийлиги, майинлиги, композицияси ва ранг тонлари билан ажралиб туради.
Хева меъморчилиги, амалий ва бадиий санъатида намунали ижод қилган халқ усталари, меъморлар, наққошлар, ўймакор, тоштарошлар ўз услубига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мактабини яратганлар.
Мулла Нурмуҳаммад уста Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Ниёз, Абжаббор ўғли, уста Абдулла, Сўфи Амир Кулол, Усто Худойберган ҳожи каби юзлаб наққош, ўймакор ва рассомчилик усталари ижод қилганлар. Лекин халига қадар одамларни, жаҳон сайёхларини лол қолдира оладиган Хева-Хоразм санъати устолари, рассом - меъморларининг номлари аниқланмаган. Бу соҳадаги тадқиқотлар ҳам ўз тадқиқотчиланини кутиб ётибди.
Қадимги Хоразмни ҳали тадқиқ этилмаган тасвирий, амалий ва меъморчилик санъати қаторига Хева хонлиги даври ҳам қўшилади.

2. қўқон хонлиги санъати, маданияти ва меъморчилиги

Яқин кунлар тарихимиз гувоҳлик берадиким, XVIII-XIX асрларда асосан Фарғона водийсига ҳукмронлик қилган феодал давлат – бу Қўқон хонлигидир.
Қўқон хонлигига 1710 йили Минглар қабиласидан чиққан Шохрухбий асос солади ва унинг сулоласи ҳукмронлик қиладилар.
Хонликка 1721-1740 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Раҳимбий Хўжанд, Андижон, Марғилонни босиб олади ва хонлик чега-

пас, Афросиёб тасвирий санъатининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи деворий расмлар ўзининг тематикаси, композицион ечими, сюжетларни тўлалиги, деталарни кўплиги, рангларни уйғунлиги билан ўзига хос, бир бутун, тугалланган ва юксак маҳорат билан ишланган санъат асарларидир. Буларнинг барчаси рассомларни анча юқори малакали эканлиги ва маълум бир мактабдан ўтганлиги яққол кўзга ташланади.
Афросиёб санъатида унинг кулолчилиги тури ҳам ўзига хос бадиий мазмун ва моҳият кашф этади. Афросиёбни археологик қазишлар натижасида турли даврларга оид, турли услубларда яратилган кулолчилик буюмлари топилган.
Афросиёб кулолчилигида дастлаб буюмларга турли тасвир нақшлардан бошлаб, қушлар, ҳайвонлар тасвири безаг ўрнида қўлланилганлиги кузатилади.
X-XIII асрларда Афросиёб кулолчилигида грих, ислими нақшлар, турли бадиий буюмлари – мевалар, паррандалар тасвирларидан фойдаланилган. Ўрта Осиёга ислом динини кириб келиши билан араб алфавитидан ҳам фойдаланган. Бу сўзлар аҳлоқий чақириқлар, яхшиликка ундовчи сўзлардан иборат бўлган.

3. афросиёб меъморчилиги

Афросиёбни археологик тадқиқотлари берган маълумотларга кўра, шаҳар бир неча бор қайта-қайта қурилган. Чунки, тарих шоҳидким, эр.авв. 329 йил юнон босқинчилари Афросиёбни бутунлай вайрон этганлар. Археологлар шаҳарни II-III қурилишинигина тўла аниқлай олганлар. Бу бинолар топилмаси эрамиз бошларида I-III асрларга (Кушон даври) ва 5-7 асрларга тааллуқлидир. 5-7 асрларда қурилган катта саройни очилганда, бу бинони тўрт бурчак, икки қаватли қилиб қурилгани ва сарой деворлари деворий рангтасвир, бўртма тасвирлар асосида безатилгани, кўп хоналардан иборат меъморий ансамбл ҳолатида эканлиги аниқланган
Саройда қабул хонаси, меҳмонхона, турар жой хоналари ва бошқа турли тадбирларга мўлжалланган хоналар бўлганлиги кўрсатилади.
Шаҳарда ибодатхона, ишратхона ва турар жой бинолари бўлган.
Афросиёб тўла шаҳар типидаги кўчалар, бинолар ҳам бир-бирига уйғунлаштирилган ҳолда қўрилган. Бундан кўриниб турибдики, шаҳар махсус режа асосида қурилган.
Афросиёбда 30 дан ортиқ бинолар аниқланган. Биноларни ҳар 3-4 таси бир ансамблга бирлашган. Шаҳар меъморчилиги: «Қадимги Хисор», «Қадимги қўрғон», «Кўхна Хисор»дан иборат бўлган 3 қисмга бўлиб ўрганилади. Шаҳар марказида Ихшид саройи жой-

лашган. Шаҳар аввал бир қаватли бинолар билан, сўнгра икки қаватли бинолар билан ташкил этилган.
Афросиёб меъморчилигини асосий материали тош, ғишт, ёғоч бўлган. Афросиёб қалин девор билан ўралган, деворни баландлиги 8-10 метрн бўлиб, ҳар 200 метрда ташқарини кузатиш балконлари бўлган. Қалъани 6 томонида дарвоза бўлиб, девор ташқарисида лаҳм ковланиб, уни сув билан тўьлдирилган. Шаҳарга кўтарма ариқ «Кумуш ариқ» қурилиб, шу ариқ орқали сув олиб келинган.
Афросиёб меъморчилигини сўнгги қурилишларини Чингиз томонидан бутунлай бузиб, ёқиб ташланган.

4. афросиёб археологияси

Афросиёб – ғоят катта ва бош археологик материалларга эга бўлган манзилгоҳдир. Афросиёбни ва Самарқанд вилоятини археологик жиҳатдан ўрганиш учун В.Бертольд ва В.Вяткин бошчилигида 1904-17 йилларда ва А.Якубовский раҳбарлигида, 1966 йилдан Я.Ғуломовлар раҳбарлигида махсус экспедициялар мунтазам ҳолда тадқиқот ишларини олиб бордилар.
Афросиёб манзилгоҳини археологик жиҳатдан ўрганиш ишида биринчи бўлиб 1913 йили В.Вяткин Афросиёб деворий расмларини ўрганиб чиқади.
1965 йили И.Ахроров, Ж.Мирзаахмедов, Я.Ғуломов, В. Шишкинлар Афросиёб археологияси билан шуғулланиб, унинг санъати ва маданияти, меъморчилигига оид янгидан-янги материаллар топадилар. Бу тадқиқотда санъатшунос олим Л.Ремпель ҳам иштирок этади. У санъат асарларини тадқиқ этишда катта хизмат қилади.
Археологик тадқиқотлар Афросиёбни эр.авв. 6-5 асрларда шаклланганлиги ва тўла шаҳар маданиятига ўтганлигини илмий жиҳатдан исбот этадилар.
Сўнгра, Афросиёбни Македонский юришигача бўлган ва элинлар давридаги, грек-Бақтрия, Кушонлар даври, Самонийлар даври ва мўғуллар истилосигача бўлган даврларининг санъати, маданияти ва меъморчилиги тарихини илмий жиҳатдан асослаб бердилар.
Бу ўринда Афросиёбни энг қадимги эр.авв. 6-5 асрларга оид санъати ва маданиятини гуллаб яшнаган даврини, сўнгра юнон-эллин санъати давридаги ривожланишини, Юнон-Бақтрия даври ва Кушон, самонийлар даври санъати, маданияти ва меъморчилигининг тарихий тараққиётини ўз даври бўйича ўрганиш учун зарурий илмий ва ашёвий метериалларни топилганлигин алоҳида қайд этиш лозим. Бу ўринда рус археолог-тадқиқотчилари билан бирга ўзбек археолог-олимлари ҳам ғоят самарали ижод қилдилар.

кўрсатди. Бу ерда Маҳмуд Музаххиб, Абдулла Бухорийларнинг миниатюра мактабларида кўплаб рассомлар етишиб чиқади ва ижод қиладилар. Бухоро арки милоднинг бошларида курилиш бошланган бўлсада, у шайбонийлар даврида ансамбл шаклига келди. Аркнинг масжиди ва дарвозалари қайта курилади.
Бухоро хонлиги даврида (1500-1753 й) жоме масжиди, Мир Араб мадрасаси, Мадарихон, Абдуллахон, Кўкалдош, Говкушон, Қушбег, Марахон, Махмуд Парсо мадраса ва ансамбллари курилади. Шунингдек, Чорбакир, Регистон (қайта курилади), Болаҳовуз масжиди, Худайдод комплекслари курилади. Бундай меъморий иншоотларни курилишида наққошлик, ўймакорлик санъати кенг қўлланилди. Бухородаги диний ва бадиий-илмий асарларни қайта тиклаш, нусха кўчириш – хуллас китоб санъати ҳам яхши ривожланди. Дехлавий, Жомий, Навоий, Фирдавсий, Низомий, Саддийнинг асарлари кўплаб нусхада кўчирилади. Уларни миниатюраларини Бухоро мусаввирлари ишлаган. Хуллас, Бухоро хонлиги даврида санъат, маданият ва меъморчилик ўзига хос характерда ривож топди.

2. хева хонлиги даврида санъат ва меъморчилик

XVI асрда Ўрта Осиёда иккита хонлик бўлиб, улардан бири Бухоро ва иккинчиси Хева хонлиги эди.
Тарих шоҳидким, Хоразмдаги сув ўзанларини ўзгариб, бузилиб туриши оқибатида Урганч (Гурганж) XVI-асрга келиб бутунлай четда, ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Ана шу даврдан бошлаб Хева Хоразмни пойтахти вазифасини бажарар эди. XVI-XVII асрларда Хева хонлиги ташкил топади. Аммо бу даврларда Хоразмдаги

ўзаро уруш ва жанжаллар Хоразм халқини ғоят қашшоқлашишига олиб келади. Бу даврда савдо-сотиқ пасайиб, ҳунармандчилик, санъат ва маданият ҳам ғоят оғир аҳволга тушган эди. Бу аҳвол XVIII асрнинг I-ярмигача давом этади.

Хеваликлар 1741 йили келгинди-ажнабийларни ҳайдаб чиқарадилар. Лекин аҳвол яна ўзгармайди. Аҳвол шу даражага етдиким, аҳоли уй-бино қуриш ўрнига қўрғон-қалъа қуришга ўтдилар. Чунки, Хевада хеч ким хотиржам ухлай олмас эди. Фақат Хева Муҳаммад Раҳимхон давридагина ўзига кела бошлади. Раҳимхоон хонликни барча вилоятларини, Орол бўйи ва Қўнғирот элини ҳам ўзига қатъий тобеъликка ўтказди. Муҳаммад Раҳимхон ўз юришлари натижасида хазинани бойитди, солиқларни тартибга солди, пойтахтни санъати, маданияти ва меъморчилигига эътибор берди.

Ичанқалъа қурилиши бошланди, унда қурилиш жадал олиб борилди. Хевада ҳашаматли саройлар, мадраса, мақбаралар қурилди. Уларни ғоят кучли, жим-жимадор нақшлар билан безатилди. Сарой ва мадрасаларни безатишда моҳир наққошлар, рассомлар ишлади. Бу даврда деворлар нақшлар билан, устун, эшик, дераза
55
ўймакорилк билан безатилди.

манзиллари вужудга келди. Эски шаҳарларда қурилиш суръати пасайди, янги шаҳарлар қурилиши Европача услубда кучайиб борди.

18

МАВЗУ

ўрта осиёда бухоро, хева ва қўқон хонликлари санъати, маданияти ва меъморчилиги

1. бухоро хонлиги санъати, маданияти ва меъморчилиги

Бухоро хонлиги. 1500-1753 йилларда ҳукмронликда бўлган Ўрта Осиёнинг йирик феодал давлати эди.

Бухоро хонлигига Муҳаммад Шайбонихон асос солади. Уни қисқа муддат Бобур бошқаради, лекин кўп ўтмай 1512 йили хонликни яна

Шайбонийхонлар эгаллайди. 1556 йилдан Бухоро хонлиги Абдуллахон қўлига ўтади. Бухоро хонликни пойтахти бўлади.

Бухоро хонлиги Абдуллахон даврида бирмунча кенгайди ва ривожланди. Абдуллахон Бухоро хонлигини Фарғона, Хуросон, Хоразм, Бадахшон каби ерларгача кенгшайтириб борди. Хонлик каттагина давлатга айланди.

Бухоро хонлиги шайбонийлар даврида иқтисодий, маданий ва ишлаб чиқариш асосида яхши ривожланди. Ички ва халқаро савдо-сотиқ, маданий алоқалар ўсди. Бухоро хонлиги Россия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Эрон каби мамлакатлар билан алоқа қиларди.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, чорвачилик тез ривожланди. Каналлар, сув тақсимлагич, сув сақлагич омбори (водохранилище), йўл, кўприклар қурилди. Шу даврда экиладиган бўгдой нави 10 турга этди.

Мамлакатда меъморчилик, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик жуда яхши ривожланди.

Самарқандда халқ ҳунармандчилигини тури 60 дан ортиб кетди. Бу ерда «аъло» сифатли қоғоз, металл буюмлар, ип ва ипак газламалар тўқилди.

Самарқанд, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарларда меъморчилик яхши ривожланди. Меъморчилик билан бирга амалий санъатнинг наққошлик, ёғоч, ганч ўймакорлиги, тоштарошлик, чеканка, заргарлик, зардўзлик турлари ривож топди. Шаҳарларда масжид, мадраса, хонақо ва карвон саройлар, тимлар, сардобалар қурилди. Улар амалий санъат асосида безатилди.

Бухоро хонлиги даврида миниатюра санъати ҳам яхши ривожланди. XV-XVII асрларда Бухоро миниатюра мактаблари яхши фаоли-

10

МАВЗУ

турк ҳоқонлиги даври санъати

1. турк ҳоқонлиги даври

Турк ҳоқонлиги – 552-745 йилларда Олтой, Еттисув, Марказий Осиёдаги турк қабилаларини бирлаштирган илк феодал давлат.

460 йили Жужан хонлиги қадимий турк қабилаларини ўзига тобеъ қилиб, уларни Шарқий Туркистондан Олтойга кўчириб юборадилар. Кейинчалик ўша турклар бирлашиб, катта кучга айланадилар ва 545 йили уйғурларни, 551 йили жужанларни енгиб, 555 йили Марказий Осиёни, Енисейдаги қирғизларни, Манжурия киданларини енгиб ва ниҳоят Эфталитлар давлатини мағлуб этиб, Ўрта Осиё, ҳозирги Туркияни, кейинчалик Шимолий Хитойни ўзига қарам қилиб олади ва турк ҳоқонлиги давлатини барпо этади. Кейинчалик бу давлат Эронни, Керчни, Боспорни эгаллайди. Сўнгра, Шарқий ва Ғарбий ҳоқонликка бўлиниб кетади. Шарқий ҳоқонлик Марказий Осиёда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олади. Ҳар иккала ҳоқонлик VIII асрни ўрталаригача яшаб келади. Ғарбий турк ҳоқонлиги Ўрта Осиёнинг Каспийдан Шарқий Туркистонгача бўлган империяни эгаллаб олади. Унга Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Чоч, Чоржуй, Сайрам. Еттисув киради. Улар VIII асрни II-ярмида Шимолий қўшинларни ҳужуми ва ички зиддиятлар сабабли парчаланиб кетади.

2. турк ҳоқонлиги даври санъати ва маданияти

Турк ҳоқонлиги даврида шаҳарлар қурилиши авж олади. Ўрта Осиё Турк ҳоқонлиги даврида савдогарлар мавқеси анча кўтарилади. Улар Византиядан тортиб Узоқ Шарқ, Ғарбий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ қиларди. Бу даврда Фарғона ва Суғдда олтин, киновор, мис, темир, Илоқда қўрғошин, кумуш, олтин, Шаҳрисабзда ош тузи қазиб олинган. 6-7 асрларда бой оилалар ўзларига қаср-қўрғон қуриш одатга айланган.
Тупроққалъа, Болаликтепа, Варахша, Афросиёбда санъат, маданият ва меъморчилик санъати яхши ривожланди. Мусиқа ривожланди. Торли асбоблар, думбура, карнай, сурнайлар қўлланилди.
Аҳоли орасида суғд, хоразм ёзуви билан бирга урхун енисей ёзувлари ҳам кенг тарқалди. 5 ёшга тўлган болаларга (ўғил болаларга) ёзув ва ҳисобот ишлари ўргатилди. 20 ёшга тўлган йигитлар савдо-сотиқни ўрганиш учун бошқа шаҳарларга юборилар эди. 6-7 асрларда Ўрта Осиё халқини кўпчилиги оташпарастликда, қисман аҳоли будда, христианлик динига эътиқод қиларди. Бу даврда тасвирий санъат асосан меъморчилик билан уйғкнлашган ҳолда ривожланди. Амалий санъатни кулолчилиги ривожланди. Зебзийнатлар, меҳнат қуроллари, рўзғор буюмлари, қурол-аслаҳалар тайёрланади. Ҳунармандчиликни бошқа соҳалари - газлама тўқиш, турли буюмлар ясаш ривожланиб борди. Хуллас, турк ҳоқонлиги даврида (VI-VII асрларда) Ўрта Осиё санъати ва маданияти ўзига хос характерда ривожланди.

11



араб халифалиги даврида санъат, маданият
ва меъморчилик

1. ўрта осиё араб халифалиги даврида

Араб халифалиги – Арабистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка, Испания, Ўрта Осиё, Закавказияни ўз ичига олган йирик феодал давлат бўлиб, у VII-VIII асрларда шаклланган.
Араб халифалиги VII-асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёга ўз юришини бошлайди. 680 йили Убайдуллоҳ ибн Зиёд Бухорога ҳужум қилади. Бухорони талаб, катта ўлжа билан қайтади. Фарғонага Шох Жарир юриш қилади, аммо енгилиб қайтиб кетади. 706 йилдан Қутайби ибн Муслус катта қўшин билан Ўрта Осиёга кириб келади. У Бухоро, Самарқанд, Хоразмни, сўнгра Фарғонани ва Тошкентни эгаллаб, Ўзбекистон территориясида Араб халифалиги хукмронлигини ўрнатади. Ўрта Осиё аҳолиси арабларга хилма-хил турдаги бож тўлайдиган бўладилар. Кимки ислом динига кирмаса, яна қўшимча солиқлар тўлайди. Аҳоли турмуши ғоят оғир аҳволга тушиб қолади. Оддий халқ оммаси ҳам маҳаллий, ҳам келгиндилар солиғидан ғоят қашшоқлашиб кетадилар.

2. араб халифалиги даврида ўрта осиё санъати,
маданияти ва меъморчилиги

Араб халифалиги даврида Ўрта Осиё ғоят оғир аҳволда қолади. Чунки, бу даврда халқ бошига тушган солиқлар ортиб боради. Халқни мажбуран ислом динига киритиш билан бирга уларни мол-

мулкини ярмини араб қўшинларига ёки халифалик ихтиёрига ўтказилар эди. шунингдек, аҳоли жон солиғи, ер солиғи, закот ва бошқа солиқлар тўлайдиган бўлдилар.

билан маданий ва иктисодий алокани кучайтиради. Унинг айникса Россия билан дипломатик алокаси яхши ривожланади.
1826-60 йилларда Бухорода Носруллохон хукмронлиги булиб, у мамлакатдаги барча хонлик, бекликларни бирлаштириб, ягона давлат ташкил этади.
XVIII асрни бошларида Фаргона видойсида Кукон хонлиги ташкил топади. Кукон хонлиги асрни охиригача Мовароуннаҳрни купгина вилоятларини узига кушиб олади. 1815 йили Тошкент хам Кукон хонлигига кушиб олинган эди.
Ўрта Осиё – Мовароуннаҳр XVI-XVIII асрларда бўлиб утган тусутуполон, жангу-жадаллар бу улкани санъати, маданияти ва меъморчилигида анча тушкунлик холатига сабаб булади.
Лекин шунга карамай Урта Осиёда санъат, маданият ва меъморчилик узига хос характерда ривожланиб келди.
XVII асрда «Шердор» мадрасаси, Самаркандда, XVI асрда Тошкентда «Кукалдош» мадрасаси, Бухорода «Болаховуз» масжиди, «Ситораи Мохи Хоса» саройи, Наманганда «Хужам» макбараси, Хевада Оллокулихон» карвон саройи, «Тошховли», «Нурилла бой» саройи, Куконда Худоёрхон арки, меъморий бинолар курилади.
XVIII-XIX асрларда Хевада «Пахлавон Махмуд», Куконда «Дахмаи Жахон» макбаралари каби юзлаб меъморчилик обидалари курилади.
XVII-XVIII асрлардаги бинолар курилиши ансамбл куринишида булиб, улар бир неча биноларни узида мужассам этарди. Биноларни ички ва ташқи безакларига эътибор кучайди. Айникса, биноларни ички томони гоят юксак наккошлик ва уймакорлик санъати билан безатилди. Бу даврда кулолчилик ва кандакорлик санъати гуллаб яшнади.
Амалий санъатнинг янги-янги турлари пайдо булди. Амалий санъатнинг газлама тукиш ва унга гул босиш, зардузлик, дўппидузлик, чармга бадиий ишлов бериш, заргарлик, мисгарлик, уймакорлик, тоштарошлик каби турлари яхши ривожланди.
Тасвирий санъатни миниатюра тури, китобдустлик санъати хам жуда тез ривожланди.

Мовароуннаҳрни Самарканд, Бухоро, Хева, Тошкент, Кукон, Карши, Шаҳрисабз каби шаҳарларда куплаб саройлар, жамоат бинолари, масжид, мадрасалар курилди, уларни юксак санъат намуналари билан безатилди. Халк хунармандчилигини хамма турлари яхши ривожланди.
Аммо XIX асрни охирларида Ўрта Осиёни руслар томонидан босиб олиниши билан милий санъатнинг инкирози бошланди. Чунки, Россиядан арзон санъат молларини олиб келиниши, махаллий саноат ва бадиий хунармандчиликни ривожига салбий таъсир кўрсата бошлади.
Россияни Ўрта Осиёга хукмронлигини кучайиши оқибатида махаллий-миллий меъморчилик ўрнини Европача бинокорлик услуби эгаллади. Барча шаҳарларда эски шаҳар ва янги шаҳарлар атамаси ва

Унинг Фирдавсийни «Шохнома» асари бўйича ишлаган 115 т
ниатюра асари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институтида сакланмокда. Бу асарлар узининг юксак бадиийлиги, композициялари, ранг-баранглиги билан алохида тахсинга сазовор булган.
Рассом уз асарларида ғоят кучли драматик вокеа-сюжетларни ифодалайди, уз даврининг социал хаётини тулаконли холда ифода этиб беради.
Унинг «Қўзғолон» асарини кузатар эканмиз, асар каҳрамонларини ғоят ишончли ифода этилиб, уларни ғазабкор, ташвишли, шиддатли ва уз максадлари учун кураш майдонида эканликларни юксак махорат билан ифода этилганини курамиз. Асардаги ранглар хам жонли, қўзғолиш рухида берилганлигини кузатилади.
Муҳаммад Мурод Самарқандий ўзининг фалсафий ва социал дунёсини асарларига олиб чика олган рассом булиб, ўрта асрлардаги Ўрта Осиё мусаввирларидан мутлок фарк килади. Чунки, у вокеасюжет мазмунини гояга томон кучайтириб боради. Ранглар, тасвирларга жон ато этади. Унинг ижоди ўрта асрлар санъати ттараккиётида алохидалик хусусияти билан ажралиб туради.
Ўрта Осиёда ўрта асрлар тасвирий санъати ривожланишида К.Бехзод, М.Музаххиб, А.Бухорий, М.Самаркандий каби атокли рассомлар билан бир каторда Мухаммад Нодир Самарқандий, Давлат Мухаммад, Ахмад Махзум (Амад калла лакаби билан), Абдулхолик Маждум каби унлаб етук рассомлар ижод килдилар. Аммо

халига кадар ўрта асрларда ижод килган юзлаб рассом-мусаввирнинг номлари, ижодий фаолиятлари аникланмаган.
Минглаб юксак махорат билан ишланган санъат асарлари борки уларнинг хаммуаллифлари ноаник. Айрим мусаввирларни атиги 5-10 дона асари топилган холос.
Хуллас, Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даври тасвирий санъати, унинг ижодкорлари ва санъат асарлари такдири, шунингдек, санъатимизнинг тарихий тараққиёти ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

3. XVI-XVIII асрларда Мовароуннаҳр меъморчилиги

Тарихий маълумотларга кўра, XVI асрнинг 1-ярмида Ўрта Осиёда – Мовароуннаҳрда темурийлар хукмронлиги якунига етади. Бу Хусайн Бойкарони вафот этиши ва Самаркандда Бобур Мирзони Шайбонийхон томонидан енгиб, сунгра Хирот тахтини эгаллаши билан характерланади.
XVI асрда Ўрта Осиёда Бухоро ва Хева хонлиги вужудга келади. Абдуллахон II-чи Мовароуннаҳрни бирлаштириб олади (1534-98 йй). 1599 йили Мовароуннаҳрда хокимият Аштархонийлар кулига утади. 1740 йили Эрон шохи Нодирбек Бухорога бостириб киради, 1753 йили мангитлар сулоласини биринчи амири Мухаммад Рахон кулига утади. Мухаммад Рахимхон тезда савдо-сотикни ...а куйиб, чет эллар

Араблар кўзга кўринган биноларга ўт қўйдилар, чорва молларини, қўйларни талаб кетдилар, экинзор, дарахтзорларни ёқиб юборилди. талончиликдан чиққан ночор аҳолига солиқлар ёғдириб юборилди.
Ўрта Осиёликларни яқин 1000 йиллик санъати, маданияти ва меъморчилиги ер билан яксон этилди.
Араблар бу соҳада қаттик ислоҳ ўтказдилар. Бу ислоҳга кўра фақат масжид, мадраса, турар жой қуришга рухсат этилди.
Тасвирий санъатни портрет, анамалистик жанрлари, шунингдек, ҳайкалтарошлик қатъиян манъ этилди. Фақат амалий санъат меъморчилик билан ривожлана бошлади.
Меъморчиликда ҳам ислом-араб услуби қўлланиладиган бўлди. Масжид ва мадрасалар қурилди. Улар асосан хом ва пиштган ғиштдан қурилди. Масжид ва мадрасалар безатилишида асосан нақш ва ўймакорлик санъатидан фойдаланилди. Бинолар гумбазли қилиб қурилди. Мақбаралар қуриш ҳам одат тусига кирди.

8-9 асрларда Бухорода ва Афросиёбда бадиий кулолчилик ривожланди. 12-13 асрларда йирик шаҳарларда чилангарлик-мисгарлик ривож топди. Биноларни безатишда бўртма нақшлар, араб алифбосида сўзлардан фойдаланилди. 9-10 асрларда грих нақкошлигига эътибор кучайди. 9-10 асрда «Термизшох саройи», «Қирққиз саройи», Норпойда «Араб ота мақбараси», Бухорода «Мирсаид Баҳром» мақбараси, шунингдек, «Султон Саодат», «Малик Карвон» ансамбллари, Самарқанд (Афросиёбда), Бухоро, Хоразм, Фарғонада кўплаб масжидлар ва мадрасалар қурилди.
X-асргача саройлар шаҳар ташқарисида қурилган бўлса, кейинчалик саройлар шаҳар ичкарисида қуриладиган бўлди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термез шаҳарлари ҳунармандчиликни асосий марказлари бўлди. Бу шаҳарларда қоғоз, кулолчилик, шишасозлик, ёғоч ўймакорлиги ривожланди. Монументал меъморчиликка катта эътибор берилди.
Араб халифалиги ҳукмронлик қилган VIII-X асрларда тасвирий санъатни ривожланиши анча секинлик билан борди. Портрет, анамалистик жанрлар ва ҳайкалтарошлик мутлоқ ривож топмади. Араб халифалигидан Ўрта Осиё чиқиб кетган бўлсада, ислом динини таъсири ўз мавқеини сақлаб қолди. Шунга кўра ўрта асрни XV-асрларигача Амир Темур давригача Ўрта Осиёдаги санъат яхши ривожлана олмади. Фақат меъморчилик ва амалий санъат ривожланди. Лекин тасвирий санъатни портрет ва анамалистик жанрларида рассомлар яширинча ижод қилиб, бу соҳада илмли рассомлар бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

МАВЗУ

сомонийлар даври санъати ва меъморчилиги

1. сомонийлар даврида ўрта осиё

Тарихий маълумотларга кўра Сомонийлар сулоласи Ўрта Осиёда «Сомонийлар давлати»ни тузиб, бу давлатни 875-999 йилгача бошқариб келадилар. Сомонийлар давлати араб халифалигини тугаши билан ўз ҳукмронлигини Ўрта Осиёда бошлайди. Уни пойтахти Бухоро, унга қарайдиган Самарқанд, Нишопур, Марв, Урганч, Хева, Балх, Ғазна каби шаҳарлар эди. Унга Сейистон, Журжон, Решт, Чогонён, Иефижоб, Гарчистон, Табаристон (Мозандарон)лар хам тобе булган. Ер ва суғориш иншоотлари давлат қўлида бўлган. Унинг давлатни бошқариши марказлашган сиёсат бўлиб, вилоятлар марказга, туман-қишлоқлар вилоятга бўйсунарди. Бу даврда халқни аҳволи оғирлашади. Халқ қўзғолонлари бошланиб кетади.
913 йили Табаристонда, 930 йили Бухорода, 944 йили Хоразмда катта-катта қўзғолонлар бўлиб ўтди. Маҳаллий ҳукумдор ва феодаллар ҳам сомонийларга қарши чиқа бошладилар. X асрни охирида феодал тарқоқлик кучайиб кетди. Мамлакатни четки ўлкалари бўлиниб кетди. 999 йилга келиб Турклар Бухорони оладилар ва Сомонийлар давлатига хотима берадилар.

2. сомонийлар даври санъати, маданияти ва меъморчилиги

Сомонийлар даврида мамлакат маданий жиҳатдан яхши ривожланди. Кўплаб шаҳарларда масжид ва мадрасалар қурилди. Илм-фан, меъморчилик, наққошлик, ҳунармандчилик, кулолчилик тараққий этди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ривожланди. Савдо-сотиқ авжига чиқди. Бухородаги кутубхоналар донг таратди. Сомонийлар даврида илм-фаннинг буюк алломалари Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Рудакий, Дақиқий ва Фирдавсийлар етишиб чиқдилар.
Бу даврда Сомонийлар Хазария, Эрон, Булғор, Рус, Хитойлар билан кенг кўламда савдо-сотиқни йўлга қўйилди. Бухоро ислом динининг нуфузли марказига айланди. Шаҳарлар обод этилди. Исмоилийлар ўзларига алоҳида диний оқим («Шиа» оқими асосида) яратдилар.
Сомонийлар даврида меъморчилик санъатига катта эътибор берилди. Меъморчиликка пишиқ ғиштдан фойдаланилди. Сомонийлар кўплаб масжид, мадраса, мақбаралар қурдирди. Арк-қалъалар бунёд этди.
Махмуд Музаххибнинг Хиротдаги ижодидан бизгача факат «Алишер Навоий» портрети етиб келган холос. Лекин биз ана шу асар билан Навоийнинг хакикий тимсолини тасаввур киламиз. Чунки асар гоят оригинал, унда адабиётларда тасвир этилган Навоий тимсоли тула намоён булади. Аммо бу асар Алишер Навоийнинг узига караб ишланганми ёки рассомни тасаввури асосида яратилганми, бу бизга номаълум. Айрим санъатшуносларни – «бу асар Беҳзоднинг Навоий портретлари асосида яратилган» деган хулосалари хам бор.
1507 йили Хиротни Шайбонийхон томонидан босиб олингач, Махмул Музаххиб Хиротдан Бухорога кучиб келади ва бу ерда ўз ижодий фаолиятини давом эттиради.
Махмуд Музаххиб Бухорода XVI асрнинг 20-йилларида Камолиддин Беҳзоднинг нафис тасвирий санъат услубига асосланган ижодий мактабини ташкил этади.
XVI асрнинг 40-70 йилларида Махмуд Музаххиб ижодини гуллаб-яшнаган даври булиб, баракали ижод килади. Бухорода ишлаган 30 дан ортик миниятюра асарлари дунё санъатшуносларига маълумдир.
Аммо, Махмуд Музаххиб асарларининг халига кадар хаммаси тупланмаган ва топилмаган, топилганлари хам алохида китоб килиб нашр этилмаган.
Хуллас, Махмуд Музаххибнинг хаёти, унинг ижодий фаолияти хали урганилган эмас. Унинг ижодий фаолияти уз тадкикотларини кутиб ётибди.

Абдулла Бухорий.
Бухоро миниатюра мактабининг давомчиларидан бири, Махмуд Музаххибнинг шогирди бўлмиш Абдулла Бухорий XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган мусаввир-миниатюрачи рассомдир.
Абдулла Бухорий асарларининг бадиий ривожи икки услубга эга. Унинг бир қатор асарлари Махмуд Музаххиб ижодига эргашади. II-услубий йўналиши Мирак Наккошга яқинлашиб боради.
Абдулла Бухорий асарларида мавзу, ғоя, композиция ва бадиийлик, айниқса ранг композицияси гоят бой, нозиклик билан талкин этилади. Унинг асарларида лирик кайфият, ранглар жилоси гоят юксак махорат билан берилади.

Рассом ижодида нозик чизгилар, ранг калорити, рангни танланишидаги тозалик, ёркинлик, майинлик алохида эътиборда булади. Унинг ижоди Ўрта Осиё тасвирий санъати ривожида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Мухаммад Мурод Самарқандий.
Ўрта аср ўзбек миниатюра санъатининг йирик вакили, кўзга кўринган мусаввири - Мухаммад Мурод Самарқандий XVI асрда яшаб ижод этган атоқли рассомлардан биридир.
Мухаммад Мурод ўзининг юксак истеъдоди, гоят кучли тасвирий қобилияти ва асарларини жонли, ифодали, реаллиги, юксак бадиийлиги билан шухрат қозонган миниатюрачи рассомдир.
Исмоил Сафавий Табриздан чекинаётган вақтда ўзининг се мусаввири Беҳзодни барча шарт-шароитни яратиб берган ҳолда шаҳар четидаги ғорлардан бирига яшириб кетади.
Исмоил Сафавий Табризни қайта эгаллаб олгач, Беҳзод ўз ижодини давом эттиради.
1522 йили Исмоилнинг фармони билан Беҳзод сафавийлар салтанати кутубхонасига бошлиқ этиб тайинланади.
Беҳзод Табризда руҳий-маънавий жиҳатдан анча оғир аҳволда яшади. Чунки, Беҳзод учун Табриз бегона юрт эди. Яна бу ерда доимо жангу-жадаллар, нотинч ҳаёт ва шунга кўра ижод борарди. Яна Беҳзодни душманлар ўғирлаб кетмаслиги учун у доимий назоратда турарди. Лекин бу ерда ҳам Беҳзод ўнлаб истеъдодли шогирдлар етиштирди.
1524 йил Табриз султони Исмоил Сафавий вафот этади. Уни ўрнига ёш шахзода Тухмасп Сафавий тахтга ўтиради.
Тухмасп Беҳзодни шогирди бўлиб, Беҳзод унга тарбия берган устози эди. Шунга кўра Тухмасп Беҳзодга отасидан ҳам яхширок муносабатда булади. Тухмасп даврида Беҳзод салтанат кутубхонасини бошлиги, Табриз ва Эрон санъаткорларини сардори булиб туради.
Беҳзод кексайиб колганлигига карамай доимо ижодда эди. 1537 йили жияни ва севикли шогирди Рустам Алини Хиротда оғир касалликда ётганини эшитиб, Хиротга жўнайди. Хиротга келиб у хам каттик касал булиб колади ва шу касаллик билан вафот этади. Беҳзодни Хиротдаги Кухи Мухтор тогининг этагида жойлашган Хазрати шайх Боховуддин мозорига дафн этилади.
Камолиддин Беҳзод салкам бир асрлик хаёти даврида ва гоят сермазмун ижодий фаолиятида минглаб ижодий асарлар яратди, унинг

наккошлик ва рангтасвир миниатюра мактаби юзлаб мохир муйкалам сохиблари мактабига айланди.
Беҳзод ижоди такрорланмас, ғоят нафис, ғоят улкан, ғоят юксакликда бўлдиким, унга етадиган устоз масаввирни хали дунё кўргани йук. У Хирот, Табриз, Самарканд, Бухоро, Хева, Дехли, Кобул, Техрон ва бошка унлаб Шарк миниатюра мактаблари ижодига бадиий замин ва гоят кучли асос яратиб кетди. Унинг бадиий-ижодий мактаби халига кадар миниатюра ихлосмандларига кувонч, ижодкорларига илхом беради.

Махмуд Музаххаб (Шайхзода Махмуд).
Истеъдодли рассом, килкалам сохиби, миниатюра санъатьининг мохир ижодкори – Махмуд Музаххиб Бухорода тугилган (тугилган йили номаълум). Вафоти Бухорода тахминан 1565-1570 йиллар. У Мирак Наккош ва Беҳзоддан таълим олган ва улар билан бирга Хусайн Бойкаро саройида наккошлик килган. У наккошликнигина эмас, миниятюра санъатини хам пухта эгаллаган етук рассом сифатида донг таратган. У наккошликда «Олтин суви юритувчи» - яъни
50 заххиб» тахаллуси билан катта наккошлик ижод йулини босиб утади.
Бухорода 943 йили «Дор ул-мулк» саройи, ўнта девонхона қурилади. Сомонийлар санъати ва меъморчилигида муҳим ўрин эгаллаб, ўрта аср меъморчилигини нодир намунасига айланган Исмоил Сомоний мақбараси 864-868 йиллар орасида қурилган. Мақбарани асоси квадрат, устки қисми гумбаз шаклида қурилган. Гумбаз атрофида 4 та минорача, деворларини қалинлиги (1,8 м), ичкарисида инигчка арклар, тўрт томонида бир хил эшиклар бўлган. Бино ғоят кучли математик ҳисоб-китоб асосида яратилган. Бинони ички ва ташқи девори ғишти билан нақш ишланган. Бино бизгача яхши сақланган.

МАВЗУ

1. іх-хі асрларда ўрта осиё

VIII-асрларда араблар томонидан босиб олинган Ўрта Осиё VIII-IX асрларда ҳам турли амирликларга ва давлатларга бўлинган ҳолда хирож тўлаб турарди. Аммо халифалик заифлашиб маҳаллий ҳукмдорлар Марказий ҳокимият бошқарувини аста-секин ўз қўлларига олмоқда эдилар.

Бунга энг аввал Тохирийлар, кейинроқ Сомонийлар эришдилар. IX-асрга келиб Сомонийлар бутун Мовароуннаҳрни, X-асрларда бутун Ўрта Осиёни эгаллаб олди.

IX-XI асрларда Мовароуннаҳр, айниқса, унинг водийси ва Хоразм ўша даврнинг энг ривожланган ўлкасига айланди. Бухоро, Термиз, Шош, Фарғона, Самарқанд қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда, савдо-сотиқда машҳур бўлди.

Самарқанд ўзининг сифатли қоғози, Шош ўзининг кўнчилиги билан, Фарғона ўзининг мис, темир, қўрғошин, кумуш каби ер ости бойликлари билан машҳур бўлди.

Бу даврда Буюк Ипак Йўли орқали Ўрта Осиёдан турли Мамлакатларга чарм, мато, ипак, жун, кийим-кечаклар ва от чиқарилар эди. Катта ер эгалари мамлакатда ҳукмрон синф эдилар. Феодаллар томонидан деҳқонлар ва ҳунармандлар қаттиқ эксплуатация қилинар эди. Бунга қарши халқ қўзғолонлари тобора кучайиб борарди.

X-аср охирида Қорахонийлар давлати Шарқий Туркистонда ташкил топади. 999 йили улар Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Бухорони босиб олади ва Сомонийлар сулоласи ҳокимиятини тугатади. Бу даврда Ғазнада Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлик қиларди. 1001 йили Корахонийлар чегараси Амударё бўлиб, қарши қирғоги Маҳмуд Ғазнавий давлатида қолди. Четда қолган Хоразмни Маъмун бошкарди (999-1017 йиллар). 1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий ўз таркибига қўшиб олади.

XI-асрда Қорахонийлар давлатини пойтахти Ўзгандан Самарқандга кўчади.

Умуман IX-XI асрларда Ўрта Осиё ўз тараққиётининг анча кучли босқичида бўлди.

2. Іх-хі асрларда ўрта осиё санъати, маданияти ва меъморчилиги

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё IX-асрга келиб араб халифалигидан чиқиб, мустақил Сомонийлар давлатига айланди.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёнинг маданий-маиший тараққиёти анча тезлашиб кетади. Шаҳарлар қурилиши, халқ хўжалиги тараққиёти, ер ости бойликларини ишлаб чиқариши мамлакатда санъат, маданият ва меъморчиликни ривожланишига, чет эллар билан маданий-иқтисодий алоқаларни кучайишига олиб келди.

Айниқса, Самарқандда қоғоз ишлаб чиқарилиши билан китобсозлик санъати кучая бошлади. Кўплаб қўлёзма китоблар тайёрланди. Китоб коллеграфияси, иллюстрацияси вужудга келди. Миниатюра санъати ривожлана бошлади.

IX-XI асрларда Бухоро, Термиз, Урганч каби шаҳарларда ҳунармандчилик санъати яхши ривожланди. Йирик шаҳарларда чилангарлик ва мисгарлик ривож топди. Қозон, ғалладон, баргаш, кўза, жом, қадаҳ, обдаста, шамдон, пардозлик буюмлар, зебузийнатлар юксак маҳорат билан ишланди. Кулолчилик, каштачилик, шиша идиш тайёрлаш, сополга сир бериш ихтиро қилинди. Сопол идишларга гул, барг, шарча, нақш, балиқ, қуш кабиларнинг тасвири ишланадиган бўлди.

Меморчилик санъати янги анъаналар билан бойиди. Бу даврда кўплаб масжид, мадраса, мақбара, миноралар қурилди. Меъморчиликда кўпроқ пишган ғишт, йўнилган тош билан қурилди. Биноларни безашда ўйма террекота, сирланган ғишт ва кошинлардан фойдаланилди. Ички интерьерлари ганч ўймакорлиги, бўяма нақшлар, араб-куфий насх ёзувлари тасвиридан фойдаланилган ҳолда безатилди.

X-асрдан бошлаб, саройлар қурилиши шаҳар ичкарисида олиб борилди. IX-XI асрларда меъморчилик билан уйғунлашган ҳолда наққошлик санъати авж олди. Унинг турли хиллари, услублари, композиция ва элементлари вужудга келди. Бу даврда меъморчиликни назарий асослари ҳам ривожланди. Абу Райҳон Беруний меъморчилик ҳақида илмий асар ёзди. Бу асар "Китоб ал-хийал аррухонийа ва-л асрор ат-табийа фи дақиоқ ал-ашкал ал-хандасийа" номи билан юритилиб, у 10 китобдан иборат эди. Бу асар Беруний замонидан бугунги кунгача меъморчиликни асосий қонунияти бўлиб келади.

аниқ эмас. Лекин у асарларини айримларигагина «Камолиддин Беҳзод» деб дастхат қолдирган.
К.Беҳзод ёшлигиданоқ ота-онасидан етим қолиб, уни қариндоши бўлган Мирак Наққош тарбиялайди. Мирак Наққош ўзининг Хиротдаги «Нигористон» (санъат академияси) да унга санъат сирларини ўргатади. Беҳзод санъат сирларини пухта эгаллайди. Мирак Наққош салтанат кутубхонасини бошлиғи бўлиб, Беҳзод унинг қарамоғида, катта ижодий муҳитда тарбия топади.
Беҳзодга Алишер Навоий ҳам раҳнамолик қилиб, унинг бадиий ижодида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, Алишер Навоий Беҳзодни ижодий камолотга етишувида асосий омил бўлади.
Маълумотларга кўра, Беҳзоднинг дастлабки ижодий фаолияти Султон Хусайн Мирзо Бойқаро саройида бўлиб, у жуда кўп шоирлар, олимлар, санъаткорларнинг раҳнамоси Алишер Навоий ҳомийлигида бошланади.
Беҳзод ўша даврнинг буюк алломалари Абдураҳмон Жомий, Султон Али Машҳадийлар билан ҳам яқин алоқада ва ҳамкорликда ижод қилади.
Санъат ва нафосат оламида ижод қилаётган Беҳзод ижоди жуда тез ўсиб боради, у тез орада Хиротнинг машхур миниатюрачи рассоми сифатида танилади.
Беҳзодни Султон Хусайн Мирзо Бойқаро ўз ҳузурига саройга жалб қилади, унга ижодий муҳит яратиб беради. Бироз вақт ўтгач, 1448 йили Султон Хусайн Бойқаро фармони билан Беҳзодни Хиротдаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинланади. Беҳзод меҳнатсевар, захматкаш, ижоддан толиқмайдиган, юксак маҳоратли, миниатюра санъатининг махоратли устаси бўлиб, тинимсиз ижод қилади. Юзлаб мусаввирларга устозлик қилади.
Аммо, XVI асрнинг охирларига келиб, Беҳзоднинг энг яқин кишиларидан бири Абдурахмон Жомий (1492 й), сўнгра унинг устози Алищер Навоий (1501 й), сўнгра 1506 йили Султон Хусайн Мирзо Бойқаро вафот этишлари Беҳзодга ғоят оғир тушади.
1507 йили Хиротни Шайбонийхон босиб олади. 1510 йили Хиротни Эрон шохи Исмоил Сафавий Беҳзодни шогирдлари билан бирга Табризга олиб кетади. Чунки, бу даврда бутун шарқ оламида донғи кетган, сеҳрли мўйқалам соҳиби Беҳзод Исмоил Сафавийни қўлга киритган жавохирлари орасида энг қимматлиси эди. У Беҳзод ижодига маҳлиё бўлиб қолган эди.

Исмоил Сафавий Табризда Беҳзоднинг ижоди учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилади. Беҳзод Табризда Хиротдан кейин иккинчи маротаба нафис тасвирий санъат мактабини бунёд этади.
1514 йили Табризни турклар томонидан босиб олинади.

XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёда ҳали номи унчалик ёйилмаган кин китобот, ҳуснихат, миниатюра ва нақкошликда катта йўлини босиб ўтган мусаввирлар анчагина бор.
Хожа Мансур (хоразмлик), Паҳлавон Китоб, Мавлоно Ноий (сабзаворлик), Мавлоно Абдулвосий, Шариф Боғишамолий, Хожа Маҳмуд (сабзаворлик – Шаҳрисабз), Мавлоно Сомхий, Мир Қарший, Мавлоно Ёрий, Мавлоно Фазлий, Мавлоно Риёзий, Хожа Хурд (самарқандлик), Мир Али Бухорий каби юзлаб мусаввир, миниатюра ва китобот санъатининг усталари ижод қилдилар. Уларни айримлари меъморчилик санъати соҳасида ҳам катта санъат яратдилар.
Ўрта Осиё – Мовароуннаҳр санъаткорлари қаерда туғилиб ўсибкамолотга етишидан қатъий назар, улар Самарқанд, Бухоро, Хирот, Балх, Хоразм, Машҳад, Қобул, Термез, Қўқон каби вилоят-шаҳарларда биргалашиб ижод қилдилар. Ўша давр сиёсатига кўра рассомлар ўз асарларига дастхат ёзолмас эдилар. Шунга кўра, кўплаб ижодкор рассом-мусаввирларни ишлари топилмай келмоқда. Топилган асарларни кимга тегишли эканлигини ҳам аниқлаш қийин. Буларни илмий тадқиқотлар аниқлаб беради.

2. камолиддин беҳзод, маҳмуд музаххиб, абдулла бухорий, мурод самарқандийларнинг ижодий фаолияти.

Ўрта Осиёнинг ўрта аср тасвирий ва амалий санъати ривожида баракали ижоди билан муносиб ҳисса қўшган кўплаб мусаввир - рассомлар борки, ҳалига қадар уларни кўпчилиги аниқланмаган. Аниқланганларини ҳам ижодий ишлари жуда кам топилган. Шунингдек, минглаб юксак бадиий қимматга эга бўлган санъат асарларини ижодкорлари ҳам аниқланмаган.
Ҳатто жаҳонга машҳур мусаввирлардан бўлган Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаххиб, Абдулла Бухорий, Мурод Самарқандийларни ҳам ижодий асарлари ҳалигача тўлиқ аниқланган эмас. Чунки, ўша давр талабларига кўра асарларга

дастхат қўйишни рухсат этилмас ёки ижодкорлар камтарликлари оқибатида дастхат қолдирмас эдилар. Ҳозиргача Ўрта Осиёнинг ўрта асрларда яшаб ижод қилиб ўтган санъат усталарининг саноқлиларигина ҳаёти ва ижоди ҳақида тўла бўлмаган маълумотларгагина эгамиз холос. Шулардан бири Камолиддин Беҳзоддир.

Камолиддин Беҳзод.
Камолиддин Беҳзод – Шарқнинг забардаст, атоқли, юксак маҳоратли, ғоят нозик истеъдодли санъаткори бўлиб, у Хиротда, қамбағал оилада 1455 йилда туғилган1. Беҳзоднинг отасини номи ҳам аниқ эмас. «Беҳзод» унинг ўз исмини ёки отасининг исмими бу ҳам ноаниқ. «Камолиддин» номи ҳам ўз исмими ёки отасиникими, бу ҳам бизга

IX-XI асрларда Ўрта Осиёда Сомонийлар саройи, "Мирсаид Баҳром мақбараси", "Қирққиз саройи", "Аробата мақбара", "Султон саодат", меморчилик ансамбли, Работу Малик комплекси, Исмоил Сомоний мақбараси, Термиз шоҳлар саройи, Афросиёб саройлари, ўнлаб жума масжидлари ва мадрасалари қурилди. Хуллас, Ўрта Осиё меъморчилиги ўзининг узоқ ва катта тарихига эга бўлиб, бу IX-XI асрларда янада ривож топди.

3. IX-XI асрларда Ўрта Осиё фанининг тараққиёти

48 х шоҳидлик берадики, эрамизнинг I-минг йиллигини охирларига келиб Ўрта Осиё шарқ тафаккури оламининг марказий ўлкаларидан бири бўлиб қолди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч, Хўжанд каби шаҳарларда "Байт ул-Хикмат" (Донишмандлар уйи) лар шаклланади.
Бу даврдан бошлаб Ўрта Осиёлик кўплаб илм даҳолари Юнон ва Ҳинд илмий меросини таржима қилдилар, уларга шарҳлар ёздилар, уларни илмий назарияларини давом эттирдилар ва янгидан-янги фанларга асос солдилар.
Ўрта Осиёлик олимлардан: Мусо Ал-Хоразмий, Муҳаммад ал Фарғоний, ибн Хамадан, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Тусий, Абу Сахл Масихий,

[1] К.Беќзодни туўилган йили, таржимаи ќоли ќаќида турлича фикрлар мавжуд.

Улуғбек, Румий, Али Қушчи, Навоий, Беҳзод, Бобур каби олимуалломалар Ўрта Шарқ оламини бутун дунёга танитдилар. Уларнинг илму тафаккурлари бугунги кунгача математика, физика, астрономия, география, медицина, геодезия, табиатшунослик, тилшунослик, санъат, меморчилик, кимё, дин, фалсафа тарих ва бошқа фанлар учун назарий манба ва дастури-амал бўлиб келмоқда.
9-10 асрда Ўрта Осиёда аниқ ва табиий фанлар математика, физика, астрономия, география, медицина, геодезия, табиатшунослик, кимё, минирология каби фанларни ўрганувчи фанлар академияси Хоразмда (Урганчда) Шох Маъмун - II томонидан ташкил этилади. Академияга Абу Райҳон Беруний раҳбарлик қилади. У билан бирга Абу Али ибн Сино, Абу Сахл Масихий, Абулхасан Хаммор каби таниқли олимлар ижод қилдилар.
XI-XII асрларда Фарғоний, Хоразмий, ибн Сино, Киндий, ибн Рушд каби фан алломаларининг кўплаб илмий асарлари лотин тилига таржима қилинади.
Хоразм шоҳи Маъмун академия фаолиятига каттагина шарт - шароит яратиб беради. Лекин, 1017 йили Хоразмни Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олиши ва олимларни мажбуран Ғазнага кўчирилиши билан Урганч фанлар академияси фаолияти тўхтайди.
Урганч фанлар академияси фаолияти жаҳон фани равнақига жуда катта илмий мерос қолдирди. Айниқса, Беруний ва ибн Синонинг илмий мероси жаҳон фанлари хазинасига салмоқли улуш бўлиб қолди.

14



мўғул истилочиларини санъат ва маданиятга муносабати

1. мўғуллар истилосигача ўрта осиё санъати ва маданияти

Тарихий маълумотларга кўра, XII-XIII асрларда Ўрта Осиёда Хоразмшох ўз ҳукмронлигини тўла ўрнатиб олган эди.
Ўрта Осиёда араб халифалиги тугатилгач ўзининг иқтисодий, сиёсий мавқеини анча тиклаб олди. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганч шаҳарларида меъморчилик, амалий санъат, рангтасвир анча

яхши ривожланди. Самарқанд ва Бухорода қоғоз ишлаб чиқарилгач, китоб санъати равнақ топди. Бу ўз ўрнида китобларни безатиш, уларга миниатюра тасвирларини киритиш билан бу санъатни ривожланишига имкон яратилди. Масжид, мадраса, мақбаралар, саройлар қурилиши авж олди. Биноларни безатишда ганч, ёғоч ўймакорлиги ривожланди. Рангли нақшлар ва безакли тасвирлар ишлана бошлади. Ўрта Осиёда ҳунармардчиликни кўплаб соҳалари ривожланди. Савдо-сотиқ ўсиб борди. Халқаро бозорлар купайди. Натижада давлатлар ўртасида маданий алоқалар кучайди. Ўрта Осиё - Мовароуннаҳр Осиё билан Европани бозор ва маданий алоқаларни боғлаб туришда асосий йўл бўлиб қолди. XIII аср бошида Хоразм шарқда санъати, маданияти ва меъморчилиги ривожланган иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли, катта ҳарбий қўшинга эга бўлган давлат бўлиб қолди. Бу давлатга Мухаммад Хоразмшох хукмронлик киларди.

XII-XIII асрларда мўғулистонда Чингизхон (асл исми Темучин) бошчилигида давлат барпо этилди. Хоразмшох билан Чингизхон ўртасида савдо-сотиқ йўлга қўйилиб, элчилар алмашиб турди. Аммо Чингиз ўз территориясини кенгайтириш режаларини тузмоқда эди. Чингиз карвонини Ўтрор ҳокими томонидан таланиши Чингизхон учун баҳона бўлади ва 1220 йилдан Чингизхонниг лашкарлари Ўрта Осиёга бостириб кела бошлади. Чингизхон Ўрта Осиёда талаш, ўт қўйиш, қириш тактикасини қўллади ва 1221 йили бутун Ўрта Осиёни эгаллаб олди.

2. Мўғуллар даврида ўрта Осиё санъати ва маданияти.

Мўғул галаларини Ўрта Осиёга босиб келиши бу ўлка тарихида III-маротаба (Македонский, Қутайбалардан кейинги) Ўрта Осиё санъати, маданияти, фани ва меъморчилигини бутунлай йўқ қилиниши эди.

МАВЗУ

xvi-xviii асрларда мовароуннаҳр санъати, маданияти ва меъморчилиги

1. xvi-xviii асрларда мовароуннаҳр тасвирий санъати

Тарих гувоҳлик берадиким, XIII асрда Ўрта Осиёни, жумладан Мовароуннаҳрни яқин 5-6 асрлик санъати, маданияти ва меъморчилигини мўғул галалари ер билан яксон этган эдилар. Ўтрор, Кат, Афросиёб, Варахша каби шаҳарлар мутлоқ йўқ қилинган.

XIV-асрдан Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр яна гуллаб яшнади. Айниқса, Улуғбек даврида Мовароуннаҳр санъати, фани, маданияти ва меъморчилиги тарихда қайта "Уйғониш" даври бўлди.

Улуғбек даврида фан, санъат, маданият ва меъморчилик беқиёс ривожланди.

Улуғбекдан сўнг, Мовароуннаҳрда ўзаро уруш, жанжалли йиллар бошланди. Аммо ижодкор Ўрта Осиё халқи санъатида, маданиятида ўз фаолиятини тўхтатмади. Бу даврлар санъати ва маданиятида яна жаҳонга таниқли, атоқли санъаткорлар Устод Гунг, Устод Шамсиддин, Пир Ахмад Боғишамолий, Устод Жаҳонгирларнинг шогирдлари етишиб чиқдиларким, улар ва уларнинг шогирдлари XVI-XVII-XVIII асрларда баракали ижод қилдилар.

Улар Камолиддин Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Маҳмуд Музаххиб, Муҳаммад Ноидр Самарқандий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Саид Али (Термизий), Хўжа Муҳаммад Мусаввир, Муҳаммад Чағри, Давлат Муҳаммад каби забардаст санъат усталари бўлиб, улар Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳр тасвирий санъати ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиё – Мовароуннаҳрда Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари мавжуд бўлиб, бу уччала давлат ҳам иқтисодий тараққиётга, санъат, маданият ва меъморчиликни ривожланишига имкон яратдилар. Айниқса, китобсозлик ва уларни безатишда миниатюра санъатини такомиллашувига эътибор бердилар.

Бу даврларда бухоролик Аҳмад Дониш, Мир Муҳаммад Сидиқ, қўқонлик Муҳаммад Амин Косоний, Муҳаммад Шокирбой, Хожа Носир каби мусаввирлар бир қатор атоқли шоир-ёзувчиларнинг бадиий асарларини, тарихий йилномаларни миниатюра асарлари билан безадилар. Меъморий ансамбларга кўплаб деворий рангтасвир расмларини ишладилар.

Амир Темур ва темурийлар даврида
курилган меморий иншоотлар.

1. Самарқанд. Жомеъ масжиди. (Бибихоним масжиди) 1399-1404 й. Меъмор - Жалолиддин Махмуд ибн Довуд.
2. Шаҳрисабз. Оқ сарой. 1385-1400 й. Меъмор: Устод Муҳаммад Юсуф.
3. Самарқанд. Шохизинда. XIV-XV-аср. Меъморлари: ота-ўғил Шамсиддин ва Зайниддин, Бадриддин Самарқандий, Муҳаммад ҳожа, Бангир, Юсуф Шерозий, Усто Сиддиқ ва бошқалар.
4. Самарқанд. Гўр Амир. XIV-XV аср. Меъмор: Муҳаммад ибн Махмуд Исфахоний.
5. Самарқанд. Боги Дилкушо. 1397-1399 й. Меъмор аниқ эмас.
6. Самарқанд. Муҳаммад Султон мадрасаси. XIV-аср Амир Темур даври.
7. Туркистон. Аҳмад Яссавий мақбараси. XIV-аср Амир Темур даври.
8. Самарқанд. Қўшгумбаз (Шохи Зинда). XIV-аср Амир Темур даври.
9. Самарқанд. Улуғбек мадрасаси. 1417-1420. Меъмори аниқланмаган.
10. Самарқанд. Улуғбек хонақоси. 1417-1420. Меъмори аниқланмаган.
11. Самарқанд. Улуғбек расадхонаси. 1424 йил. Меъморлари: бош муҳандис: Ғиёсиддин Ж.Коший, илмий маслаҳатчи: Қозизода Румий, меъмор: устод Исмоил.
12. Бухоро. Улуғбек мадрасаси. 1417 й. Меъмор: Исмоил ибн Тоҳир Исфахоний.
13. Ғиждивон. Улуғбек мадрасаси. 1432-33 й. Меъмор номалум.
14. Бухоро. Лаби ҳовуз. XIV-XV-асрлар. Шаклланиши.
15. Челябинский-Россия. Темур минораси. XIV-XV-асрлар. Амир Темур даври.
16. Самарқанд, Шаҳрисабз. Шаҳар қалъалари. XV-аср. Амир Темур даври.
17. Самарқанд. Кўксарой тўрт қаватли. XV-аср. Амир Темур даври.
18. Самарканд, Шаҳрисабз. Амир Темур ва Улуғбек даврида курилган бошқа меморий ансамблар.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр тасвирий санъати усталари

Самарқанд миниатюра ва амалий санъати усталари Амир Темур ва Улуғбек даврида баракали ижод қиладилар. Улар: Устод Гунг, Хожа Абдулхай, Устод Шамсиддин, Пир Ахмад Боғишамолий, Жунайд Наққош, Хожа Абдулқодир Гуянда кабилар деворий ранг-тасвир ва миниатюра жанрида ижод қилганлар.

Шунингдек, темурийлар даври тасвирий санъати тараққиётида пир Саид Аҳмад Табризий, Шаҳобиддин Абдулла, Захриддин Абзар, Бобо Наққош, Хожа Ахмад Убайдулло, Низомиддин Ахмад, Устод Жахонгир, Камоллиддин Бехзод, М.Музаххиб кабилар хам ижод қилганлар.

XVI-XVII асрларда Абдулла Бухорий, Мухаммад Мурод Самарқандий ва Муҳаммад Нодир Самарқандийлар ҳам ижод

анлар.

Туркі, мўғуллар маданияти ва санъати жиҳатидан Ўрта Осиёликлардан анча орқада бўлиб, уларни қадр-қимматига етмас ҳам эди. Шунга кўра мўғуллар қўлга келадиган, ўзига ёқадиган нарсани олиб, қолганига ўт қўйдилар, биноларни ёндирдилар. Ўтрордаги "Катта кутубхона" сувга чўктирилди. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Урганчдаги илмий даргоҳлар батамом вайрон этилди. Китобларни ўтга ташланди. Шунга кўра, VIII асргача бўлган Ўрта Осиё тарихини араблар томонидан йўқ қилинган бўлса, VIII-XIII асрлар тарихини мўғуллар кулини кўкка совурдилар. Ғоят кучли ривожланиб келаётган меъморчилик, илм-фан ва тасвирий санъати мутлоқ ер билан яксон этилди. Афросиёб, Варахша, Кат, Ўтрор меъморчилиги, деворий ранг тасвири, Хоразм ҳайкалторошлиги ерга кўмилди.

Ўрта Осиёнинг санъати, маданияти, меморчилиги, фани яқин 100 йилларча ўзини тиклай олмади.

Мўғуллар даврида фақат шоҳлар, амирлар саройигина оддий усулда безатилар эди. Бу даврларда Бухоро, Термиз, Урганч, Самарқандда бирон бино қурилмади.

XIV асрнинг 70-йилларидан мўғуллар ҳукмронлигига барҳам берилди. Ўрта Осиё тахтини Амир Темур эгаллади. Амир Темур ўз фаолиятини бошлашиданоқ ўз халқини меҳнат ва шижоатга чорлади. Бу халқ ҳунармандчилигини, санъатини-маданиятини ва меъморчилиги равнақига асос бўлди. Мустақиллик мамлакатда деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик маданияти равнақига олиб келди. Ўрта Осиё Амир Темур даврида гўё янгитдан туғилди ва

қайта уйғонди. Бунда нафақат санъат ва меъморчилик, бу ўлка илм-фан, маданият, маънавият ўлкасига айланди.

15



амир темур даври санъати ва маданияти

1. ўрта осиё (Мовароуннаҳр) амир темур ҳукмронлиги даврида

Тарих шоҳидким, 1370-йилдан Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилиб, уни ўрнига Ўрта Осиё халқлари мустақиллигини ифода этувчи Амир Темур империясини асоси бўлмиш Мовароуннаҳр давлати барпо этилди.
Бу давлатни асосчиси Шаҳрисабзлик, Ўрта Осиё зодагонлари авлодидан бўлмиш, Барлос уруғидан келиб чиққан - Темурбек Тарағай Муҳаммад Баҳодир ўғли Барлос эди.
Темурбек 1379 йили Самарқанд амири Хусайн билан бўлган Балхдаги жангда Хусайнни енгиб, бутун Мовароуннаҳр ҳукмдорларини ўз қўлига олади. Амир Темур Мовароуннаҳрнинг собиқ ҳукмдорларидан бири бўлган Қозағоннинг қизи – Сароймулк хоним (Бибихоним)га уйланади. Бунинг муносабати билан Амир Темурга "Курагоний", яъни "хоннинг куёви" деган ном берилади.
Амир Темур Курагоний 1370 йил 11 апрелдан бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинади.
Амир Темур 1370 йилдан 1405 йилгача Мовароуннаҳр мамлакатига 35 йил ҳукмронлик қилади.
Бу даврда энг аввал мамлакатда якка ҳокимлик сиёсатини ўрнатиб, мамлакат чегараларини дахлсизлигини таъминлайди.
Сўнгра мамлакати сарҳадларини Эрон, Ироқ, Туркия, Миср, Кавказ, Ҳиндистон, Сурия, Олтин Ўрда, Россия мамлакатлари ҳисобига кенгайтириб, Шарқда энг улкан, қудратли империясини ташкил этади.
Амир Темур ўзига бўйсундирилган мамлакатларга ўз мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, ўлпон тўлаб туриш имкониятини беради. Шу боисдан Амир Темур босиб олган мамлакатлар узоқ йиллик мўғул зулмидан озод бўлган ҳолда шу озодлик эвазигагина ҳирож-ўлпон тўлардилар. Шунга кўра, Амир Темур сиёсати ва уни раҳнамолиги туфайли кўплаб халқлар уни қўллаб-қувватладилар. Аммо қайси бир мамлакат хоинлик қилса уларни қаттиқ жазолайди. Айримларини гуноҳидан ўтар ҳам эди. Тўхтамиш бир неча бор хоинлик қилади, лекин у тиз чўкиб, кечирим сўраганда уни авф этади. Мовароуннаҳрда эса Темур феодал тарқоқликка, феодаллар ўртасидаги ўзаро низоларга, ўзбошимчаликларга қаттиқ қўллик билан чек қўяди. Амирларни мамлакат бўйича ягона қонун асосида ишлашга мажбур қилади. Шунга кўра, халқ бошига солинадиган солиқлар ҳам чекланган эди.
Амир Темур даврида Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд бўлиб, у дунёда улкан нуфузга эга бўлган ва жаҳонга сайқал бера олган шаҳарга айланди. Бу даврда мамлакат иқтисодий, сиёсий ва давлатчилик маданияти соҳасида Шарқнинг бой ва қудратли давлатига айланди. Мамлакатда халқ хўжалиги, савдо-сотиқ беқиёс ривож топди. Буюк Ипак йўли қайта тикланди. Амир Темур ана шу Ипак йўлининг тинчлигини ўз ҳимоясига олди. Шунга кўра, мамлакат нафақат иқтисодий жиҳатдан ривожланиб қолмай, санъат, маданият, дўстлик алоқалари беқиёс ривож топди.
Амир Темур ўз мамлакати ерларида кўплаб меъморий иншоотлар, карвон йўлларида сардобалар, ўзи босиб олган қайси бир давлат бўлмасин, у халқни улуғ алломаларига мақбаралар қурдиради.
Амир Темур вафотидан кейин мамлакатда унинг ўғиллари Мирон шох, Шоҳруҳ мирзолар, кейинчалик унинг набиралари Улуғбек ва бошқалар ҳукмронлик қилдилар, бу ҳукмронлик 1507 йилгача давом этади.
Амир Темур асос солган темурийлар империяси унинг набиралари ўртасида ўзаро уруш жанжаллар натижасида иқтисодий ва сиёсий

Улуғбек даври ўзининг илму-фанни тараққиёти билан ўрта асрлар дунёсида Самарқанд шуҳрат қозонди.
Улуғбек Самарқандда дунёвий фанларни ўрганувчи, унда илмий-тадқиқотлар олиб борувчи фанлар академиясини ташкил этади.
Бу академияда математика, астрономия, табиатшунослик, география, тил-адабиёт, тарих, фалсафа, меъморчилик, санъат, маданиятшунослик каби фанлар ўрганилди.

Бу илм даргоҳида жаҳонга машхур олиму-уламолар илмий изланишлар олиб боришади.
Бўлажак алломаларга Қозизода Румий, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи, Муҳаммад Биржоний ва Улуғбеклар дарс берганлар.
Бу ерда математика, астрономия, табиатшунослик, медицина, кимё, тарих, санъат, фалсафа фанлари бўйича XV-асргача бўлган, яратилган илмий манбалар қадимги юнондан бошлаб, Форобий, Фарғоний, Хоразмий, Беруний, Ибн Синоларнинг илмий-мерослари ўрганилди. Янги тадқиқодлар хулосаланади. Улуғбек ўзининг узоқ йиллик тадқиқодлари асосида "Зижи Курагоний" асарини ёзади. Бу асар бутун дунё астраномларини дарсликларига айланиб, бугунги кунгача бу асар жаҳоннинг ўнлаб асосий тилларига таржима қилинган. Ғиёссиддин Коший "Ўнли касрлар арифметикаси" назариясини ишлаб чиқади.
"Зижи Курагоний" асарида бутун коинот қонунлари ва сирларини илмий асосда тахлил қилиб беради.
Улуғбек обсерваторияси - расадхонаси XV-асрнинг нодир намунаси бўлиб, уни 1428-29 йилларда қурилган. Расадхона цилиндир шаклида 3 қаватли, 30,4 метр баландликда қурилиб, бинонинг асосий радиуси бўйича 40,2 метр гигант секстантга эга бўлган. Расадхона ташқи ва ички безалиши жиҳатидан меъморий санъат асари ҳисобланган. Бу ерда қуёш ва ой ҳаракати, юлдузларни жойлашиши, қуёш, ой ва юлдузларни ўрни белгиланган. Йилнинг фасллари, ойлар, кунларнинг аниқ ҳисоби олинган.
Улуғбек санъатга, адабиётга, тарихга жуда қизиққан, меъморчиликка алоҳида эътиборли бўлган.
Улуғбек "Тўрт улус" тарихий китобини ёзиб, Ўрта Осиё тарихини ўрганишга ҳам ўз улушини қўшиб кетган.
Улуғбек Самарқандда 15000 дан ортиқ китобга эга бўлган кутубхона ҳам ташкил этган.
Умуман, Улуғбек даври Ўрта Осиё - Мовароуннаҳр тарихида санъати, маданияти, меъморчилиги ва фани ғоят юксак даражада ривож топган давр бўлди.
Шунга кўра, Улуғбек - ўзбек астрономи, математиги, давлат арбоби, Ўрта Осиё халқи илму-фанини, санъатию-маданиятини ва меъморчиликини жаҳон фани, санъати ва маданиятини олдинги сафига олиб чиққан атоқли олимлардан бири бўлиб, Ўзбекистон халқлари санъати ва маданияти тарихида абадий яшайди.

2. Улуғбек даврида фан, санъат, маданият ва меъморчилик.

Маълумки, 1409 йилдан бошлаб, Мовароуннаҳрга Улуғбек ҳукмронлик қила бошлади. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Термиз, Ҳирот, Балҳ, Шош, Фарғона каби шаҳарларда санъат, маданият, меъморчилик яхши ривожланди. Улуғбек асосий эътиборни мамлакатда тинчлик, осойишталик бўлишига, унда санъат, маданиятни равнақ топишига қаратди. Мамлакатни олиму-алломаларини, санъаткору – меъморларини Самарқандга йиғиб, уларга ижодий шарт-шароитлар яратиб беради.
Натижада Самарқанд дунёнинг фан, санъат ва маданият ривож топган шаҳарга айланади.
Улуғбек Самарқандда Бибихоним масжиди, Амир Темур мақбарасини, Шохи зинда ансамбли қурилишини поёнига етказди. Шунингдек Улуғбек мадрасасини, Улуғбек расадхонасини, ўнлаб карвон сарой, тим, чорсу, ҳаммомлар ва бошқа меъморий иншоотларни, кўчалар, кўприкларни қурди. Улуғбек даврида Самарқанд улкан қурилиш майдонига айланди.
Улуғбекнинг фармойиши билан Бухорода, Самарқанд мадрасаларида диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитила бошланди. Мовороуннахрни кўплаб шаҳар ва қишлоқларда масжидлар, мақбаралар, миноралар қурилди.
Шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчилик, амалий санъат, меъморчилик ривож топди.
Улуғбек даврида биноларнинг ички интерьерлари монументал нақш билан безатила бошланди. Ганч, деворлар юзасига ўсимликсимон ва ҳандасавий нақшлар елимли ранглар билан ишланди. Композицияларнинг кўп қисмини зарҳалли нақш элементлари эгаллади. Бино гумбазлари сержило рангдаги нақшлар, кошинлар асосида ишланди. Шохи Зинда, Кусам ибн Аббос, Амир Темур мақбаралари, бир қатор меъморий ансамбларни пештоқлари ҳам шу услубда безатилди. Биноларнинг шифт безакларига алоҳида эътибор берилди. Тош, ёғоч, ганчдан панжаралар ишланди. Улуғбек даврида кандакорлик санъати хам яхши ривожланди. Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасидан топилган 6 та чироқ XIV-XV асрга - Улуғбек даврига тўғри келади. Улуғбек даврида обсерватория, ўқув хоналари ва тадқиқот ишлари учун ўқув жиҳозлари, ўлчов асбоблари, тадқиқот буюмлари яратилган. Улуғбек даврида Самарқандда тоштарошлик санъати ҳам ривож топди. Мармар, нефритдан қабртошлар, табиий оддий тошлардан меъморчиликда кўплаб фойдаланилди. Миниатюра санъати ривожланди.
Шунингдек, Улуғбек даврида дизайн санъати ҳамда амалий санъатни заргарлик, зардўзлик, ганч, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, шишасозлик, газлама ва бадиий мато ишлаб чиқариш, китобдўзлик каби ўнлаб турлари жуда кучли ривожланди.

атдан XVI асрнинг бошларига келиб инқирозга юз тутади.
Аммо Амир Темур инсоният бошига офат бўлиб тушган мўғуллар зулмини ўнлаб мамлакатлардан йиғиштириб ташлади.
Ўрта Осиё халқига Мустакил давлат барпо этди.

Амир Темур шахси хақида
Амир Темур Тарағай Муҳаммад Баҳодир ўғли - 1336 йили 8 апрелда ҳозирги Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри яқинидаги Хўжа илғор қишлоғида феодал ористакратия оиласида туғилди.
Отаси - Тарағай Муҳаммад Баҳодир Баёнқулихон салтанати ҳукмдорларидан бири бўлган.
Онаси - Тегина Бегим Мох бўлган.
Амир Темур - илмли, зукко, тарихни яхши биладиган, довюрак, тадбиркор, юксак фаросатли, илму-эътиқодли, инсоф-диёнатли, яхши ниятли, ҳалол-пок, эҳтиёткор, ҳукми қатъий, ташкилотчи, ўз халқини, она тупроғини қаттиқ севадиган, кечирувчи, диний ва дунёвий илмларни яхши биладиган, санъат ва маданият ҳомийси бўлган ҳолда давлат арбоби, забардаст, шер юракли лашкарбоши - ҳарбий саркарда бўлган.
Амир Темур хоинлик, сотқинлик ва қотилликни кечирмайдиган шахс эди. Шундай гуноҳдаги шахсларни асло кечирмас эди.

2. Амир Темур даврида санъат, маданият ва меморчилик

Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олгандан сўнг, яқин 150 йилларча даврда Мовароуннаҳр санъати, маданият катта тўсқинликка учраган эди. У ривожланмади, ривожланганда хам жуда пассив ҳолдагина тараққиёт этди. Кўзга кўринадиган бино қурилмади. Бирон санъат ёки маданият кошонаси бунёд этилмади.

Чингиз уруғлари орасида тахт учун кураш, ўзаро жанжаллар давлатни ҳам, халқни ҳам кафан-гадо қилган эди.
1370 йил жаҳон тарихи саҳнасида Буюк саркарда Амир Темур Курагоний пайдо бўлиб, у Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ каби ўнлаб мамлакатлар тарихида катта бурилиш бошлайди.
Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур мамлакатга пойтахт қилиб Самарқандни танлади. Самарқандда катта ҳажмдаги қурилишлар бошлаб юборади. Шаҳарда масжид, мақбаралар, савдо-сотиқ марказлари бунёд этилади. Тасвирий ва амалий санъатга катта йўл очилади. Самарқандга дунёнинг кўзга кўринган меъморларини, рассомларини таклиф қилади ва олиб келади. Шаҳарга шоир-тарихчилар, илм-фан соҳиблари таклиф этилади. Уларга шароитлар яратиб берилади.
Амир Темур мамлакат сарҳадларида осойишталик, хавфсизликни таъминлайди. Бухоро, Шаҳрисабз, Урганч, Хива, Термиз, Хирот, Ашгабод, Балх каби юзлаб шаҳарларда қурилиш ишларини бошлаб юборади. Мамлакатни иқтисодий, сиёсий юксалишига алоҳида эътибор беради.
Амир Темур босиб олган ўлкаларида масжид, мадрасалар қурдиради. Оламдан ўтиб кетган илм соҳиблари учун мақбаралар бунёд этади. Карвон йўлларида сардобалар қурдиради.
Амир Темур пойтахт бўлмиш Самарқандга ва ўзи туғилиб ўсган Шаҳрисабзга катта эътибор берди. Бу ерда Амир Темур амри билан Самарқанд қалъаси бунёд этилди. Самарқанд қайта қурилди. Шаҳар марказида бозор-тим қурилиб, унга келувчи 6 та асосий кўча бунёд этилди. Шаҳарни бош майдони Регистон ташкил этилди. "Шохи зинда" ансамбли, "Тукан оқа", "Амирзода", "Бибихоним" масжиди бунёд этилди. Йўлларнинг икки томонига икки қаватли дўконлар, гумбазли расталар қурилди. Шаҳарда ички ва ташқи қалъа яратилди. "Кўксарой" ансамбли бунёд этилди. Шаҳар ташқарисида "Боғи дилкушо", "Боғи чинор", "Боғи шамол", "Боғи беҳишт", "Боғи нав" номлари билан аталадиган чорбоғлар қурилди. Шаҳар Амир Темур даврида шаҳар кўркамлигини олий нуқтасига чиқди. Бутун Шарқ оламида Самарқанд энг кўркам, гўзал, бой, қудратли, илм-фан соҳиблари масканига айланди. Даврнинг энг яхши ижодий кучлари шу ерга йиғилган эди.
Темур ва темурийлар даврида Самарқандда тўқимачилик, кўнчилик, муқовасозлик, ҳаттотлик, мусаввирлик, ўймакорлик, заргарлик, зардўзлик, санъат ва ҳунармардчиликни бошқа турлари жуда тез ривожланган эди. Газмол, қоғоз, китоб савдоси юксалди. Кийим-кечак тикиш, рўзғор буюмлари ясаш санъат даражасига кўтарилди.
Ҳатто Амир Темур даврида рангтасвир, миниатюра санъати ривожланди, ҳатто неча асрлардан буён таъқиқлаб қўйилган тасвирий санъатни портрет ва анамалистик жанрлари хам ривожлана бошланди.
Хуллас, Амир Темур даврида санъат, маданият ва меъморчилик ғоят кучли ривожланди. Бу тараққиёт фақат Самарқанднигина эмас, Шаҳрисабз, Бухоро, Ҳирот, Астробод, Боғдод, Шош, Термиз каби шаҳарларда ҳам ўз ифодасини топди.
Бу шаҳарларда масжид, мадрасалар, мақбаралар, маданий-маиший бинолар, меъморчилик ансамбиллари, миноралар, сардобалар қурилиши давом этди. Мамлакат Амир Темур замонида қурилиш майдонига ва санъат ва маданиятнинг беқиёс марказига айланди.

16

МАВЗУ

улуғбек даврида фан, санъат ва маданият

1. Мовароуннаҳрда улуғбек ҳукмронлиги даври

Улуғбек Муҳаммад Тарағай ибн Шоҳруҳ Амир Темурнинг ҳарбий юришлар даврида 1394 йили, Султонияда туғилган.
Улуғбекнинг болалик йиллари Амир Темур билан бирга ўтади. Улуғбекнинг ёшлик йилларида Амир Темур давлатини қудратли

давлатга айланган давр бўлди. Улуғбекни бобоси Амир Темур унинг тарбиясига катта эътибор берди. Улуғбекни ғоят билимдон, тарбияли мураббийлар тарбиялаб, уни хат-саводли, диний ва дунёвий илмларни асослари билан қуроллантирадилар. У араб, форс тилларини мукаммал эгаллади. Кутубхоналарда тахсил кўрди.

Бобоси Амир Темур уни давлат ишларига уни бошқаришга ўсмирлик чоғидаёқ жалб қилди. Улуғбек бобосининг давлат кенгашларида, қабул маросимларида қатнашар эди.

1404 йили Темур неварасига Тошкент, Сайрам, Жамбул, Ашпара ва бутун Мўғулистонни мерос қилиб беради.

Амир Темур вафотидан кейин мамлакат 2 та мустақил давлат - Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб, бошқарила бошлади.

1409 йилдан Маркази Хирот бўлган давлатга Шохрухмирзо, маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳрга Улуғбек ҳукмронлик қила бошлади. Улуғбек бу даврда 15 ёшда эди. Улуғбек 17 ёшдан бошлаб мамлакатни ўзи бошқара бошлади. 1414 йили Улуғбек ўз давлатига Хорозмни қўшиб олди. Улуғбек бобоси каби ҳарбий юришларни қилмади. Фақат мамлакатига яқинлашиб келаётган хавф-хатарни бартараф қилиш учун қисқа муддатли харбий юриш қилади.

Масалан, 1424 мўғулистондаги вакили ҳокими Шермуҳаммадхон Улуғбек ишончини оқламагани учун уни устига юриш қилади, ғалаба билан қайтади. 1427 йилда Сирдарё ҳавзасидаги ерлар учун даъво қилиб чиққан Бароқхонга қарши юриш қилади.

1447 йили отаси Шоҳруҳмирзо вафотидан сўнг, Хуросонни ўзига бирлаштириб олиш учун 1448 йили Хиротга юриш қилади ва Хуросонни ўзига қўшиб олади. 1447 йилдан Улуғбек Тарағай ибн Шоҳруҳ тўла давлатни Олий ҳукмдори бўлади.

1449 йилнинг кузида Улуғбекнинг ўғли Абдилатиф ўз отасига қарши Самарқандга ҳужум бошлайди. Ўғил ва ота ўртасидаги жангда Улуғбек енгилади. Абдулатиф ўз отасини Самарқанд яқинида қатл қилдиради. Унинг жасади Самаркандга дафн қилинади. Лекин Абдулатифни ҳам отасини хуни учун қатл қиладилар.